

Бастақорлик ижодиёти:

тарихи,
таҳлили,
тақдири



XIII
F-69

Тўхтасинбек Ғофурбеков

**БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ:
ТАРИХИ, ТАҲЛИЛИ,
ТАҚДИРИ**



Тошкент – 2019

~~БИБЛИОТЕКА~~
~~1815~~

УЎК 78(575.1) (092)

КБК 85.313г (5Ў)

F 69

Ғофурбеков, Тўхтасинбек.

Бастакорлик ижодиёти: тарихи, таҳлили, тақдири [Матн]
Т.Ғофурбеков / – Т.: Muharrir nashriyoti, 2019. – 196 б.

ISBN 978-9943-5763-8-4

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Муסיқа тарихи ва танқиди”, “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедралари профессори Тўхтасинбек Ботирович Ғофурбековнинг монографияси – бетакрор наволари орқали ўзлигини намоён эта олган узоқ ва яқин ўтмиш бастакорлари ижодига бағишланган. Китоб соҳа тадқиқотчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган.

УЎК 78(575.1) (092)

КБК 85.313г (5Ў)

Нашрга тайёрловчилар:

Зоҳиджон Ёқубов,

Ўзбек миллий мақом санъати маркази илмий ходими;

Жаҳонгир Ёрқин (Ёркулов),

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Тақризчилар:

Рустам Абдуллаев,

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси,

Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори;

Саида Қосимхўжаева,

Ўзбекистон давлат консерваторияси “Муסיқа тарихи ва танқиди” кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

*Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси
бадий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-5763-8-4

© Т.Ғофурбеков.

© “Muharrir nashriyoti”,

Тошкент, 2019.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!

Инсон, аввало, ўз ақли туфайли, шунингдек, ўзгаларнинг савобли маслак ва маслаҳатларини сайъи-ҳаракат билан адо этишга интилиши самарасида – инсоният тафаккури неъматларидан баҳраманд бўла олишлигининг на чегараси, на ҳажми бизга маълум эмас.

Лекин дунёда шундай беназир бойликлар мавжудки, улар бизнинг кундалик кечинмаларимиз, турмуш ва юмуш тарзларимизни кўп жиҳатдан белгилаб бера оладиган, маданий ва маънавий қиёфамизга жозибаю файз бахшида этиб, тақдир гардишидаги йўлимизни адоват эмас – адолат томон, тантиқлик эмас – тантилик тараф ундайди. Булар табаррук иймон нуридек каттаю-кичикка мартабали раҳнамою оддий одамларга масъуд онларни насиб айлайди, мурувватга чорлайди.

Ҳеч шак-иштибоҳсиз ана шу бойликлар сирасига, инсон бадиияти эриша олган зангинлар силсиласига – бастакорлик санъати кирадики, бу ҳақиқатни биз бугун, яъни XX ва XXI асрлар алмашган бир палладагина эмас, балки навқирон учинчи мингйиллик сарҳадидан эъти-мод ила эътироф этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Демак, савобли ишнинг кети (ва кечи) йўқ деган нақлга амал қилиб, бастакорлик ижодиётининг кўп асрлик тарихига бир назар ташлайлик, баҳоликудрат таҳлиллаб чиқайлик ва бўлажак авлодга бо-рини узатиб, бу мўъжизакор қадриятимизнинг келажаги не йўналишларда бориши ҳақида ўз фикр-қузатувларимизни холисаниллоҳ баён этайлик.

Табиатан ўта мушоҳадали, ҳақиқатдан «етти ўйлаб – бир танловчи» доно ва донишманд халқимиз тафаккури инъикоси бўлмиш анъанавий ўзбек бастакорлик санъати, бир томондан беқиёс, деярли бир ярим минг йилга тенг тарихга эга бўлса, иккинчи томондан, сўнгги асрнинг 70-80-йиллари мобайнида энг топ-

хозирги даврга қадар даярли ўрганилмаганлиги¹ ту-
файли унинг барча тамойиларини биргина рисолада
атрофлича ёритиб бериш мумкинлиги хотадир, албат-
та. Шу боис, мухтарам ҳамкасблар, ижод аҳли, ушбу
китобни қўлга олган ҳар бир ўқувчига миннатдор-
на муրожат этиб, муаллиф ўз олдига аввало қуйидаги
мақсадларни дастурламал қилиб қўйганлигини
алоҳида таъкидламоқчи:

1. Ўзюк ва яқин ўтмиш ҳамда хозирги кунда баста-
қорларнинг ўзбек, баъзан буткул Шарқ мусика маданияти
тарқибидати касбий-ижодий ўрни ва моҳиятини аниқлаш,
муайян ижодий кифеатар мисолида ёритиб бериш.

2. Шу сабаб бастақорлик санъатининг йқин ва
ўрта Шарқда юзата келиши ва шаклланиш жараё-
нини аниқлаш, дастлабки шакл, жанр ва услубий
ўнвалишларини белгилаш ҳамда мумкин бўлган
ўринларда муайян мисоллар асосида хулосалаш.

3. Бастақорлик ижоди – ўзбек маданияти ва санъ-
атининг ўйнониш даври жараёнида (XIV – XIX асрнинг
1-ярми) энг етуқ а в ж паллага қўтарилишини очиб бе-
риш. Айнан шу даврга доир айрим асарлар муаллифла-
рини аниқлаш ва бундай услуб афзаллиқларини муай-
ян мисолларда кўрсатиш.

4. XIX асрда миллий бастақорлик санъатимизнинг
маълум инкирозга учраши, шу билан бирга, ўзгичини
йўқотмай XX аср илк чоратида оҳанган (интонацион)
ўнвалишларини исботлаш.

Бундан кейинги даврларда ўзбек бастақорлик ижо-
диёти жараёнлари – яъни:

– XX асрда композииторлик ижоди билан кўчган
«рақобат» оқибатлари;

¹ Истиқно тарзида даяра бастақор Тўхтаев Жалилов ҳаёти ва қисман
ижоди – Илҳ Ақбаров, аллома Юнус Ражабий фаолияти – Маҳмуд Аҳмедов,
беназир созанда-бастақор Фахриддин Соликов ижоди – Раъшан Юнусов
китобларида, шунингдек, Комилжон Жаборов ва Салжон Калоновлар
ижодлари дастлабки мақолалардаги ўрганилганлиги ҳамда каминанинг
2 китоби боблари, айрим мақолалари ва шогирдларининг миллий
ишаритина кўрсатилиши мумкин (адабиётлар рўйхатида қаралин).

талган, ҳатто бадиий ижод тури сифатида тўла ин-
кор этилган, лекин нанкинки ўзбекистон, буткул жахон
мусика оламида тенги йўқ асли қадриятимиздир. Мо-
зий қарьидан ўз илғомасини бошлаб, Яратгандан
ижодий инъом олган юзлаб бобо-оталаримиз ис-
теъдоди меваларини сершакл ва сермазмун мин-
глаб (!) қуй, ашула йўллариди битиб, бизгача авайлаб
етказиб келган бў м ў ч ж и з а к о р санъат, хануз
мусикашўнослигимиз чорраҳаларининг бир четида
қолиб келмоқда.

Мавжуд 300 дан зиёд бошлангич мусика макта-
ларимиз, 20 га яқин ўрта ва бир неча олий ўқув юрт-
лари миз, хусусан, ўзбекистон давлат консерватори-
яси ўқув дастурларига бастақорлик ижод тарихи,
назарияси, этикаси ва эстетик тамойилларига оид
ўқув фанлари хануз киритилганча йўқ. Ва, ниҳоят,
бастақорлик санъати салкам 15 аср давомида қўлга
киритган, ҳеч шўбха йўқки, замонавий мусика иж-
рочилиги ва ижоди ушун мусарфо хаводек зарур,
очилишни айтсам – эҳтиёжий тарзда за р у р бўлиб
қолган, янада аниқроғи – хозирги паллада тор қўчага
кириб қолган кўповозли композииторлик ижодиёти-
ни инкироздан олиб чиқара оладиган – асли моноди-
ямизни турфа шакл, жанр ва услублар *систиаси* шу
қўлга қадар ўрганилмай келмоқда.

Демак, бастақорлигимиз – миллий бойлиги-
миз, асли ўзбекона мусикиий-ижодий т а ф а к к у-
р и маҳсули сифатида, эртанги кунга қолдиримай
тақлик этиладиган энг долзарб мавзу деб тан оли-
ниши ва мусикашўносларимиз томонидан зўкқолик
билан таҳлил этиладиган илмий, ижодий ва амалий
аҳамиятта молик соҳа эканлигини эътироф этайлик,
табарруқ она заманимиз олдидати фарзандлик бурчи-
мизни иймон билан адо этайлик.

Бастақорлик санъати шўнчалик шўрмаёно, бирок

- мафкуравийлашган кўповозли мусиқа «устуворлиги»;
- ўтмиш «сарқити»га айлантирилган монодиязамин ижод;
- Истиклол саболарининг бастакорлик садоларига ижодий таъсири;
- Ўзбек бастакорлик санъати XXI аср ва учинчи минг йиллик бўсағасида долзарб ижодий т а м о - й и л л а р и ва йўналишлари муаллифнинг бир қатор тадқиқотлари – «Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества» [(номзодлик диссертацияси (1977) ва монография (1984)]; «Творцы монодийных произведений в Центральной Азии» (1987); «Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке» [монография (1987) ва докторлик диссертацияси (1989)]; «Барбадово искусство: суть судьба» (1990); «Навоий ва мусиқа» (1991); «Дуо олган ижодкор» (1993); «Дебоча», «Бобур мусиқа хусусида» (1994); «Уч аллома» (1994); «Амир Темур даври мусиқаси» (1996); «Бухоро мусиқаси» (1997); «Хива мусиқаси» (1997); «XX аср ўзбек мусиқаси ва Ю.Ражабий» (1997); «Мусиқамиз алломаси» (1997); «Мақомлар – бастакорлик ижодиёти таркиби(тизими)да» (1999); «Полимонодия – ўзбек бастакорлари маҳсули» (2001); «Ўзбек бастакорлигида муаллифлик масаласига доир» (2002); «Бастакорлик ижодиёти 1991-2001 йилларда» (2002); «Ҳазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури» (2002); «Бастакорлик ижодиёти шаҳар муҳитида» (2003); «Полимонодия – феномен творчества узбекских бастакоров» (2006); «Полимонодия в традиционном монодийном творчестве Центральной Азии» (2007); «Т.Жалилов – бетакор бастакор» (2007); кейинги 2 монографияси – «Сайланма» (2009) ва «Мусиқа – менинг борлигим» (2015), «Полимонодия – феномен авторского монодийного творчества Ближнего и Среднего Востока» (2017) ва бошқа нашрларида **марказий** ўрин эгаллаган.

Т.Гофурбеков

БИРИНЧИ БОБ ШАКЛЛАНИШ ДЕБОЧАЛАРИ

«Рост» пардасига аҳён гўзал «Ушшоқ»ни боғлаб,
Барбад ғазалин куйлар...

Низомий Ганжавий. «Хусрав ва Ширин»

Инсоният тарихида, кундалик ҳаётида шундайин бебаҳо маънавий дурдоналари мавжудки, буларга на давр бешафқатлиги, на аср суронлари, ҳатто муайян мафкура таъйиқлари қор қилмайди. Айниқса, мангу табиат инъом этган ўз-ўзини муҳофаза этиш қонуни кучга кириб, бу қадриятлар ҳар қандай ҳақсизликларга таарруз кўрсатади.

Ўзбек халқининг ана шундай умрбоқий, дунёда тенги йўқ маънавий бисотларидан бири, бетакор асарлар оламини ташкил этувчи *миллий бастакорлик санъати* – йиллар ва асрларгина эмас, балки **м и н г - й и л л и к л а р** давомида барча синовларга бардош бериб, услубан саноғи йўқ мусиқий битиклар тева-рагида ўз анъаналарини йўқотмай келмоқда. Бунинг боиси, фикримизча, мазкур анъаналар – Она сутидек бирламчи ҳаёт манбаи, булоқ сувидек зилол халқ мусиқамиздан ниҳол олиб шаклланганлигидадир.

Сўнгги йиллардаги изчил илмий изланишларимиз, шунингдек, муайян асосли тахмин (гипотеза)лар шуни аён этмоқдаки, азалдан бадииятсевар халқимиз орасидан ўзининг **а с о с и й** касб-хунари сифатида созандаликни (баъзан хонандаликни) танлаб, сўнгра куй-қўшиқлар «тўқийдиган» истеъдод соҳиблари – яъни бастакорлар қадимдан маълум бўлиб, булар элулуснинг алоҳида эътиборига сазовор бўлишган. Бу ерда бирламчи ва кўп жиҳатдан белгиловчи замин созандалик (айниқса, қўбиз, ғижжак каби «эркин» пардали асбоблардаги) бўлишининг боиси шундаки, айнан

хонаки кундалик машқ ва ижролар қобилиятли шахсларда аста-секин и ж о д к о р л и к н и уйғотган, фақат маълум асарлар талқини орқалигина эмас, балки ўз мусиқий-ижодий т а ф а к к у р и воситасида я н г и ч а куйлар ярата оладиган бастакор, ҳеч бўлмаганида бирорта бўлса-да қўшиқ ёки куй муаллифи сифатида қўни-қўшнилари, маҳалла ва бундан кенгроқ ҳудудларга танилишини хоҳлаганлар кам бўлмаган. Оғзаки анъанадагина кўчган (кечган) бу жараён ўз-ўзидан асарлар савияси, муаллиф мавқеини синчковлик, ўта талабчанлик билан с а р а л а б борган. Зеро, куй ёки қўшиқ тақлидан бўлса, халқ йўлларига ёки аввалги муаллифларникига ўхшаб кетса – умуман тан олинмаган, балки оммавий равишда қораланган, энг оғир иллат сифатида, эл-юрт олдидаги катта бир а й б тарзида ҳамманинг нафратига дучор бўлган.

Бундайин юқори мезонлар бастакорлик ижодининг кейинги паллаларида ҳам ҳеч пасаймаганлигининг ўнлаб далиллари мавжуд, лекин ҳозир, биз муаммонинг илк қадамларига мурожаат этмоқчимиз. Маълумки, маҳаллий мусиқа амалиёти ва уни изчил таҳлил этиб келган мусиқа илмимизда мазкур соҳадаги ижодкор, яъни бастакор қ и ё ф а с и рўйи рост равишда даставвал – бу санъат (ижод, ижро ва илм)лар асосчиси ва бу борада шак-шубҳасиз му а л л и м и а в в а л бўлган Абу Наср Форобий (873-950) томонидан атрофлича тадқиқ этилган. Наинки бевосита мусиқага оид китоблари, балки шеърятга бағишланган асарларида ҳақиқий ва сохта – бировларга тақлид этиб юрувчи ижодкорлар ҳақида қизиқарли фикрларни асослаб беради. Ўзи созанда (уд, ғижжак, қонун) ва айрим манбаларга кўра бастакор бўлатуриб, аллома, мусиқанинг оламшумул моҳияти, узоқ ўтмиш ва айнан IX аср охири X аср биринчи ярмидаги аҳволни теран ва таҳлилан англаб, шоҳ тадқиқоти – «Китоб ул-мусиқа ал-кабир» («Мусиқа ҳақида катта китоб»)ида тарихий, назарий, амалий нуқтаи назарлардан муфассал

ёритиб қолдирган ва бу ҳақида кейинроқ алоҳида фикр юритамиз.

Марказий Осиё тарихида и л к у й ғ о н и ш д а в р и сифатида Машриқу Мағрибда (Адам Мецнинг «Мусулмон ренессанси» монографиясини эслатиш ўринли) тан олинган мазкур бир ярим аср, яъни Сомонийлар даври, ҳақиқатан, барча соҳалар қатори, мусиқа санъати, хусусан, бастакорлик – муайян ва бадий таъсирчан и ж о д и ё т тури эканлигини тўлалигича эътироф эттиришга тааллуқли муҳит яратиб берган эди. Бунинг яққол ва ишонарли исботларини фақатгина маҳаллий манбалардагина эмас, балки хорижий Шарқ ва Ғарб муаллифларининг тадқиқотларида топиш мумкин.

Шу боис айтиб ўтилган Адам Мецдан ташқари, А.Кристенсен (Дания), Р.Фрай (АҚШ), Ян Рипка (Чехия) каби Ғарб шарқшунослари Сомонийлар ва қисман Сосонийлар даври сиёсат тизими, адабиёти, ҳунармандчилигидаги жадал ижодий жараённи ёритишда маънавият кўтаринкилиги, хусусан, Барбад Марвий (тахм. 585 – 628 ёки 630) тимсолидаги бастакорлик санъати шаклланишини йўл-йўлакай бўлса-да, алоҳида таъкидлаб ўтишади. Шарқда эса, бу феномен – айнан оддий, ҳаваскорона машқлардан – к а с б и й, яъни п р о ф е с с и о н а л и ж о д и ё т мавқеига кўтарилганлиги – ҳам бадий, ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тўла-тўқис англанади.

Қизиғи шундаки, мусиқий ва назмий ижодий тафаккур ниҳоят даражада чамбарчас ўзаро боғлиқ бўлган давр (IX – X асрлар)да бастакорлик санъати соф мусиқашунослар қатори, кўпроқ шоирлар, тарихчилар, хусусан, турли тазкираларнинг муаллифлари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган: Холид ал-Фаёз (718-й. ваф. этган)нинг шеърлари, ибн-Жаҳиз (775-863)нинг «Китаб ат-Тож», Абулфараж Исфаҳоний (897-967)нинг бутун дунё тан олган «Китаб ал-оғоний»,

муаллифи номаълум «Зийнат ал-мажолис» ва ўнлаб бошқаманбалар.

Муҳаммад Зокири Самарқандий (XII)нинг машҳур «Синбоднома»сида муаллифдан деярли икки аср аввал яшаган шоир – Шариф Мужаллади Гургонийнинг куйидаги байти келтирилган:

*Аз он чандон наими ин аҳонӣ,
Ки монд аз оли Сосон в-оли Сомон?
Санои Рӯдакӣ мондасту мидҳат,
Навои Барбад мондасту дастон.*

*Бу жаҳон ҳазиналаридан
Не қолди Сосонию Сомонийлардан?
Рудакийнинг нозик шеърларию
Барбаднинг боқий наволари.*

Келтирилган иқтибос ва унга ўхшаш юксак бадиий таърифлар кўп бўлишига қарамай, ҳозирги кундаги тарих, адабиётшунослик, энг мухими, замонавий мусиқашунослик илмларида *Барбад феномени* борасида қатор муаммолар мавжудлиги ҳаммага маълум.

Аввало, буюк бастакорнинг исмини олайлик. Фикримизча, XX аср охирига келиб, бу борада, юмшоқ қилиб айтганда ҳам ғайри илмий, тарихга зид, лекин ҳеч қандай асосланмаган «воқеа» содир бўлмоқда. Яъни, 10(!) асрдан зиёдроқ давр мобайнида аллома – дастлаб Баҳлабанд² (Холид ал-Фаёз, VIII аср), Балаҳбоз³ (ибн-Жахиз, Бухтурий, IX аср), кейинчалик Фаҳлбоз, Фаҳлиз [ал-гина ал фаҳлизи, деб аталувчи мусиқа жанри ана шундан – Т.Ғ.], Фаҳробод, Фаҳриз, Фаҳрабанд ва ҳатто Фаҳлобод, Паҳлобод номлари билан илмий манбалардан ўрин олиб келганлигига қарамай, 1990 йили Душанбе шаҳрида ўтказилган ва алломанинг 1400 йиллигига бағишланган илк анжумандан эътиборан – Борбад деб юритила бошланди ҳамда астойдил «форс-

тожик маданияти асосчиси», «форс-тожик профессионал мусиқаси карвонбошиси» деб эълон қилинди. Маълумки, буюк бастакор фақат Фирдавсий томонидан «Шоҳнома»да шеърӣ қофияга мослаш мақсадидагина Борбад деб аталган. Шундай экан, тарихий ва илмий ҳақиқатни тиклаш ниятида, ўнлаб қўлёзмаларда учрайдиган Барбад номига қайтишимиз зарур.

Аллома теварагидаги иккинчи жиддий муаммо, яъни форс-тожик мусиқий анъаналаригагина боғлаб қўйишлик ҳам ғайри илмий кўринади. Зеро, Барбад Марказий Осиёнинг энг қадимги маданият марказларидан бири Марвда дунёга келганлиги, айнан шу ерда хонанда, созанда ва бастакор сифатида танилганлиги туфайлигина Марвий, Марвазий нисбати билан мазкур қўлёзмаларда таъкидланади.

Шундай экан, тахминан 45 баҳорнигина кўришга улгурган Барбаднинг сўнгги 10-12 (?) йиллик фаолияти Хусрав ўзлигини II Парвиз саройида ўтганлигига урғу бериб, уни форсийлаштириш, бизнингча, адолатдан эмасдир. Фикримизча, бунинг ўрнига буюк бастакор ижоди ҳақидаги турли-туман, баъзан бир-бирини инкор этувчи маълумотларни жамлаб, муайян тизимга тушириб, улардан буткул Марказий Осиё халқлари мусиқаси ва, албатта, Яқин ҳамда Ўрта Шарқ маданиятлари аломатларини излаш, илмий таҳлил этиш мақсадга мувофиқроқ кўринади.

Хусусан, бутун дунёга машҳур 20 жилдлик «Китоб ал-оғоний» мажмуаси муаллифи Абулфараж Исфаҳоний антиқа бир усулда 1000 та қўшиқдан – 300 та, булардан – 100, сўнгра – 30 та, бундан – 10 та, 10 тадан – 3 та ва ниҳоят, 3 тадан – а т и г и битта қўшиқни танлаган ҳолда, бундаин асарлар муаллифлари орасида Барбаддан ташқари, Ромтин (557-620), Накисо Чангий (549-623) каби Мовароуннаҳрга даҳлдор бастакорларни санаб ўтар экан, барибир «Марвли мўъжизакор»ни алоҳида мақтовлайди, унга ҳаваскорлар у ёқда турсин,

² Арабча «лаҳн» – куй ўзагидан «балаҳнбанд» эмасмикин?

³ Мазкур ўзақдан келиб чиққан – «балаҳнбоз» эмасми?

касбдош (профессионал)лар орасида тенг келадигани йўқлигини таъкидлайди.

Абумансур Саъолибий ўзининг «Ятимат-ат-дахр...» асарида куйидагиларни ёзади: «Барбад Мовароуннаҳрда жойлашган марвлик эди, уни араблар Фахлбод, Фахлбоз деб аташар эди... Куйлаш ва созларда ижро этиш санъатида тенги йўқ эди.

Ажам [халқлари] мусиқа асарларининг аксариятини у яратган дейишади».⁴

Аҳамият беринг, бундан деярли минг йил аввал (Саъолибийнинг яшаган йиллари 961-1038) бутун Шарқда обрў топган зукко олим фикрларида жон борки, биз Барбад Марвазий ижодий мероси тақдири, унинг меросининг сўнгги минг йилликда аниқланиши Марказий Осиё халқлари мусиқа ижодиёти билан қиёсий тадқиқ этилиши муаммосини ўртага ташламоқдамиз. Албатта, бу масала қай даражада илмий нуқтаи назардан қийин эканлигини атрофлича ва тўла ҳис этган ҳолда, хайрли ишни бошлашга қўл урмоқдамиз.

Манбаларга мурожаат этайлик. Муаллифи ҳануз аниқланмаган «Таърихи Сиистон»даги саҳифаларнинг бирида қуйидагиларни ўқиймиз: «Сосонийлар даврида ижрочилик [созандалик – Т.Ғ.] санъати ҳам, ҳонандалик ҳам диққат-эътиборли бўлиб, юқори баҳоланарди. 360 қўшиқ ва 30 та куй яратган Барбад Марвазий ўзининг мусиқий асарлари билан донг таратди. Айтишлари-ча, айнан шу (асарлар ижод этилган) пайтдан бошлаб Ажам мусиқалари [бастакорлик маҳсуллари – Т.Ғ.] яратила бошланган бўлиб, мазкур мусиқанинг назарий мезонлари қонунлашиши, услублари ва талабларининг ягона тизимланиши кузатилади».⁵

Аксарият манбаларда Барбад ижоди А ж а м (яъни ноабрабий) халқларининг мусиқа маданиятида бир бурилиш

⁴ А.Ражабов «Борбад и его вклад в таджикско-персидскую музыкальную культуру» статья // «Борбад, эпоха и традиции культуры». – Душанбе: Дониш, 1989. стр. 50-бет.

⁵ Ўша манба, 20 ва 51-бетлар.

тарзида таърифланмоқда. Демак, бу ижодкор кашф этган анъаналар сарчашмаси имкон қадар аниқланганидан сўнг, ундан яқин ва Ўрта Шарқда истиқомат қилаётган барча туркий ва форсийзабон халқлар бир хилда бахраманд бўлишлари адолатдандир.

Барбад анъаналари, юқорида таъкидлаганимиздек, маълум илмий ва аксарият ҳолларда бадиий адабиётда, шунингдек, айрим ривоятларда ўз инъикосини топган. Ана шулардан бизга тааллуқли, энг ҳаққонийларини саралаб олиб, қомусий тафаккур соҳиби Абу Наср Форобий таъбири билан айтганда, бу «қимматбаҳо дурларни ипга тизиб»гина Барбаднинг бетакрор ижодий услуби, изчил қўллаган ва росмана сайқал бериб келган мусиқий шаклларни аниқлашга ҳамда буларни бастакорлигимиздаги ўн беш асрлик ўрнини англашга уриниб кўрамиз.

Ҳозирнинг ўзида мазкур жараён, яъни бастакорлик ижодиётимизга ижобий таъсир кўрсатиб, асил омил вазифасини ўтаган *барбадий* анъаналардан бири – охир натижада у м у м ш а р қ и й ҳудудларда танилган ва тан олинган ижодий эркинликдир. Агар буюк бастакор фақат бир миллий йўналишдагина иш тутиб асарлар яратганида, табиийки, маълум қобик доирасидан нарига ўта олмаган булур эди. Шу боис унинг ижодий мероси муайян мисолларда бизгача етиб келмаганлигига қарамай, қатор мнбаларда битилган номларида ҳам мазкур эркинлик аломатлари, ҳақиқатан ҳам жуда кўп Шарқ халқлари мусиқасига хос унсурларни учратиш, қиёсан таҳлил этиш, ҳулосалар жамлаш қийин эмас. Бошқача қилиб айтсак, Барбад анъаналари ўзининг б а р ч а мусулмон мамлакатларига хос профессионал мусиқий ижод мезонлари, муайян т и з и м даражасига кўтарилган *универсализми* билан ажралиб туради.

Деярли барча манбаларда Барбад ижодий мероси ҳақида фикр юритилганда, у – «Сироти Ҳусравоник» (қисқартирилгани «Ҳусравонийёт») деб аталувчи ва ҳар бири бир неча қисмларга бўлинувчи 7 қисмли

шоҳпардалар туркуми, 30 та чолғу куй ва 360 та қўшиқ яратганлиги таъкидланади ҳамда буларнинг аксарияти Ажам халқларига тааллуқли эканлиги қайта-қайта айтиб ўтилади.

Хусусан, илмий манбалар мазкур «Хусравониёт» туркуми, унинг умумий тузилиши, мавзу ва мазмуни, шунингдек, айрим қисмлари ҳақидаги қимматли маълумотларга бой. Абумансур Саъолибийнинг яна бир тазкирасифат асари «Ғурур алахбор»ида қўйидаги теран фикр мавжуд. «...базмларда мусиқачи (хонанда – Т.Ғ.)лар Барбаднинг «Хусравониёт»идан қўшиқларни махсус тизим асосида куйлашар эди».⁶

Кейинроқ, ўнлаб муаллифлар (шулар жумладан, Алишер Навоий ҳам) «Келинчак хазинаси», «Гов хазинаси», «Шамол олиб келган хазина», «Афросиёб хазинаси» каби асарларни санаб ўтишадик, буларнинг ўзи «Хусравониёт»даги қисмлардан бири бўлатуриб, муайян бир туркумни ҳосил этади. Агар бу қисмларда дунё бойликлари турли мезону мавқе, эътиқоду-эътимодлар палласидан эътироф этилиб мадҳияланса, мазкур, ўша давр учун энг мукамал ҳисобланган «Хусравониёт»нинг бошқа қисмларида лирик, драматик ва ҳатто пантеистик мавзулар куйланади. Табиийки, маълумотларда таъкидланганидек, ўзаро (имманентик) боғланган у м у м т у р к у м ва қисмлар ичидаги туркумларда ифодаланган у ёки бу мавзулар – м а к р о т у р к у м ҳамда м и к р о т у р к у м миқийсларда муайян бир (ёки бир неча) куй воситасида акс эттирилган. Азалий Шарқ, аниқроғи у м у м ш а р қ о н а мусиқа тафаккури қонун-қоидалари эса мазкур куй (куйлар)ни қисмдан-қисмга кўчган сари усул ўзгариши туфайли тоблантириш йўли билан мавзуни очиб берган.

⁶ Ўша манба, 59-бет.

Буни биз бевосита Барбад Марвий асарларининг номларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Шундай экан, нега бастакорлик ижодига карвонбошилиқ қилган буюк истеъдод соҳиби бисотида – бизгача тўла-тўқис етиб келган мақом тизимида унинг таъсири борлигини эътироф этмаймиз?

Фикримизнинг исботи тариқасида, яқинда нашрдан чиққан навқирон истеъдодли олим О.Иброҳимовнинг «Мақом ва макон» деб номланган рисоласини олайлик. Унда аввалдан қўйилган барча муаммолар теран ва атрофлича ёритилган, лекин мақомлар тарихига келганда (биринчи боб «Мақомлар тарихига доир» дея номланишига қарамай), мусиқашунос, ўз салафлари – устоз И.Р.Ражабов ва Р.Ю.Юнусовларнинг тадқиқотларига нисбат бериб, умумий тахмин: «Мақомларнинг келиб чиқиш негизлари узоқ тарихий даврларга бориб тақалади»⁷ – деган нақлни яна бир бор ўртага ташлаган.

Демак, мақом мероси илдизларини қидирар эканмиз, бу мулкка ж о н ато этган бастакорлик санъати тарихини четлаб ўтмаслигимиз, балки бирламчи илмий назарни – айнан ана шу асосзамин уммон қаъридан бошлашимиз зарур.

Барбад Марвазий ижоди, кенгроқ қилиб олганимизда, унинг д е м и у р г⁸ даражасидаги унумли ва серсарали фаолияти мазкур уммондан бизга инъом этилган неъматдир. Шу боис ҳам аллома ижодий бисотига оид ҳар бир маълумотни ўта зукколик ва синчковлик билан таҳлилан кўриб чиқиб, муайян фикр ва хулосаларга келишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бизгача номлари илмий ва бадиий адабиёт орқали етиб келган Бар-

⁷ О.Иброҳимов. Мақом ва макон. – Тошкент: «Мовароуннаҳр», 1996, 5-бет.

⁸ Демиург (нонча – халқ учун яратувчи хунарманд, ўз касбининг хоҳири) – буюк Афлотун таъбирида серқирра касб-хунар соҳиби, уста, том маънодаги ижодкор, «Коинот яратувчиси ва отаси» («Тимей»).

баднинг 30 та асари маълум. Улар «Хусравоният» улкан ва кўп томондан мукамал бир макротуркумни ташкил этса, айрим мавзулар атрофида жамланган қатор микротуркумлар мажмуаланиб, унинг асосини ташкил этганки, бу хусусият ҳам аллома бастакорнинг бир қарашда тарқоқдек туюладиган ва шу боис, эътибор четида қолиб келаётган мақомсифат, энг муҳими – услубий топилмаларидандир.⁹ Қизиғи, бу асарлар мажмуида куйларнинг навбатма-навбат келишида наинки мақомларга хос, балки ўзбек (тожик ва б. халқлар) мусиқа фольклорида оммавий тус олган 2 қисмли (бирламчи куй ва унинг уфари каби) – «Сарвикул» ва «Сарви гулзор» ҳамда 3 қисмли – «Тунлар гуллари», «Саховатли тун» ва «Сахий кун» каби микротуркумлар ҳам учраб туради.

Булар ва худди шундай 2-3 кетма-кет келувчи қисмлардан иборат мухтасар туркумлар қатори, маълум «масофали» туркумлар ҳам мазкур 30 асар таркибидан ўрин олган: «Тоқдис тахти» ва «Тахт куйи», «Бонг куйи» ва «Сарой куйи», «Сиёвуш учун ўч» ва «Ираж ўчи».

Хуллас, Марказий Осиё халқлари (хусусан ўзбекларнинг ҳам) мусиқий анъаналари замирида хонанда, созанда, бастакор ва шоир сифатида шаклланиб, бу анъаналарни касбий йўналишга бурилишини амалий таъминлаб берган Барбад Марвазий ижоди – баайни шу ҳудудда мукамал мавқеъга эришган мақомчилик санъати билан ижрочилик ва ижод нуқтаи назаридан чамбарчас боғлиқлигига шакшубҳа йўқдир.

Табиийки, уммондек феномен даражасидаги мазкур санъат фақат бир – Барбаддек демиург шахсининг саъй-ҳаракатларигина туфайли шаклла-

⁹Барбад Марвазийнинг асарлари ҳақидаги кенгрок маълумот ва дастлабки таҳлилий кузатувларимизни қаранг: Т.Ғофурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Ташкент: Фан, 1987.

ниш жараёнларини узил-кесил хал эта олмаган, албатта. Зеро, «Хусравонийёт» каби туркумни, муайян шаклланиш тизимига эга асарлар яратилганидан хатто аср ўтмасдан – ўзлари ёки ота-боболари марказий осиелик бўлган Абдурахмон ибн Сурайж (743 й. ваф.), Хунайн Ҳирий (VIII аср), Олловайх, Абуҳифз Сўғдий, Бўзар ва бошқаларнинг номи ҳам дастлаб ўз ҳудудлари, кейинроқ бутун Яқин ва Ўрта Шарқда танилди. Бунинг исботини яна ўша Абулфараж Исфаҳонийнинг «Китоб ул-оғоний»идан топиш ўринлидир, чунки манбалар орасида у – энг ишонарлиларидандир. Хусусан, ўта талабчан муаллифнинг синчков мезонидан ўтган асарлар қўйидаги услуб асосида сараланган экан: «Ҳар бир аср қўшиқлари орасидан мутахассислар томонидан яқдилликда – энг мустақил ва мукамал ишланган, деб танилганларини ажратиб олдим, уларнинг муаллифлари ва ижрочиларини аниқладим; сўнгра қадимийларга ўхшаганлари ёки уларга тақлидланганларига мурожаат этдим».¹⁰

Яққол кўриниб турганидек, ал-Исфаҳоний асосий талаб тариқасида – мустақил ижодий услуб мавжудлиги, мукамал ва пухта ишлов берилганлиги ҳамда ўтмиш анъаналари билан узвий боғлиқлигини танлаган экан (бундай мезон – замонавий асарлар учун ҳам долзарбдир).

Айнан шу юксак нуқтадан туриб; 3 аср мобайнида ижод этилган юзлаб қўшиқлардан «Китоб ул-оғоний» муаллифи ажратганларини қуйидаги жадвалларда келтириш ўринлидир.



¹⁰Абу-ль-Фарадж аль-Исфাহани. Книга песен. Пер. с арабского А.Б.Халидова, Б.Я.Шидфар. – М.: Наука, ГРВЛ, 1980, стр. 24-25.

Биринчи тасниф

№	Асар номи	Шеър муаллифи	Куй муаллифи
1	«Сарой ва гул»	Абу Катифа (VII – VIII а.)	Маъбад (VII а.)
2	«Зотли от нолар эди...»	Умар ибн Аби Робийа (VIII а.)	Ибн Сурайж (VII – VIII а.)
3	«Ҳиссиётларинг тўлқинлатдим...»	Нусайб (VIII а.)	Ибн Мухриз (VIII а.)

Иккинчи тасниф

№	Асар номи	Шеър муаллифи	Куй муаллифи
1	«О, сени Умм Малик»	Мажнун (VII а.)	Ибн Мухриз (VIII а.)
2	«Жиддага элчи юборишди»	ал-Аржий (VII – VIII а.)	Иброҳим ал-Мавсилий (742-804)
3	«Ҳиссиётларинг тўлқинлатдим...»	Нусайб (VIII а.)	Ибн Мухриз (VIII а.)

Ҳар икки жадвалда келтирилган 6 асарнинг куй муаллифлари орасида ўзига хос ижодий мусобақа содир бўлиб, бунда услубий мустақиллик, шаклан мукамаллик ва ўтмиш анъаналарига таяниш «номинациялари» бўйича ютиб чиққанларигина кўрсатилган. Демак, Абдурахмон ибн Сурайж – Маъбад Мадиний, Иброҳим ал-Мавсилий сингари атокли бастакорлар билан «беллашиб»гина мана шу фахрий рўйхатдан ўрин олган. Бу танлов ҳаққоний ва холисона жараёнда ўтганлигини эса наинки 20 жилдли китоб мазмуни, балки Абулфараж Исфаҳоний бу китобдан ташқари – куйлар, хонандалик ва бошқа соф муסיкий муаммоларга бағишланган, жами 6 та махсус рисоалар ҳам ёзганлиги билан таъминланган.

Умуман олганда, Ибн Сурайж қиёфаси, ижрочи-

лик ва ижодий маҳорати муаллиф томонидан қиёсан кенг ва муфассал ёритилган, изчил таҳлил этилиб, ўзга бастакорлик таърифиди ҳам баҳоланган. Буни, айниқса, китобдаги – «Маъбад ва Ибн Сурайж», «Ибн Сурайж ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар», «Иброҳим ибн Махдийнинг Исҳоқ Мавсилий билан Ибн Сурайж савтлари тўғрисидаги суҳбати», «Ибн Сурайж бартараф этган Маъбад ва Малик баҳси», «Ибн Сурайж ва Харид орасидаги баҳс», «Ибн Сурайж куйлаши ҳамма одамларнинг орзу-умидларини ифодалайди», «Ибн Сурайж куйлашининг Маъбад ва Маликлар куйлашидан устунлиги» каби бўлимларда келтирилган қимматли маълумотлардан йиғиш мумкин.

Хусусан, булар мазмунидан шу нарса аён бўлмоқдаки, Ибн Сурайж хонандаликда ва айниқса, бастакорликда тенги йўқ бадиҳачи сифатида бутун Шарқда танилган ҳамда Маъбад Мадиний, ота-бола Иброҳим, Исҳоқ Мавсилийлар, шунингдек, Малик ва ҳатто рақиби Харид томонидан тан олинган экан. Абулфараж Исфаҳоний, Абдурахмон ибн Сурайж ижодиётининг яна бир ибратомуз ҳислатини алоҳида таъкидлар билан бир неча бор мақтайди. Хусусан, замондошлар (ижод ва ижро аҳли) назарига тушган бастакорнинг 68 та савти ҳақида қуйидаги фикрлар эътиборга лойиқдир: «... мазкур савтларнинг лаҳн [куй]ларини у ўзининг Фулоний ғазалига яратган куйидан олган».¹¹

Демак, Ибн Сурайж шу қадар юксак истеъдод ва салоҳият соҳиби бўлганки, атиги бир куй асосида бемалол салкам 70 та янги асар ярата олган. Шу билан бирга, китобдаги айрим лавҳаларда бастакор қобилиятига хос яна бир инъом – бир неча куй (хусусан, савтлар)ни жамлаб, кенг қўламли *ягона*, ҳар томонлама яхлит ва мукамал асар юзага келтира олиш ҳақида фикр юритилади.

Хуллас, Ибн Сурайж ижодида Барбад Марвазий анъаналари, жумладан, турли ҳажм, чегараланмаган

¹¹ Ўша манба.

қисмлардан ташкил топган туркумли асарлар, алоҳида кўринишдаги куй ва ашула йўлларини яратиш *силсиласи* ўз давомини топди, янада илму амалиёт аҳли диққатига муяссар бўлди, худди «Марказий Осиё булбули» каби ўнлаб мусикий рисоалар, юзлаб бадиий китобларда таърифланди, айрим ривоятларга ҳам кўчди.

Табиийки, бундай шахс, серқирра ижодкор – бутун Шарқ мусиқа илми асосчиси бўлмиш, аллома Абу Наср Форобийнинг эътиборидан четда қолмади. Айниқса, оламшумул аҳамиятга молик «Китоб ул-мусиқи ал-кабир» саҳифаларида муайян шахсларнинг номлари ниҳоятда санокли бўлишига қарамай, Фаҳлиз (яъни Барбад Марвий), Абдурахмон ибн Сурайж, Маъбад Мадиний, Абуҳифз Сўғдий, ота-бола Мавсилилар, ал-Камо Ибн Абдих, аёллар орасидан Жамила ва яна бир нечагина ижодкорлар қаторида теран таърифлар топади. Лекин ўзга муаллифлар, чунончи Абулфараж Исфажонийдан фарқли ўлароқ, Абу Наср Форобий – ўзи бевосита мусикий ижрочилик, ижод ва илмга алоқадор бўлатуриб, Ибн Сурайж ижодига ўзгача ёндашади. Ўша даврда ва яқин ўтмишда фаоллик кўрсатган салаф ҳамда замондош бастакорларни йирик қўламда икки турга бўлар экан, Форобий, биринчисини ҳеч қандай восита, яъни – созларсиз ижод қилувчилар, иккинчисини, албатта, бирор мусиқа асбоби, жуда бўлмаганда, муайян баландликдаги садоларни юзага келтирувчи махсус мосламалар ёрдамида асар яратувчиларга бўлади. Айнан сўнги, иккинчи гуруҳ ижодкорлари қаторига Ибн Сурайжни киритиб, аллома қўйидагиларни ёзади: «Ҳикоя қилишларича, Ибн Сурайж Маккий товушларни [бўлажак асар учун] танлаш мақсадида – қўнғироқчалар осиб қўйилган кийим кийиб, буларнинг садоси яратилаётган қўшиқ садолари билан уйғунлашишига интилар экан. Шу алфозда Ибн Сурайж ўз қўллари, оёқлари ва танасини муайян усул (ритм)даги ҳаракатга келтириб, товушларни оҳангга

сола бошларкан. Оҳанг қўшиқ жумлалари ва тана ҳаракатига мос келганидагина, у (оҳанг) қиёмига етган ҳисобланиб, ўз қўшиғини давом эттирар экан».¹²

Ота-боболаримиз истиқомат қилган ҳудудларда касбий мусиқа санъати – ижрочилик, ижод, илм ва махсус таълим шаклланиши жараёнида Ибн Сурайжгача ва ундан кейин ҳам қатор маҳаллий хонанда, созанда ва бастакорлар етишиб чиқиб, булар камолот чўққиларига кўтарилган чоғларида – форсийзабон ва арабзамин мамлакатларда тан олиндилар.

Ромтин (557-620) ва Накисо (549-623) – ана шулардандир. Буларнинг биринчиси Мовароуннаҳрлик бўлиб, кўриб турганимиздек, ҳатто Барбаддан олдинроқ моҳир чангчи (қадимги арфасимон – кўпроқ аёллар чаладиган соз ижрочиси) сифатида донг таратган. Маҳмуд Гардизийнинг «Зайн-ал-ахбор»и, Абу-мансур Саъолибийнинг «Ятимат-ат-дахр...»и, Шамс Қайс Розийнинг «Ал-мўъжам...»и каби манбаларда айтилишича, Ромтин, аслида чангдаги ижрочиликни ниҳоятда юксак даражага кўтарган ва, аввало, шу созга мўлжалланган «Ромтин», «Ромишижон» ва «Ромиш-хон», «Созгарий» сингари асарлари билан танилган. Кўриниб турибдики, айнан шу ижодкор биринчилар қатори яратган асарларида ўз исми (тахаллуси)ни таъкидлаш анъанасини йўлга қўйган. Минг афсуски, кейинги яқин асрларда ижод аҳли учун ўта муҳим бўлган бу ташаббус – муаллифларнинг ҳам, ижрочи ва олимларнинг ҳам диққат-эътиборидан четда қолиб кетган. Оқибатда, VI – VII асрлар у ёқда турсин, XVI – XVII асрларга оид асарлар кимлар томонидан яратилгани-

¹² Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисоалари – Тошкент: Фан, 1963. Илова, 251-бет; Яна қаранг: Форобий. Рисоалар. – Тошкент: Фан, 1975; Аль-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии. Перевод с арабского К.Х.Таджиковой, Алма-Ата; «Гълым», 1992; Абу Наср ал-Форобий. Китоб ул-мусиқа ал-кабир (Қатта мусиқа китоби). Мусиқа ижодиёти масалалари. 1-тўплам. Тошкент: Қаторгол – Камолот, 1997 (парчалар, А.Назаров таржимаси). 5-20 бетлар. Даукеева С. Философия музыка Абу Насра Мухаммада аль-Фараби. Алматы. Фонд Сорос-Казахстан, 2002, стр. 152.

ни аниқлаш – замонавий мусиқашунослик илми учун амри маҳол, десак, ҳеч муболаға бўлмайти.

Барбад Марвий замондоши ва ватандошларидан яна бири – Накисо Чангийдир. Боз устига, илмий манбалар, кўпроқ бадиий адабиётда (Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Амир Хусрав ва б.) Накисо – одатда Барбаднинг тўғридан-тўғри ижро ҳамда ижод соҳасидаги рақиби сифатида гавдалантирилади. Бу икки забардаст санъаткорларнинг мусиқий «мушоира»лари ҳақиқий «б е л л а ш у в» тарзида тўлақонли кўрсатилиб, бу борада кейинчалик рамзий тус олади¹³.

Алоҳида эътиборли ва илмий нуқтаи назардан ишонarli манба – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Котибий Хоразмий (910-997)нинг машҳур «Мафотиҳ ул-улум» («Илмлар калити») қомусий асаридаги дostonлар ҳақидаги бўлимда қуйидаги мисраларни ўқиш мумкин: «Достон, шунингдек, Барбадга мансуб аксарият лаҳнлар (ли-кулли лаҳни мина-л-алҳон) номидир».¹⁴

Демак, Барбад бастакор сифатида наинки бадиий адабиётда, балки махсус касбий илм – илми мусиқийда ҳам танилиб, тан олинганлигига ҳам ҳеч шубҳа йўқдир. Буни таъкидлашимизга сабаб, ҳанузгача баъзи (хусусан, Ғарб ва рус мусиқашунослигига оид) нашрларда Барбад ўзи ҳақиқатан бўлганми, у фақат афсонаю ривоятлар ва булар асосида юзага келган бадиий тўқималар маҳсули эмасмикин(!) каби гумонсирашлар тугаганича йўқ, худди шу қабилдаги «хушёрликка» чақирувлар ҳам айрим-айримда бўлса-да ҳамон қулоққа чалиниб қолади.

Барбад Марвийнинг хонандалик, созандалик ва ижодкорлик қиёфаси гавдаланиши, унинг ўзга, касбдош санъаткорлар билан бўлган бевосита (айрим ҳолларда эса билвосита) мусохаба ва мусобақалари муайян бир ж а р а

¹³ Бу ҳақида батафсилроқ қаранг: Т.Ғофурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Ташкент: Фан, 1987, 7-11 бетлар.

¹⁴ Джумаев А. Художественные традиции Борбада в средневековом музыкальном искусстве Мавераннахра и Хоросана // Борбад, эпохи и традиции культуры. Душанбе, «Дониш», 1989. стр.146.

ъ ё н кўринишларида Абулқосим Фирдавсий (940 – 1020), Абу Мансур ас-Саъолибий (961 – 1038), Носир Хусрав (1004 – 1088), Низомий Ганжавий (1141 – 1209), Насириддин Тусий (1201-1274), Амир Хусрав Дехлавий (1253 - 1325)ларнинг бадиий ва бадиий-илмий асарларида таърифланган. Биз буларнинг баъзиларигагина батафсил тўхталиб ўтиш имконига эгамиз.

Дунё кадриятларидан «уд садолари ва Зардўшт иймони» танлаб, «Шоҳнома»ни бошлаган буюк шоиримиз Абу Мансур Дақиқий (956-980) ишини аллома Фирдавсий давом эттирар экан, замон зайли билан йўл тутати. Айнан шу, яъни Сомонийлар даврида бадиий ва илмий ижодиётнинг асл Р е н е с с а н с даражасига кўтарилиши туфайли бастакорлик касби, унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи шундай юксаладики, биз «Шоҳнома» саҳифаларида бунинг и н њ и к о с и н и учратамиз. Хусусан, Барбад Марвий атрофлича таърифланган «Хусрав Парвиз подшоҳлиги» достонининг илк саҳифаларида Фирдавсий қуйидагиларни таъкидлайди:

*Хусрав шоҳ ўлтирар, тожу тахти зар,
Хузурига келди зукко одамлар.
Юртдан йиғилишди аёёну акбар...¹⁵*

Боз устига, бастакор ва шоҳнинг бевосита учрашган пайтига келиб, ҳар иккала томон халқ орасида аллақачон танилиб ва тан олинган бир паллага тўғри келади. Зеро, тарихий манбаларга асосан Хусрав II Парвиз милодий 590 – йилда тахтга ўтирган бўлса, бу маълумотлардан шубҳасиз хабардор бўлган Фирдавсий, Барбадни саройга анча кеч «чорлайди»:

*Парвиз юрт ишидан тутиб огоҳлик,
Йигирма саккиз йил қилурди шоҳлик.
Ҳеч кимса кўрмади ундан кори бад,
Хабардор эди шоҳ қасридан Борбад.*

¹⁵ Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Учинчи китоб. Хусрав Парвиз подшоҳлиги. Шоислом Шомухамедов таржимаси. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 435-бет.

Унга айтдиларки: «Ул шоҳи жаҳон
Мумтоз ҳофизларни қилур имтиҳон.
Саройда шоҳ сени тингласа агар,
Сарой устидан ҳам этгуси сарвар».¹⁶

Достонда Барбаднинг саройга кириб келиши бир-мунча афсонавийлашгани ҳаммага маълум, лекин мазкур жараёнда – ҳар гал қутилмаган вазиятларда ҳам ижодкор ўз тафаккурини жиловлаб, бир-бирини мантиқан ва мазмунан тўлдириб борувчи асарларни бадиҳа тарзида кетма-кетига яратади. «Баҳодир жанги», «Адолат кашф этувчи» ва «Яшилона яшил» номларини олган бу уч асарни бастакор ўзи руд жўрлигида шу даражада моҳирона ижро этиб, Хусравни хайратда қолдирадики, шоҳ дарҳол уни саройдаги мутриб ва муғаннийлар раҳбари этиб тайинлайди. Табиийки, аввал бу мартабали амални бажариб келган Саркаш (айрим манбаларга кўра Саргис, 568-625) бундан ранжийди, зеро у нафақат Хусрав Парвиз, балки унинг салафи Хусрав I (Ануширвон, 531-579) саройида тан олинганлардан бири эди. Илмий манбаларда Саркашнинг «Варшон», «Кисра», «Саркаш», «Сарандоз», «Шодвард» каби асарлари санаб ўтилади. Шунга қарамай, унинг хизматлари, эҳтирослар қули¹⁷ бўлган Хусрав II томонидан рад этилади, «истеъдоди паст, санъати – аччиқ қовоқ» деб, бир зумда йўққа чиқарилади.

Демак, бадий ифодалар – илмий кузатувлар самараси экан, биз Барбад Марвийнинг ижодий камолотга кўтарилиши ҳақиқий р а қ о б а т заминида кўчганлигини эътироф этишимиз зарур. Боз устига, айнан ана шу жараён «Шоҳнома»дагина эмас, балки Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» (1181 йили тугатилган), Хусрав

¹⁶ Шу нашр. Хусрав Парвиз ва Ширин достони. Жуманиёз Жабборов таржимаси. 558-бет.

¹⁷ Айнан эҳтиросга берилиб кетиш оқибатида Хусрав II Парвиз – Жаноби Муҳаммад Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг унга йўллаган табаррук мактубларини парча-парча йиртиб, оёғи билан тоғтаб, бежавоб қолдирмаганмикин?

Дехлавийнинг «Ширин ва Хусрав» (1298) достонларида ҳам ўз ифодасини топганлигини кўраимиз.

Буюк озар шоири достонида Барбаднинг рақиби сифатида Саркаш эмас, лекин ундан ҳеч қолишмайдиган яна бир реал тарихий шахс – Накисо (Нагисо, Нигесо) Чангий (549-623) гавдаланади. У Барбаддан деярли 40 ёш катта бўлиб, аллақачон нозик хонанда, созанда ва туркум асарлари туфайли танилган бастакор бўлган. Балки, шу сабабдан, Низомий Ганжавий ўз достонида Ширин номидан – тажрибали Накисо, Хусрав номидан – ёш Барбаднинг бадиҳа тарзида ўзлари тўқиган кўшиқларини ижро этиш м у с о б а қ а с и г а марказий ўринлардан бирини ажратган. Ўзига хос мазкур мусиқий-ижодий мунозара узоқ давом этади ва фикримизча, VI – VII асрлар анъаналаринигина эмас, балки кейинги – то Низомий яшаган давр амалиётини ҳам ўзида мужассам этган. Шу боис беллашувни бошлаб берувчи Накисо Чангий асарларида – «Рост», «Наврўз», «Ҳисорий» ва «Раҳовий» номлари, Барбад Марвий асарларида – «Ироқ», «Исфаҳон», «Рост» (ва унга қўшилиб кетувчи «Ушшоқ») ҳамда «Зирафканд» номлари келиши, айнан, бу икки ижодкор даврига эмас, балки XI – XII асрлар, яъни бутун Яқин ва Ўрта Шарқда «Дувоздаҳмаком» туркуми тарқалган даврга тўғри келади. Бу ҳақиқат наинки бизнинг тахминимиз, балки ишонарли ёзма манбалар орқали исботланади. Хусусан, бутун Шарқ оламида тан олинган Унсур ал-Маолий ибн Искандар Кайковуснинг «Қобуснома» (аслида «Насихатнома», 1082-1083 йиллар) матнида, таржимон-шоир Огаҳий таъбири билан айтганда – «улуғ йўллардин» – Рост, Ироқ, Ушшоқ, Зирафканд, Бусалик, Исфаҳон, Наво, Баста(нигор)лар санаб ўтилади. Боз устига, худди шу бирламчи обрўли манбада бевосита Барбад Марвий ижодига ишора мавжуд: «Шул вақдин бу фаннинг устодлари санъатга шундоғ тартиб бермишларки, аввал подшоҳлар мажлиси учун х и с р а в о н а [таъкидлов, бизники – Т.Ғ.] достонлар тузмишлар».¹⁸

Демак, Барбаднинг кенг кўламли илҳоми самараси

¹⁸ Кайковус. Қобуснома. Форсчадан М.Ризо Огаҳий тарж. 2-тўлдирилган нашри. – Т.: Истиклол, 1994. 125-бет.

бўлмиш «Хусравоний» туркуми орадан тўрт ярим аср ўтиб, – «Қобуснома» ёзилаётганида ва ўн икки асрдан зиёд вақт аср ўтиб Хоразмда таржима этилаётганида ҳам – ўз нуфузю мавқеини йўқотмаган кўринади!

Низомий Ганжавий ўз достонида, «Шоҳнома»дан фарқли ўлароқ, Барбаднинг шоирона истеъдодига нисбатан – хонандалик ва созандалик маҳорати, катта бир ижодий жа ра ё н тарзидаги куй ва қўшиқлар яратиш қобилияти, умуман, бастакор асарлари турлари ва мазмун доирасини кенгроқ, батафсилроқ ёритиб боради. Жумладан, «Хусрав Барбадни чорлаши» номли йирик бобда – «ғамни суҳбат эмас, мусиқагина даволар...» нақлига амал қилинади. Унда бирор бир малҳам топа олмаган шоҳ авзойини фақат Барбаднинг ўзи ижро этган куйлари ва мазмунан бой (хусусан, туркумли) қўшиқларгина тетиклаштирганлиги акс эттирилган:

*Базмда тугашин кутиб суҳбатни,
Олди Накисо чангини, Барбад – барбатни...
Барбат ва чанг овулар – шоҳни, барчани,
Бир дилни ёндирар, бири – ақлни...*

Ушбу сахнада ҳар иккала дарға ижодкорнинг бор истеъдоди, турфа ижрочилик маҳоратлари Низомий Ганжавий томонидан аста-секинлик билан, Накисо санъати – Барбад санъатида гўё уланиб бораётган та д р и ж и й услубда «намоийш» этилаётгандек кўринади. Зеро, Накисо чанг кетидан руд созида, Барбад эса барбатдан сўнг – уд ва мусиқор созларида я к к а н а в о з л и к қилишади, пировардида эса, иккаласи ҳам асосий созларига қайтиб, бир-бирларига жў р н а в о з л и к тарзда асарлар ижросига ўтишади. Умуман олганда, таҳлилланаётган бобда ҳар иккала бастакор ҳам бўлажак («Хусрав зиёфати» номли) бобдаги а с о с и й касбий курашга ҳозирланишаётгандек туюлади, айнан шу мақсадда ижодий э н е р г и я тўплашаётгандек гавдаланишади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Низомий Ганжавий бевосита ана шу «Хусрав зиёфати» бобида Накисо – Барбад ижодий дилеммасини, ишлатилган атамага кўра (худди Хоразм воҳасидагидек) д е й и ш м а с и н и, оддий куй-қўшиқлар орқали эмас, балки шоир ўзи яшаган даврга хос – муайян мақом йўлларида асарлар яратиш ва талқин этиш асносидаги ж а р а ё н тарзида амалга оширади. Шу боис, икки ижодкор навбатма-навбат бештадан, демак жами 10 та мақом (парда) товушлари тизилмасидан у ёки бу мазмундаги асарни басталаб, айнан шу вақтнинг ўзида сарой аҳлига тақдим этади. Табиийки, бунинг бадиий натижасини фақат шоҳ Хусравгина эмас, базмда ҳозир бўлганларнинг барчаси ё олқишлайди, ёки мулоҳазалайди ё умуман бефарқлик билдиради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Низомий бунчалик мураккаб, ҳатто мусиқа илми учун ҳам машаққатлигига кўринувчи – бошланиши тинч, осойишта, лекин лавҳадан-лавҳага жиддийлашиб бораётган ва пировардида муросасиз тус олган икки санъаткор мусобақасини ниҳоятда ишонарли акс эттиришга¹⁹ муяссар бўлган:

*Накисонинг 1-қўшиғи:
Накисо бошлади – моҳга вобаста,
Шошмай, торлар тебраб, куйлади «Рост»да...
Барбаднинг 1-қўшиғи:
Накисо чанги тинди. Турди навқирон –
Барбад бирданига уч торни чертди.
«Лал Ироқий» йўлини бошлаб беармон,
Оҳанги-ла Буржларга учдию кетди...*

Кейинги лавҳаларда Накисо Чангий – «Наврўз», «Ҳисорий», «Раҳовий» сингари пардаларни ўзига танлаб олган бўлса, Барбад Марвий – «Исфаҳон», «Зирафканд» ва рақиби даставвал саралаб олган – «Рост» пардаларини маъқул кўради. Боз устига, сўнгги «Рост»га

¹⁹ Низами Гянджави. Хосров и Ширин. – Баку: Язычи, 1955 (достон шу кунга қадар ўзбек тилига таржима этилмаганлиги сабаб, барча иқтибосларда бу ишни ўзимиз амалга оширдик – Т.Ғ.).

«Ушшоқ» пардасини узвий боғлаб, ўзининг энг таъсирчан қўшиқларидан бирини намойиш этади:

*«Рост» пардасига аҳён, гўзал «Ушшоқ»ни боғлаб,
Барбад ғазалин куйлар...*

Икки рақобатги хонанда, созанда ва бастакор тавсифида Низомийнинг ўзига ҳам – айнан Барбад лойикроқ эканлиги асосий матн мазмунида ҳам, унинг ички (подтекст) маъноларида ҳам яққол кўзга ташланади. Айтайлик, «ошини ошаб, ёшини яшаб» қўйган мўйсафид Накисо Чангий қўшиқларида байтлар сони куйидагича:

- 1-қўшиқ 27 байт
- 2-қўшиқ 34 байт
- 3-қўшиқ 39 байт
- 4-қўшиқ 39 байт
- 5-қўшиқ 39 байт
- Жами 178 байт.

Барбад қўшиқларида эса байтлар бирмунча ихчамроқдир:

- 1-қўшиқ 26 байт
- 2-қўшиқ 39 байт
- 3-қўшиқ 25 байт
- 4-қўшиқ 25 байт
- 5-қўшиқ 40 байт
- Жами 155 байт.

Демак, ёш – энди ижод жараёнини жиловлаб, ўз камолоти сари кўтарила бошлаган навқирон Барбад (манбаларга асосан – тахминан 30 ёш атрофида бўлган) ва ундан деярлик 40 ёш катта Накисо орасидаги беллашув «Марв булбули» фойдасига ҳал бўлишига ҳеч шубҳа йўқ эди. Шундай бўлса-да, Низомий Ганжавий ўз қаҳрамони (ва таҳлил этилаётган «Хусрав ва Ширин»ни ёзаётганидаги ёшига – тенг ёш (Барбад устуворлигини – ижодий э р к и н л и к) «Рост»дан бе-

малол «Ушшоқ» йўлига ўтиб кетиши), камсўзлик, лекин ф и к р бойлигида, ижро жараёнида бир соддан – иккинчи, учинчи содларга бемалол кўчиши каби фазилатларда очиб беради:

*Сеторни жўр этиб, шундай айтдики,
Накисонинг садали чанги лол қолди...*

Ниҳоят, Низомийнинг теран, фалсафий умумловчи сатрларига эътибор берайлик:

*Барбаднинг алангнамо қўшиғи янграб,
На қўшиғу, на куйларга ўрин қолмади.*

Биз эса, юқоридаги якунларимизга қўшимча этиб шуни таъкидлашимиз мумкинки, Низомий Ганжавий ўзидан аввал (Дақиқий, Фирдавсийлар каби) Барбадни таърифлаган шоирлардан фарқли ўлароқ и л к бор бастакорнинг жами 30 та асарини бирма-бир (ҳар қайсисига биттадан байт келтириб) тавсифлаб беради.²⁰ Буларнинг аксарияти асосан илмий манбалардагина маълум бўлганлигини эсласак, озар шоири ўз достонини ёзишда мазкур рисоалардан ҳам фойдаланганлиги аён бўлади. «Хусрав ва Ширин»даги эътиборга молик яна бир хислат – Барбаднинг туркий заминда вояга етганлиги (гўзал Сумантуркка уйланиш воқеаси) га аниқ ишора мавжудлигида деб ўйлаймиз.

Пировард хулосавий ҳақиқат сифатида – Барбад Марвийнинг ижодий қиёфаси тўлақонли бадий-илмий мавқеда очиб берилишида Низомий Ганжавийга тенг келадиган муаллифни на унинг салафлари, на издошлари орасида учратиш ниҳоятда қийинлигини эътироф этиш зарурдир. «Хамса»чиликда Низомий ва Алишер Навоий орасида асл кўприкдек гавдаланувчи, боз устига, бевосита мусиқа санъатига даҳлдор²¹ Амир

²⁰ Қаранг: Борбаднома. Мураттиб, муаллифи сарсухан ва тавзеҳот Аскаралӣ Раҷабов. – Душанбе: Маориф, 1989. 42-45 бетлар.

²¹ Аксарият ўтмиш манбаларида Амир Хусрав Дехлавий мохир созанда бўлатуриб, сетор созини такомиллаштириб (13 та тор қўшиб)гина қолмай, уни ва рабобни кенг тарғиб этганлиги, мумтоз мусиқа назариясини пухта

Хусрав Дехлавий (аслида – Яминиддин Абдулҳасан, 1253-1325)нинг «Ширин ва Хусрав» (1298) достонидагина маълум даражада янги талқину тавсифлар учратдик холос. Чунончи, Барбадга бағишланган икки лавҳадан бирида унинг – Накисо Чангий билан (худди Низомий достонидагидек) беллашуви тасвирланган бўлса, яна бирида бастакорнинг «Шамол келтирган хазина» ва «Шодирвони марварид» номли асарлари юзга келиши тарихи қисқача шаклда ҳиқоя қилинади.²² Бунда, Амир Хусрав ўзи бастакорлик билан (рага ва қаввали каби мураккаб шаклларда асарлар яратиб) машғул бўлганлиги қисман сезилиб туради. Яна бир янгилик: созлар, айниқса, сетор ва рабобларни такомиллаштирган «Ширин ва Хусрав» муаллифи, Барбад – танбур ва рудда ўзига жўрнавотлик қилганини таъкидлайди.

Демак, замонлар ўтиб (Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий дostonлари яратилиш саналари 117 йил оралиғига тенг), Барбад қиёфаси, ҳатто касбий тафсилларига замон зайли билан сезиларли ўзгартишлар киритиб келинган.

Табиийки, соф илмий манбаларда бундай тавсифу тафсилотларга юқоридаги бадиий ва илмий-бадиий асарлардан фарқли ўлароқ, ниҳоятда катта ўрин ажратилиб, баъзан булар тадқиқотларнинг бобидан бобига «узатиладиган» концептуал заминини ташкил этади. Яна аллома Абу Наср Форобийга қайтсак, «Китоб ул-муסיқи ал-кабир»нинг дастлабки бобларидан бири – «Муסיқий қобилият: куй туғилиши» (Олмаота нашрида, К.Х.Тожиқова таржимаси) ёинки «Куйларни яратиш ҳайъати» (Тошкент нашрида, А.Назаров таржимаси) деб аталиб, унда, биз аввал мурожаат этган

билимдони бўлганлиги ва катор асарлар муаллифи эканлиги қайта-қайта таъкидланади. Замонавий санъат аҳли (мас. Рави Шанқар ўзининг «Менинг муסיқам, менинг ҳаётим» китобида), уни мумтоз муסיқаннинг энг обрўли устозларидан деб тан олган, жами 3 та муסיқа рисоласи ҳақида фикр юритади.

²² Қаранг: Борбаднома. Мураттиб, муаллифи сарсухан ва тавзеҳот Асқарали Раҷабов. – Душанбе: Маориф, 1989. 42-45 бетлар.

Ибн Сурайж ҳақидаги лавҳадан сўнг, ўз даврининг энг машҳур истеъдоди ва ижодкори Исҳоқ бин Иброҳим ал-Мавсилий (767-850) тўғрисида фикр юритилади. Хусусан, Форобий таъбиридаги «амалий муסיқа» – асар ижод этишининг учта йўналиши таҳлилланар экан (яратилаётган куйни эшитув орқали тўла тасаввур қила олиш ва қила олмаслик ҳамда буткул мазмунни тушунтира олиш қобилиятлари), буларнинг энг юксак кўриниши – айнан ана шу бастакор тимсолидагина мужассам бўлганлиги қайд этилган. Алломанинг куйидаги хулосаси эса, худди ҳозирги замон ижодкорлари (айниқса, баъзи композиторлар)га нисбатан билдирилгандек туюлади: «Мазкур йўналишлардан ўртанчиси (ўз асарини тасаввур қила олмаслик)ни тааллуқли атама билан аниқлаш анча қийиндир. Шу билан бирга, агар ижодкор ўз асари ҳақида сўзлай олмаса, унинг қобилятини қодирлик ёки топқирлик ёки табиий хусусият, ёки иштиёқдан келиб чиқиб, ҳар қандай бошқа бирор сўз билан аташ мумкин.... фақат буни санъат деб бўлмайди»²³.

Сал куйирокда, мазкур кузатувнинг ишонарли бир далили сифатида Форобий таъкидлайди: «Бу ҳақда Исҳоқ ал-Мавсилий айтган эканки: «Куй – эркаклар яратадиган ва аёллар мукаммаллаштирадиган матодир».²⁴ Ушбу фикрни кенгроқ исботлаш мақсадида аллома турли воҳаларга доир бир қанча шарқ кишилари номларини келтиради: «Арабларнинг Тухома, ҳижоз аҳларидан бўлган Ибн Сурайж, Ғариз, Жамила, Маъбад, улардан олдинроқ форс подшоҳи Кисрай (Хусрав) Парвиз бин Ҳурмуз замонида яшаб ўтган форслардан (?) Фаҳлиз, Ироқ аҳлидан саналмиш охиргилардан Исҳоқ ва Муҳарик (машҳур Ибн Муҳриз эмасми? – Т.Ғ.) каби кўпчилик бунга мисолдир».²⁵

²³ Аль-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии. Перевод с арабского К.Х.Таджиқовой. – Алма-Ата: «Гылым», 1992., стр. 90-91.

²⁴ Ўша манба 91-бет.

²⁵ Абу Наср ал-Форобий. Китаб ул-муסיқа аль-кабир. Арабчадан таржима

Назаримизда, мазкур шахсларнинг номларини ёзилишидан тортиб, то уларнинг келиб чиқиши-ю, қайси миллат ёки давлатга алоқадорлигини Абу Наср Форобий – ўзидан аввалги арабзамин ҳамда форсийзабон муаллифлар каламига мансуб манбалардан олган бўлиши мумкин. Зеро, ё ўзи – Фахлиз (яъни Барбад Марвий)дек ёинки – ота-боболари Марказий Осиёлик – Ибн Сурайж каби ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар ғайри табиий кўринади. Лекин бизни бевосита буларнинг ижодий қиёфалари қизиқтирганлиги туфайли, шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки, «Китоб ул-муסיқи ал-кабир» – бастакорлик санъати тарихи, назарияси, этик ва эстетик масалаларини мукамал бир мавқеъда ёритиб берувчи қ о м у с и й тадқиқотдир. Бунинг боиси, Форобий асарининг ўнлаб ўзга рисо-лалардан фарқи – аллома зотан ижрочи ва ижодкор бўлатуриб, муסיқий яратувчилик жараёнидан билвосита эмас, б е в о с и т а бохабар эканлигидадир.

Бунинг ибратомуз фикр сарчашмаларини мазкур мукамал китобнинг деярли ҳар бир лавҳаю саҳифасида учратиш мумкин: «...куй яратаётган қобилият [яъни бастакорнинг ижодий тафаккури – Т.Ғ.], деб уқтиради аллома, уни (асарни) ижро этувчи қобилият имконидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади; демак, ижро этиш қобилияти ижод этиш қобилиятини бошқариб боради».²⁶

Биз учун антиқа (парадоксал) туюлаётган ушбу иқтибосдаги кузатув, Форобий – олим ва Форобий – санъаткор, айниқса, ижодкор назарида айнан тенгма-тенг кўринмайди. Зеро, фикримизча, бу ердагина эмас, балки бир қатор ўзга тадқиқотларда ҳам буюк олимнинг теран фалсафий қараш ва бевосита муסיқий-ижодий жараёндаги амалий кузатувлари орасида маълум тафовут бордек кўринади. Ва бу бежиз эмас, ҳолбуки аллома, фалсафанинг пировард мақсадини – инсонни янада гўзалроқ

А.Ф.Назаров томонидан бажарилган // Муסיқа ижодиёти масалалари. I-тўплам. – Тошкент: «Қатортол-Қамолот», 1997 (парчалар). 15-бет.

²⁶ Аль-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии. 93 бет.

қилишда кўрган бўлса-да, ундаги табиатан (муסיқа, шеърият ва бошқа соҳалардаги) ижодкорлик заковати баъзи-баъзида, шубҳасиз, устуворликка олиб келган.

Хусусан, юқоридаги фикрни ўртага ташлаганидан бир неча жумла ўтиши биланоқ, олим кўйидагиларни таъкидлаб, ўз хулосавий фикрини билдиради: «... агар ижро этиш қобилияти маълум даражадагина бирламчи кўринса, яратиш қобилиятининг устуворлиги кўпроқ учраб туради».²⁷

Абу Наср Форобий тадқиқотининг энг маълум (китобдан-китобга, мақоладан-мақолаларга кўчиб юрувчи) саҳифаларида, яъни уч турдаги асарлар, муайян куйлар ва уларнинг инсонга таъсири ҳақидаги бобида ҳам мазкур ғояларнинг мантиқий давомлари мавжуд: «Демак, энг мукамал, энг устувор ва энг самарали муסיқа – барча уч хил (ором келтирувчи, ҳиссиёт кўзгатувчи ва тасаввур уйғотувчи) турлари ҳамда шеъриятни мужассам этган мусиқадир. Шу боис, у ҳамма табиий хусусиятларга эга бўлади(ки), гап инсон овозигина ҳосил қила оладиган муסיқа ҳақида бориши мумкин».²⁸

Кўриниб турибдики, аллома ўз таснифларида замонаси зайлидан келиб чиққан ҳолда, яъни Сомонийлар даврид юксалган бастакорлик санъати мавқеъи ҳамда шубҳасиз, шахсан ўзининг бевосита ижодий-муסיқий изланишлари замиридаги кузатувларига таянган. Шу боис ҳозирги мусиқашунослик амалиётига ўринли равишда «ф о р о б и й ч а т а ҳ л и л» (нигоҳ, кузатув, хулоса маънолари ҳам шунинг ичида) тушунчасини киритиш пайти келди, деб ҳисоблаймиз ва унинг ёрдамида бастакорларимиз ижодиётига хос туб хусусиятлар – фалсафаси, назарияси ҳамда амалий жиҳатларини очиб бериш ниҳоятда самарали бўлади, деган умиддамиз. Ҳеч иштибоҳсиз, балки тўла ишонч билан бу фикрга келганимизнинг боиси шундаки, буюк Форобийнинг теран таҳлил услуги, айрим замондошлариники каби

²⁷ Ўша манба 94-95 бетлар.

²⁸ Ўша манба 101-бет.

куруқ схоластикага эмас, балки тирик ижодий жараён – яқин ўтмиш (Барбад Марвий ва унга тенгқур муаллифлар) ҳамда бевосита IX – X асрларда ном чиқарган (алломанинг ўзи, Абу Абдуллоҳ Рудакий ва б.) ўнлаб бастакорларнинг юзлаб асарларини синчковлик билан ўрганиш натижасида юзага келган, умумлаштирилган бўлса ажаб эмас.

Ваҳоланки, «Китоб ул-муסיқи ал-кабир»нинг кейинги – «Ижрочилик қобилияти: куйлаш ва созларда ижро этиш» деб номланган бобида, Абу Наср Форобий ўзи таъкидлаётган қуйидаги сатрларда, бизнинг юқоридаги тахминларимизга тўла ишонч бордек кўринади: «Бу қўшиқ, куйлар ва (ўзгача) асарларнинг барчаси мисқоллардан тўпланган, авлоддан-авлодга, халқдан-халқга ўтказилиб, борган сари бойиб келган улкан меросни ташкил этган».²⁹

Айнан ана шундай, муסיқий ва шеърий тафаккурнинг теран бадиий мажмуалари бўлмиш, асрдан-асрга авайланиб келинган асарларни Форобийнинг дарға замондоши – Абу Адуллоҳ Жаъфар Рўдакий (860-941) яратиб, қудратли сомонийлар сулоласио бутун Ажам халқлари орасида танилган ҳамда тан олинган. Хусусан, Рўдакийнинг «Модари мо», «Шикоят аз пири» ва айниқса, «Дар васфи Бухоро» каби қатор қасидалари – наинки мазкур жанрга асосзамин бўлган, балки том маънода муסיқий-назмий бадиият яхлитлигининг энг ибратли намуналаридандир. Сўнгги асар таърифи шоир замондошларидан тортиб, Низомий Арузий Самарқандий («Чохор мақола»), Дарвишали Чангий («Тухфат ус-сурур» рисоласи) томонидан жозибали ривоятнома баён этилганки – буларнинг ўзи бир бадиият кўзгусидир!

Келинг, биз ҳам, мана 1150 йилдан буён тингловчиларни ҳайратга солиб келаётган мўжизакор қасидага қулоқ тутайлик. Унинг илк икки мисраси Бухорои шарифга покизалик келтирувчи дарёнинг зилол сувла-

²⁹ Ўша манба 105 бет.

ридан таралган Она юрт ва севимли ёр ҳиди, буткул қиёфасини гавдалантиради:

Бўи чўй Мулиён ояд ҳаме,
Ёди ёру меҳрубон ояд ҳаме....

Мулиённинг ҳиди бу ён келади,
Меҳрубон ёр эди шу он келади...

(Ш.Шомухамедов таржимаси)³⁰.

Низомий Арузий Самарқандий, ўзидан аввалги муаллифлар (булар орасида Рўдакий замондошлари асарлари)га таянган ҳолда, «Бухоро қасидаси»ни шеърий битик сифатида эмас, балки асл кўринишдаги м у с и қ и й – н а з м и й бир бадиий дурдона тарзида таърифлаб, юқоридаги сатрларни Рўдакий эрта тонгда, ўз ҳомийси Наср II ибн Аҳмад Сомонийнинг сабуҳийлик чоғида илк бор б а д и ҳ а тарзида талқин этгани ҳақида ёзади: «Рўдакий унга (амирга) наср билан таъсир кўрсатиб бўлмаслигини билар эди, шу боис назмга мурожаат этди. У қасида ижод қилди. Ва эрталаб, саррой мутриб ва муғаннийлари (ўз санъатларини намойиш этиб бўлганлари)дан сўнг, чанг созини қўлига олди ва «Ушшоқ» пардасида ўз қасидасини куйлай бошлади».³¹

Иқтибос келтириляётган манба маълумотларининг диққатга молик томони шундаки, Низомий Арузий Самарқандий – танилган тазкиранавис бўлиб, наинки адабиёт олами, балки ўзга санъат соҳаларидан бохабарлиги маълум. Шу боис унинг кейинги фикрига синчковлик билан эътибор берсак, унда Рўдакий маҳоратининг яна бир қирраси, зарурат туғилганда бир асарнинг ўзида бошланғич парда (асосий тоналлик)ни эркин равишда бирваракайига ўзгартириб, асар таъсирчанлигини янада

³⁰ Абу Абдуллоҳ Рўдакий. Бобо Тохир. Сайланма. Тузувчи Алишер Шомухамедов / Ш.Шомухамедов таржималари. – Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1994. 35-36 бетлар.

³¹ Низомий Арузий Самарқандий. Чохор мақола // Собрание редкостей, или Четыре беседы. – М.: ГРВЛ.1963, стр. 63.

ошира бориш қобилияти ҳақида қимматли кузатувлар мавжудлигини англаймиз. Юқоридаги «Ушшоқ» пардаси (лади-тоналлиги)да Рўдакий ўз қасидасининг *сарбанди* – дастлабки икки мисрасини салобат ила – бутун сарой аҳли диққатини бирданига ана шу таниш парда восита-сида жалб этишга интиланган бўлса, навбатдаги – Она ва-тан тимсоли бўлмиш Амударёга бағишланган сатрларни куйлашда муаллиф «пастроқ», яъни бошқа янги пардани қўллайди:

*Чун оёқ остида Аму қумлари,
Пар мисоли роҳатижон келадир.
Қанча мавж урмасин Аму сувлари,
Отимиз қорнидан тубон келадир.*

Мақом сарахборларига хос ўта салобатли илк оҳанглар, кейинги мисралардаги интонацион силжиш-лар асарнинг мантикий авж палласига олиб киради:

*Эй Бухоро, шод бўл, ҳам шод кул,
Сен тараф шоҳ шоду хандон келадир.
Шоҳ – тўлин ойдир, Бухоро – осмон,
Осмонга ой нурафшон келадир.*

Умуман, «Бухоро васфи» қасидасида бадий мантик, жўшқин мавзу ва мазмун баёни шу даражада мукам-малки, бу хусусиятларни ўзга, жумладан, мусиқа ижо-диёти жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бу борада унинг таҳлилланган бўлақларигина эмас, яқунловчи, худди мусикий асарлардаги кодасифат хулосавий хо-тима қисмидан ҳам ибратомуз фойда кўриш мумкин:

*Шоҳ – сарвиноз, Бухоро – бўстон,
Бўстонга сарв хиромон келадир.*

Биз аввалги тадқиқотларимизда ушбу қасиданинг айнан мусикий омиллари борасида илмий бир тахмин асносида тўхталиб ўтган эдик.³² Қўшимча тарзда, бево-

³² Т.Ғофурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. Глава первая. – Т.: Фан, 1987.

сита Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рўдакийнинг янгитдан назаримиз тушган ғазаллари асосида бир-ламчи фикрларимизни янада тўлдирмоқчимиз. Би-ринчидан, беназир шоирнинг аксар шеърый битикла-ридаги мусикий лавҳалар унинг салафлари ёинки за-мондошлариникидан – айнан жонли ижод жараёнига яқинроқ эканлиги билан ажралиб туради. Иккинчи-дан, булар бевосита Рўдакийнинг мусикий ижрочи-лик-хонандалик, созандалик ва ижод соҳаларидаги фаолиятини бирмунча ойдинлаштиради:

*Рўдакий қўлига созини олди,
Бодани қўйки, куйлади – чолди.*

ёки:

*Галма-гал ҳар дам куй-куйлашади,
Гул узра булбул, сарв устида сор.
Танлаб соқийни, май ичиб куйла,
Куйламоқдадир булбул билан сор.*

ёинки:

*Созининг овозича бўлолмас, дўстим,
Менга такрор-такрор ўқилса такбир.
Худога минг карра шукрлар бўлсин,
Маддоҳликдан тилим исқот бўлмади.³³*

Шу боис Арузий Самарқандийнинг «шеърлар од-дийгина, ҳамма гап – куйда бўлса керак» деган луқмаси Рўдакий ижодига оид ниҳоятда муҳимдир.

Демак, биз яна бир бор ҳеч шак-шубҳасиз, шуни таъкидлашимиз мумкинки, узоқ ва яқин ўтмиш ман-баларида атоқли созанда Абул Аббос Бахтиёр шогирди Абу Абдуллоҳ Рўдакий номи – шоир ва ҳофиз, созанда ва бастакор маъноларидаги сўзлар билан таърифла-ниши бежиз эмаслиги, у ўз шеърлари ва хонишларию, асрлар аро номма-номланиб келаётган куй, қўшиқ ва

³³ Абу Абдуллоҳ Рўдакий. Бобо Тоҳир. Сайланма. 9, 11, 17, 19-бетлар.

қасидалари туфайли наинки адабиёт йилномалари, балки мусиқа ижрочилиги ва ижодиёти тарихидан ҳам ўрин олиши зарур. Бунга борган сари кенгайиб бораётган махсус маълумотлар мавжудлиги, ўзига хос қафолат вазифасини ўташи турган гап.

Маълумки, Абу Наср Форобий Рўдакийдан тахминан 12-13 ёш кичик ва ундан 9-10 йил кейин вафот этган. Табиий савол туғилади, нахотки деярли бир ўлкада туғилиб, тақдир сўқмоқларини босиб ўтган икки забардаст ижодкор бир-бири билан учрашмаган, ҳеч бўлмаганда ижодларидан бохабар эмасдирлар? Фикримизча, ҳар иккала аллома она юртлирида мусиқадан пухтагина таълим олиб, Бухоро ва Самарқанддек бастакорлик санъати марказларига йўл олганликлари, бу шаҳри азимларда ўзга соҳалар қатори, мусиқий ижодиёт бобида ҳам ўз малакаларини оширганликлари маълум. Шундай экан, бу икки ижодкор мабодо бевосита учрашишмаган тақдирда ҳам, бир-бирларининг ижоди маҳсулларида хабардор бўлишган, ўша даврнинг ўзидаёқ а ф с о н а в и й л а ш а б о ш л а г а н бетакрор истеъдодлари, фақат ўзларигагина хос ижодий жараёнлари хусусида, шубҳасиз, эшитишган.

Бунга қатор мантиқий ва амалий асослар мавжуд. Улардан бири, Форобийнинг «Китоб ул-мусиқи ал-кабир»идаги узоқ (VI аср) ва яқин (X асрнинг 40-йилларида ҳаёт бўлган) ўтмишдошларга ниҳоятда «мўлжалли» ишоралар бўлса, иккинчиси, «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида», «Хитоба ҳақида» сингари рисолаларидаги ижодий жараёнга оид кузатувларидир: «...уч тоифа шоирларнинг ҳар бири, деб таъкидлайди олим, – ижодда ё т а б и и й л и к, ё м а ж б у р и й л и қдан ҳоли бўлмайди... бир шоир кўпинча мадҳияга ё бир яхши сўз айтишга табиатли бўлса, баъзан вазият ундан ҳажвий ва бошқа турда шеър айтишга (барча айиришлар бизники – Т.Ғ.) ҳам мажбур қилиб қолади».³⁴ Ушбу иқтибос гўё «Бухоро васфи»ни

³⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 123-бет.

яраётган ва ижро этаётган Рўдакийнинг ижодий жараёнини синчковлик билан кузатаётган тадқиқотчи фикрлари, бевосита гувоҳлигидай туюлади!

Айнан шундай хулосага илк форобийшунослар Захириддин ал-Байҳақий (1169 ваф. йили), Жамолуддин ал-Қифтий (1172-1248) ва Ибн Халликон (1211-1282)лардан қолган, шунингдек, муаллифи номаълум «Зийнат ал-мажолис» (XI аср) орқали бизгача етиб келган маълумотлар ҳам ундайди. Хусусан, манбаларда қайта-қайта тилга олинажак Форобийнинг Ҳалаб шаҳри амири Сайфуддавла ибн Ҳамдон (916-964) саройида уч қисмли т у р к у м асарни созда маҳорат билан – у ч х и л мазмунга буриб, бадиҳа у с л у б и д а ифода этишга муяссар бўлганлиги ҳақидаги ҳиқоятни яна бир бор эслатиб ўтиш ўринлидир. Унда саройнинг энг сара ҳофизу созандалари ҳоқим қарори билан эндигина кириб келган Форобийнинг «синови»дан ўтказилади ва бирортаси ҳам беҳато ижро эта олмайди. Аллома ана шундай асаби таранг бир мураккаб вазиятда ўзининг ижрочилик ва ижодий соҳаларидаги бор маҳоратини тўла-тўқис намойиш этиши зарур эди. Зеро, бу борада ҳамкасбларни ҳеч қанақа гап, панду-насихат қондира олмасди. Айнан шуни англаган Форобий, бояги оғиздан-оғизга, китобдан-китобга кўчиб ва бунинг натижасида афсонавийлашиб кетган, кўп жиҳатдан ибратли т а л қ и н й ў л л а р и н и ўртага ташлайди (шу сабаб бир манбада *ғунҷак*, бошқаларида *қонун* ёки *уд* тилга олинади). Лекин барча манбаларда уч қисм эканлиги такрор-такрор таъкидланган асар муайян бир *туркумни* ташкил этиб, турлича, хусусан, қарама-қарши кайфиятларни ифодалаганлиги – алломанинг ижодий диапазони қай даражада кенг кўламли бўлганидан далолат беради ва худди шу хислати туфайли барча сарой аҳли, булар қатори Сурияда X аср мобайнида илм, маданият ва санъат маркази ҳисобланган Ҳалаб шаҳрининг нуфузли мутриб, муғанний ва мулаҳҳин (бастакор)ларидан энг машҳурларини лол қолдирган.

Таҳлилланаётган даврга умумий хулоса тарзида шуни алоҳида таъқидлашимиз зарурки, Барбад Марвий тимсолида илк бор ўзининг муайян шакл ва услубларини дастлабки чўққисига кўтара олган Марказий Осиё *бастакорлик санъати* – Ибн Сурайж ва Хунайн Хирий, Олловайх ва Бўзар, Абуҳиғз Сўғдий сингари ўнлаб юртдош-салафларимизнинг саъй-ҳаракатлари, и л х о м к о р л и к ғайратлари туфайли – Сомонийлар даврига тўлақонли, ҳар томонлама мукамал бир бадиёт тарзида кириб келиб, Абу Абдуллох Рўдакий ва Абу Наср Форобийдек аллома ижодкорларнинг яратувчилик диққат-эътиборини ўзига тортган.

Сомонийлар даврининг энг сўнгги ўн йилликлари ва Қорахонийлар давлати қурилиши палласида мусиқий ижодиёт ҳеч сўнмади, балки янада касб жараёнини давом эттирди. Боз устига, маҳалий туркийзамин ва форсийзабон халқлар орасидан етишиб чиққан бир қатор алломалар мусиқани эътиборли 7 илмдан энг мураккаби бўлмиш, риёзиёт (математика)нинг таркибий қисми тарзида талқин ва таҳлил этиб, учдан бир қисми – назарий мусиқа, қолган икки қисми эса амалий (яъни ижод ва ижродан иборат) мусиқа эканлигини атрофлича асослаб беришган. Бошқача қилиб айтганда, мусиқа санъатининг амалиёт соҳалари муайян асарларни яратиш ва ижро этишдан иборат бўлса, бу соҳаларни илмий таҳлиллаш, хулосалар чиқариш – мусиқа илми зиммасига юклатилади.

Айнан кузатилаётган даврда, худди шу аснода фаолият кўрсатган алломалардан бири Абу Али ибн Абдуллох Хусайн ибн Сино (980-1037)дир. Манбаларнинг хабар беришича, Ибн Сино ҳам яқин ўтмишдоши ва билвосита устози Абу Наср Форобий каби ўнлаб мукамал илмий тадқиқотларидан ташқари, шеърият (машҳур рубоийлар, ихчам дoston), наср («Соломон ва Ибсол» dostonи) ҳамда мусиқа бобида ҳақиқий и ж о д к о р л и к тимсолини кўрсатишга муяссар бўлди. Хусусан, оламшумул

«Тиб қонунлари» муаллифи айрим созларни яхшигина ўзлаштирганлиги ва ҳатто бир нечта чолғу асарлар яратганлиги ҳақида маълумотлар, тахминлар мавжуд.³⁵

Бироқ, энг муҳими, Ибн Синонинг бизгача тўлатўқис етиб келган «Китоб аш-шифо»нинг «Риёзиёт» («Математика») қисмидаги учинчи бўлим бўлмиш «Жавомеъ илм ал-мусиқа» («Мусиқий билимлар тўплами») – мазкур мукамал (жами 22 жилддан иборат) асарнинг бадиий ижодиёт, авваламбор мусиқа ва шеъриятга доир бой лавҳаларидир.

Илк саҳифалардан бир хусусият аён бўладики, бу тадқиқот ҳам Ибн Синонинг қатор ўзга асарлари янглиғ, Форобий илмий мероси, инчунин «Китоб ул-мусиқий ал-кабир»даги аксарият кузатув, таҳлил ва хулосаларнинг – узвий давоми тарзида гавдаланади: «Ушбу муқаддима [ва умуман «Жавомеъ илм ал-мусиқий» – Т.Ғ.] тажриба асосида ақлан юзага келган фикр-мулоҳазаларни, фалсафий далиллар ҳамда илмий омиллар билан таъминланган бехато кузатувларга таянган қонунларни ўз ичига олади».³⁶ Бундай кўлами кенг мақсад ва теран илмий вазибалар аллома-муаллиф томонидан ўз «елкасига юкланишида» албатта шахсий масъулият, шу билан бирга, яқин салафининг бой маҳорати, таҳлилий малакалари ҳам ўрин олган бўлса ажаб эмас. Балки, айнан форобийча илмий мезон, фалсафанинг энг мураккаб қисми бўлмиш – риёзиётга доир сўнгги довонга³⁷ айланган «Жавомеъ илм ал-мусиқий»нинг илк саҳифаларида Ибн

³⁵ Бу ҳақида қаранг: Джумаев А. О музыкально-эстетических взглядах Ибн Сины // Общественные науки в Узбекистане. 1979. №6. стр. 29-36; Матёкубов О. Ибн Сино ва мусиқа // Совет Ўзбекистони санъати. 1980. №8. 8-9 бет; Джумаев А. Авиценна и музыка // Звезда Востока. 1980. №3. стр. 145-151; Джумаев А. Ибн Сина об общественных функциях музыки. // Общественные науки в Узбекистане. 1980. № 8-9. стр. 83-89.

³⁶ Ибн Сина. «Книга исцеления». Математика. 3. «Свод науки о музыке». Перевод из арабского А.В. Сагадеева // Музыкальная эстетика стран Востока. – Москва: Музыка, 1967. стр. 278-279.


³⁷ Манбаларга кўра, Абу Али Ибн Сино «шайх ур-раис»ликка тайинланиш жараёнида, алломанинг ўзи баайни мусиқадан ҳали атрофлича боҳабар эмаслигини рўқоч этиб, мазкур мартабадан бош тортган экан.

Сино томонидан фан оламида учраб турадиган иллат – сохта «олимпанлик», оддийгина муаммоларни атайин мураккаблаштириш ҳоллари кескин танқид этилишига³⁸ олиб келгандир?

Бир пайтлари Абу Наср Форобий, бир ёки бир нечта мусиқа (маълум куй)ларга муайян жумла, иборалар ярата олинганидан кейингина – мустақил асар ижод қилиш мумкинлигини уқтириб ўтган бўлса, Абу Али Ибн Сино ўз тадқиқотининг «Куй ижод этиш, яратиш» деб номланган бўлимида қуйидагиларни таъкидлайди: «Кимда-ким куй ижод этишни мақсад қилса, аввало, таъқиқли куйлардаги тўлиқ (комилат ун-алали итлоқ) ва тўлиқ бўлмаган (нокиса) товушқаторларни аниқлаши зарур».³⁹ Сал кейинроқда, яна мукамал куй яратилиши жараёнига қайтиб, Ибн Сино амалий бир таклифни ўртага ташлайди: «... куй яратмоқчи бўлганлар, дастлаб усуллар ва уларнинг ўзгариш (янги-ланиш)ларини ўрганишади ва аксарият ҳолларда: «танан-тан» бирикмасини (асос қилиб) оладилар».⁴⁰

Бизнингча, атоқли мақомшунос, XX аср мусиқий шарқшунослиги алломаси Исҳоқ Ражабов (1927-1982) тажрибаларига⁴¹ таяниб, мазкур усул бирикмасини ҳозирги замон ёзувига шартли равишда қуйидагича «кўчириш» мумкин:

та – нан – тан

U - - - = 

фо – у – лун

Шу аснода биз 3+2 ҳижоларидани ташкил топган беш бўғинли – аксарият фольклор меросимиз намуналари

³⁸ Аввалги нашр... 277-278 бетлар.

³⁹ Абу Али Ибн Сино. «Китоб аш-шифо». «Риёзиёт» (Математика). «Жавомеъ илм ал-мусиқӣ» – «Мусиқӣ билимлар тўплами». Арабчадан Ф.Иноғомжоновна таржимаси. Қўлёзма. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти кутубхонаси. Инв. № 646. 136-бет.

⁴⁰ Шу қўлёзма. 140-бет.

⁴¹ Ражабов Исҳоқ. Мақомлар масаласига доир. – Тошкент: ДБАН, 1963. 64-106 бетлар.

ҳамда мақомлардаги халқчил тароналар сингари оммабоп асарлар заминидаги усулга эга бўламиз.

Умуман «Жавомеъ илм ал-мусиқӣ»нинг амалиёт билан чамбарчас боғлиқ уч турдаги товушқаторлар ва 10 дан ортиқ оҳанг йўналишларию буларнинг интиқол (транспозиция)ларини бирма-бир тушунтириб берувчи IV боби, иқоъ назариясига бағишланган V боби ва куйлар яратилиши сирларини атрофлича ёритувчи, сўнгги VI боби – наинки ўтмиш ижодкорлари, балки ҳозирги замон бастакорлари ҳамда композиторлари учун кўп жиҳатдан дастурил йўриқ бўлиши турган гап. Зероки, буларда мусиқа ижодиёти ж а р а ё н и н и г деярли барча жабҳалари, ҳар бир ижодкор учун ниҳоятда зарур, бевосита самараси кўзланган маслаҳатлар изчил, баъзан муайян мисоллар билан келтириладики, мазкур фикрга тўла ишонч туғилишига шубҳа қолмайди.

Демак, Сомонийлар даврида юзага келган ҳақиқатан и л х о м б а х ш муҳитдан икки замондош – Рўдакий ва Форобий ҳамда уларнинг илмий-ижод соҳасидаги бевосита издоши Ибн Сино (худди булар каби ўнлаб теран тафаккуру бадиият соҳиблари) – ниҳоятда самарали, бутун заковатлари ила фойдаланиб, ўз замонаси ва кейинги кўп асрлар учун – бир м у а й я н т и з и м даражасида мужассамланган назарий, амалий ва шу билан бирга, юксак б а д и и й кесишмадаги анъана кашф этиб кетганлар, деган хулосада жуда кўп асослар мавжуд.

Яна демакки, бир пайтлари – бутун Шарқда и с л о м н у р л а р и ёйилишига ҳ а м с а д о янграй бошлаган аллома Барбад Марвий ижоди айнан Форобий, Рўдакий ва Ибн Синоларнинг илмий-бадиий тафаккурлари аро таҳлиланиб ва хулосаланиб, серунум давр амалиётдаги бой с е р и ж о д и й жараён билан қиёсланиб, яна Марказий Осиё бастакорлик санъати ўз мавқеи, ўз етуклигини мустаҳкамлади.

Балки шу сабаб, Сомонийлар салтанати қулаб, минтақа нотинч ва бешафқат вайронага дучор бўлганида

ҳам бу ерда VI аср охирида юзага келиб, ўзига хос шакл ва ижодий услубларни VII-XI асрлар мобайнида қўлга киритган бастакорлик ижодиёти сўнмади. Она заминда бўлсин, узоқ элларда бўлсин, маҳаллий санъаткорларнинг серқирра фаолияти кенгайса кенгайдик, камай-мади. Боз устига, атоқли мусиқий манбашунос Исҳоқ Ражабовнинг қатор тадқиқотларида таъкидланганидек, айнан – мазкур даврлар ижодиёти XIII-XIV аср биринчи ўн йиллигида яшаб, қатор махсус рисолалар қолдирган Сафиуддин Абдулмўмин ал-Урмавий ва Қутбиддин Маҳмуд аш-Шерозийлар томонидан ҳам муфассалгина таърифланган экан. Хусусан, аш-Шерозийнинг қомусий «Дурратут-тож ли-ғурратид-дебож» асарининг риёзиёт (математика)га доир қисмидан ўрин олган «Дар илми мусиқӣ» (айрим манбаларда «Дар илми мусиқӣ ва дар илми алҳон») ⁴² тадқиқотида, аввалги мусиқа рисола-ларидан фарқли ўлароқ, мазкур соҳа – «...куй ва уни яратиш учун зарур бўлган барча нарса(муаммо)ларни ўрганишга» йўналтирилганлигини бош фикр сифатида таъкидлайди. Жами 41 бўлим ва 12 бўлималарни ўзида мужассамлаган – муқаддима, 5 боб ҳамда хотимани ташкил этувчи бу манба саҳифаларида, муаллифдан узоқ ва яқин ўтмишда содир бўлган ижодий жараёнлар инъикосини учратиш мумкин. Ибратли томони шундаки, бир томондан, Абу Наср Форобий тилга олинса, иккинчи томондан, аш-Шерозийнинг замондоши ва тенгқури Сафиуддин ал-Урмавийнинг деярли барча рисола-ларига ҳозиржавоблик тарзида муайян муносабат, баъзан ҳамфикрлик, кўпроқ эса мулоҳазалар ўртага ташланган, асосли танқидий ёндашишлар ўрин олган.

Муаллифнинг кенгфикрли, кўлами беқиёс кузатувлари, масалан, айрим асарлар («Дувоздаҳмақом» таркибидаги пардалар мисолида) қайси халққа мансубли-

⁴² Қискартирилган русча баёни: И.Р.Раджабов. Трактаты о музыке XIII-XIX столетий в Собраниях восточных рукописей АН Узбекской ССР. Рукопись. Ташкент, 1966. Библиотека НИИ искусствознания. Инв. №556. стр. 63-214.

гини аниқ кўрсатиб ўтишида намоён бўлади: «Ушшок, Бусалик ва Наво... ниҳоятда к у й ч а н (таъкид бизники – Т.Ғ.) бўлиб, т у р к и й л а р г а хосдир» ⁴³.

Худди шундай фазилат 5-бобнинг «Усуллар тақсимоти» деб номланган III бўлимида ҳам мавжуд. Мавжуд 9 та усул доираларидан «Сақили рамал» ҳақида аш-Шерозий қуйидагиларга эътиборни тортади: «Сафиуддиннинг фикрича, ... усул қадим замонлардан ишлатилиб айниқса, ф о р с л а р д а шуҳрат қозонган» ⁴⁴.

Ниҳоят, яна бир я н г и ч а тус олган тамойил шундан иборатки, Маҳмуд аш-Шерозий оғзаки анъанада ривожланиб келган мусиқанинг нуфузли хусусияти – бевосита т и н г л а ш жараёнида асарлар семантикаси, буткул бадиий моҳиятини тўғри идрок этиш «калит»лари топилганини мамнуният билан хабар қилади: «...куйни тинглаш жараёнида, билимдон мусиқачилар бу куйга – қайси адвор (усул) тўғри келишини дарров англайдилар» ⁴⁵.

Демак, тўла ишонч билан айтишимиз мумкинки, Шарқдагина эмас, бутун Ғарбда ҳам илк М у с у л м о н Р е н е с с а н с и номида тан олинган (қайта-қайта нашр этилаётган Адам Мецнинг китобини эслайлик!) IX X ва қисман XI асрлар – бастакорлик ижодиётига шундайин бақувват бошлов берган эканки, бу жараёнга ҳатто тарихимиздаги энг даҳшатли мўғуллар истилоси ҳам сезиларли путур етказа олмаган экан.

⁴³ Ўша манба, 85-бет.

⁴⁴ Ўша манба, 201-бет.

⁴⁵ Ўша манба, 205-бет.

ИККИНЧИ БОБ АВЖ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

*Соз этиб, чангу тузуб, ул унга руҳафзо с у р у д,
Ким малак кўнглига солиб ишқ ила май рағбатин.
Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърига,
Ийд жашни хуш тутарға шоҳ базми ширатин.*

Алишер Навоий

«Қасидаи ҳилолия» (1469)

Бастакорлик ижодиёти тадқиқотчиси учун аллома Навоийдан етиб келган ноёб, эпиграфдаги мисралар икки дўст – бири Темурийлар салтанати соҳиби, иккинчиси – унинг «Улуғ амири», бевосита мусиқа соҳасида эса, бири (Дарвишали Чангийга биноан) 12 та усул муаллифи, иккинчиси – 7 та усул ва (Бобурга биноан) «хўб нақш ва пешравлар» муаллифининг ўзаро самимий муносабатлари рамази, бадиий инъикосидир. Зеро, бу битикларни буюк сўз сеҳргари муҳиби – Султон Ҳусайн Бойқарога 1469 йили эрта баҳор (24 март)да тахтга ўтириши ва ўша йилги Рамазон ҳайити муносабати билан тақдим этган экан. Қарангки, ўшанда қудратли сулоланинг салтанати шоҳи энди 30 дан ошган бўлса, бош вазир атиги 28 ёшда экан...

Маънавиятнинг бунчалик юксалиши, турли табақаларга мансуб – икки раҳбар, икки қалам соҳиби орасида шаклланган дўстлик шу даражага етиши, умуман бу даврга келиб, ижодий баркамоллик етук паллага кўтарилиши, барқарорланиши – ўз-ўзидан бирданига юзага келмаган, албатта. Қарийб беш аср⁴⁶ – ягона бир тизим тарзида ривож-

⁴⁶ Биз бу сархисобимизда Амир Темур Мовароуннахрда ҳокимиятни бошқара бошлагани (1366-йил)дан – то сўнги Бобурий султони Баҳодиршоҳ II – II тахтдан (1858 йили) четлатилган даврни инобатга олдик, зеро маданият, санъат тараққиёти ришталари бу асрлар давомида деярли узилмай, муайян жараён содир бўлган.

ланиб, қудратли ижодий жараёни юзага келтирган, бу ҳақиқатан Ренессанс мавқеида кўчган, буткул Яқин ва Ўрта Шарқ илми, маданияти ва санъатида тўла-тўқис, теран инъикосланган бадиий силсиланинг тамал тоши бирмунча аввал, она заминимиз соҳибқирон Темурбек томонидан мўғул талончиларидан батамом озод этилганида қўйилган эди. Шундай экан, рисоламиз мазмунининг авж ийлавлари ниҳам – бевосита ана шу кўтаринки палла карвонбошиларида бошласак, мақсадга айна мувофиқдир.

Маълумки, аввало Амир Темурнинг ўзи, мусиқанинг беқиёс имкониятларидан бохабар бўлган ҳолда, бу ноёб санъат аҳли – бастакору мусиқашунослар, ҳофизу созандаларга алоҳида эътибор кўрсатар, ҳатто айрим (аҳамият беринг – азалан халқ орасида кенг тарқалган) чолғу асбобларнинг ўша давр жамиятида тутган юқори мавқеидан келиб чиқиб, жанг майдонларида кўрсатилган жасоратларни тақдирлаш (ёзма хитоб, байроқ ва туғлар қатори) тимсолига айлантирган: «Амр қилдимки, – дея мағрурланади Соҳибқирон ўзининг машхур «Тузуқлари»да, – қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: (биринчиси) фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар».⁴⁷

Муайян созлар, шунингдек, ҳарбий март бага ҳам бевосита Амир Темур қарори билан татбиқ этилган: «Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ (алам) ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай (нафир) берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора (табла) берсинлар. Аймақларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт беглар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ,

⁴⁷ Темур тузуқлари. Форс тилидан А.Соғуний ва Х.Кароматов таржимаси. – Тошкент, 1991. 80-бет.

ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар».⁴⁸

Фавқуллода эътиборга молик томони шундаки, Соҳибқирон мазкур ўта халқчил мусиқа чолғу асбобларига эътимодан ёндашиб, уларни ва табиийки, энг мохир карнайчи, ноғорачи, сурнайчилар санъатини ўз эҳтироми билан авайлаб, лашкару бутун қўшинлари сафи олдида, сарой аҳли ва буткул халқ олдида эътироф этиб, ардоқлаб келган.

Боз устига, Амири Аъзам нозик шеърят, жамиул нафис санъатлар билимдони ва фидойиси бўлганлиги сабаб, узоқ-яқин юришларидан мазкур соҳаларнинг ном чиқарган истеъдодли намояндаларини Самарқандга ихтиёран (баъзан мажбуран) келтирилиши ҳамда буларнинг фаолияти кенг кўламли, том маънодаги ижодий жараён тарзида кўчишига – барча имконият, тааллуқли муҳит яратиб берган.

Ана шундай юксак салоҳият соҳиби, ижро (созандалик, айниқса хонанда)чилик, кўпроқ эса мусиқашунослик ва бастакорлик бобларида ўз услуби, ижодий изланишлари билан танилган мукамал шахслар сирасидан Хожа Абдулқодир Камолиддин бин Ғайбий ал-ҳофиз ал-Мароғий (тахм. 1340-1435) алоҳида ўрин тутати. Атиги 4 ёшида табаррук Қуръони каримни ёддан билган, 10 ёшида нуфузли мажлисларда ёқимли қироати ва илк хонишлари туфайли ном чиқарган Абдулқодирнинг донғи ўзга элларга ҳам тарқала бошлайди. Шу боис унга деярли тенгкур бўлган Амир Темур, 1393 йилги Жанубий Эрон (Шероз-Исфаҳон) ва Ироқ (Бағдод) юриши жараёнида Мароғалик д е м и у р г Абдулқодирни Самарқандга чорлайди ва ўз саройидаги энг мартабали санъаткорлар учун ажратилган лавозимни тақдим этади. Ана шу тарихи Абдулқодир Мароғий аввало Соҳибқироннинг ўзи, сўнгра кенжа ўғли Шохруҳ Мирзо, тўнғич набираларидан Мироншоҳ Мирзонинг катта ўғли Ҳалил Султон Мирзолар саройида билим ва серқирра санъати билан

⁴⁸ Ўша манба, 82-83 бетлар.

хизмат қилиб, баракали умр кўриб, 1435 йили оламдан кўз юмди.

Бизгача етиб келган, ўзининг шеърий «Таржи-маи ҳол»ида Абулқодир Мароғий, комили ишонч аро қуйидагиларни таъкидлайди:

*Ёқимли «Нуҳуфт»у «Наво»ни куйлаб,
Кексаликда топдим ёшларча мадад.
Куйларим дурларин – оламга ёйиб,
Қолурман абадул, абадул-абад.⁴⁹*

Алломанинг ҳаётини йўли жуда кўп жиҳатидан ибратли кўринади. Юқорида биз кўрсатиб ўтган турфа фазилатлардан ташқари, бевосита мусиқа соҳасига эътибор бериладиган бўлса, ёш Абдулқодир аввало соз чалиш, айниқса, най ижрочилигига меҳр қўйган экан. Шу боис бу нозик асбобнинг созанда учун муҳайё этиб берувчи э р к и н л и к замирида юзага келадиган садоланиш йўллари – ижод оламига ундаган бўлса, ажаб эмас, қарангки, бу билан чегараланмай, бўлажак бастакор – чанг, чағона, ажабруд, рубоб ва илмий изланишлари учун замин бўлган уд созларини ҳам мукамал ўзлаштиради, буларнинг деярли ҳар бирида маҳоратли талқинлари туфайли ҳам танилади.

Демак, Абдулқодир Мароғий ўз салафлари (Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозий ва б.)дан фарқли ўлароқ, илмий рисоаларида айнан шу масала – чолғу асбоблар ҳақида ёзар экан, буларнинг қарийб....710 (!) хил созланиш йўллари кўрсатиб ўтиши бежиз эмас экан. Олимдан қолган қатор тадқиқотларнинг бош мавзуи ва мазмуни марказида к у й л а р масаласи устувор ўрин олиб, муаллиф бунга турлича илмий кесим ва нуқтаи назарлардан ёндашади: «Мақосиди ул-алҳон» – «Куйлар (яратилиши)дан мақсад», «Жавомеъ ул-алҳон» – «Куйлар мажмуаси», «Канз ул-алҳон» – «Куйлар хазинаси» ва «Лаҳния» – «Куйбулоқ»

⁴⁹ Керимов Ляtif, Агаева Сурайя. Автобиография в стихах Абдулгадира Мараги (XIV-XV вв.). // Известия АН Азербайджана. Серия литературы, языка и искусства. Баку. 1975. № 4. стр. 119-126.

ана шулар жумласидандир. Хусусан, биринчи рисола устида Абдулқодир Мароғий бир неча йиллар мобайнида изчил иш олиб бориб, уни 1415-йилга яқин, яъни илмий ва ижодий тафаккури т е р а н л а ш г а н даврдагина ниҳоясига етказганлиги маълум. Демак, бу асарда алломанинг Соҳибқирон Амир Темур ва унинг қатор сулоладошлари даври а м а л и ё т и ҳамда ўзининг узоқ (Барбад Марвий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино) ва яқин (Махмуд аш-Шерозий, Сафиуддин ал-Урмавий каби) салафлари олиб борган илмий изланишлари умумлаштирилади дейишимиз мумкин.

Муҳими, Абдулқодир Мароғий – худди бир вақтлари Форобийдек, тадқиқий ва таҳлилий кузатувларини бево-сита ўз замондошлари, боз устига – ўзининг и ж о д и й т а ж р и б а с и замирида тузади, хулосалаб боради. Энг эътиборга молик томони яна шундаки, айнан бастакорлиги туфайли, муаллиф, бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мусиқа илмида биринчилардан бўлиб шу минтақа амалиётида мавжуд «Дувоздахмақом» тизимидаги товушлар т и з и л м а с и (ладлар) ва улардан ташкил топган – муайян микротуркумли асар(мақом)лар келиб чиқиши, қайси халқларга мансублигига алоҳида эътибор беради: ўзига асрдош Махмуд аш-Шерозий фикрини давом эттириб: «Туркий(халқ)лар Ушшоқ, Наво ва Бусалик мақом (парда-лад маъносидаги)ларида ижод этишни маъқул кўрадилар» – деб таъкидласа-да, «Жавомеъ ул-алҳон» рисоласида, бунга қуйидаги аниқловчи жумлани қўшиб қўяди: «...биноқ буларнинг асарлари(мероси)га ўзга мақомлар ҳам киритилгандир».⁵⁰

Умуман, Абдулқодир Мароғий туркийзамин, форсийзабон ва арабзамин халқларнинг мумтоз к а с б и й (Фитрат таъбири билан – классик) мусиқаларини тадқиқ қилар экан, айнан у ёки бу миллат санъат аҳли орасида

⁵⁰ Агаева С. Термин «мугам» в трактатах Абдулгадира Мараги (XIV-XV вв.). Макомы, мугамы и современное композиторское творчество. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1978. 58-бет.

тарқалган атамалар – инчунин му а л л и ф л и к асарлари-га хос хусусий тушунчаларни ойдинлаштиришга интилади. Айтайлик, ҳозирги кунда ўзбек мусиқашунослигида қўлланилмаётган к ў к термини – алҳон, оҳанг ўрнида туркий халқларда фойдаланиб келинганлигини айни «Мақосиди ул-алҳон»дан билиб олишимиз мумкин.

Худди шу рисолада Абдулқодир Мароғийнинг наинки бастакорлик асарлари, балки и ж о д и й ж а р а ё н и ҳақидаги қимматли далиллар ўрин олган. Жумладан, ҳижрий 779 (милодий 1377) йил, яъни бу жараяннинг и л к паллаларига оид куйидаги мисралар эътиборни ўзига тортади: «...Султон Ҳусайн [Жалоир – Т.Ғ.] рўзанинг ҳар бир кунига биттадан н о в б а т яратиб беришимга марҳамат қилдилар. Ҳозир бўлган устодлар (вазифани) бажариш мумкин эмаслиги ва ҳали ҳеч ким буни уддалай олмаганлигини таъкидлашди. Камина, Оллою Таоло мадади ила бажариш мумкинлигини айтдим. Шунда Хожа Розиаддин Ризвоншоҳ ибн Закий ат-Табризий 100000 тилло динорни гаровга солиб, (бўлажак туркумли асар) мақом-пардалари, усуллари ва шаклларини ўзи белгилаб бериши шартини қўйди».⁵¹

Боз устига, мўлжалланаётган асарлар – турли (араб, форс ва бошқа) тиллардаги шеърларга яратилиши ҳам олдиндан белгиланганлиги мазкур манбада айтиб ўтилганки, бастакор олдида турган ижодий вазифа – қай даражада мураккаб эканлигидан тўла далолат беради.

Шу аснода, Абдулқодир Мароғий ўзига-ўзи юклаган мажбурий вақт ва бадий масъулият билан ижодий ва-зифани бажаришга киришади. Антика бир «буюртма» асосида юзага келаётган бу новбатнинг I қисми «Қ а в л» учун шоир Хожа Шайх ал-Кечачийнинг араб тилидаги шеъри, II қисми «Ғ а з а л» ва III қисми «Тарона» учун Хожа Жамолиддин Салмон Савожийнинг форс тилидаги байтлари ва IV қисми «Ф а р д д о ш т» учун Мав-

⁵¹ Агаева С. Из истории музыкальной культуры Азербайджана (Абдулгадир Мараги). //Музыка народов Азии и Африки. Выпуск 3. – Москва, 1980. 243-259 бетлар (таржима – бизники – Т.Ғ.)

лоно Жалол Фазуллоҳ ал-Убайдийнинг арабча шеърлари ҳам олдиндан устодлар томонидан тайинлаганлиги туфайли, бастакор – айнан шу туркумни яратиш жараёнида анъанавий тўрт қисмга яна бешинчи қисм – «Мустанзад»ни қўшади ва унга 6 мисрали арабча шеърни ўзи танлайди. Энг қизиқарлиси, мазкур Хотима ўрнидаги қисмда, Абдулқодир Мароғий аввалги қисмлардаги куй ва усуллардан фойдаланиб, бу мукамал асарига яқин ясайди.

«Мақосиди ул-алҳон»да бундан ташқари шу беш қисми новбатнинг сўнгги қисмидаги 6 мисрали шеърнинг ҳар бир мисраси – «Дувоздахмақом» тизимидаги 6 овоза – Наврўз (Хусайний ва Исфаҳон мақомларидан олинган), Гувашт (Хижоз ва Бузрукдан), Салмак (Ушшоқ ва Ростдан), Гардуния (Ироқ ва Зангуладан), Мойя (Наво ва Бусалиқдан) ҳамда Шахноз (Раҳовий ва Зирафқанддан)ларга асосланганлиги таъкидланади. Охир пировардда эса, ўринли мағрур билан Абдулқодир Мароғий, ваъдага биноан Рамазон ойи тугашига – жами 30 та (!) новбатини яқунлаб, буюртмачига топширганлиги ва бунинг эвазига муносиб тақдирланганлиги ҳақида мамнуният ила ёзади.

Ўзга муаллифлардан Абдулқодир Мароғийнинг ижрочилик маҳорати ва бастакорлик ижодига юксак баҳо берганлар қаторида Ибн Арабшоҳ (1389 – 1450) ва Шарафуддин Али Яздий (1454 й. ваф. этган), Муинуддин Исфизорий (XV-аср), Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Гиёсиддин Хондамир (1475-1535) ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш ўринли. Хусусан, буларга мансуб манбаларда бастакорнинг 200 дан зиёд асарлари ҳақида фикр юритилар экан, буларни, бизнингча қуйидаги, турларга таснифлаш мумкин:

I. Ўнлаб асарлардан ташкил топган йирик туркумлар – «Миатайн», «Си новбат», «Си давр» ва бошқалар.

II. Муайян шакл асос бўлган қатор асарлар – «Амали бўстон», «Амали гулистон», «Амали хористон», «Амали тарона» кабилар.

III. Муайян усуллар мажмуи – «Зарб ул-фатҳ», «Зарб ул-роби», «Чохор зарб», «Даври шоҳи» сингарилар.

IV. Бевосита муаллифга нисбатланган асарлар – «Таснифи Хожя Абдулқодир», «Навое ғурғурак» ва бошқалар.

Бастакорлик ижодиётининг деярли барча қиррлари, услубу шакллари ва айнан Абдулқодир Мароғий даври – XIV асрдан бошланган йўналишлари тараққиётидаги туб ижобий ўзгаришлар наинки мусиқий жараённинг ўзида, балки унга муттасил бадий хамроҳ бўлмиш – шеърятда ҳам кўзга ташланади. Хусусан, мазкур тамойиллардаги миллийлашисари бурилишнигина олсак, бу нарса айни шу давр (XIV аср)га илк классик намунасига эга бўлган ном жанрида яққол намоён бўлади. Ҳассос шоирларимиздан Хоразмийнинг хижрий 754 (милодий 1353) йили сўнгги нуқтаси қўйилган боқий «Муҳаббатнома»сидаги ёинки унинг ватандоши Ҳайдар Хоразмий қаламига мансуб «Гулшан ул-асрор» (XIV аср иккинчи ярми – XV аср бошлари)даги қатор-қатор мисраларга қулоқ тутаюк:

*Турк зуҳуридур очунда бу кун,
Бошла улук йир билан турк она ун!
Рост қил оҳанги «Наво»у «Ҳижоз»,
Туз ётуғон бирла шутурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз.¹*

Келтирилган иқтибосдан шу нарса ниҳоятда аниқ ва аёнки, Ҳайдар Хоразмий – бир сатрдан иккинчисига борган сари тобон кўринаётган аслан туркий, яъни қадим ўзбек она сўз, ибора ва тугал жумлалар тизими-

¹ Муборак мактублар. «Ўзбек адабиёти бўстони». – Т 1987. 221-бет.

дан, авваламбор, ўзи мароқ олаётган кўринади. Биз учун муҳими, шоир мисраларида наинки мажозий, балки т о м маъноли, инчунин – «турк зуҳуридур очунда», «улуқ йир», «туркона ун», «туз ётуғон бирла», «турк сурудини тузук бирла туз», «яхши аёлғу била кўкла қўбуз» каби қатор бирикмалар, тўлиқ жумлалар қимматлидир, ба а й н и мусикий фикр ва тушунчаларга маънодошдир.

Худди шундай, з у л л и маъно лавҳаларга бой асарлардан яна бири – бевосита Темурзодалардан Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад (Саидий) қаламига мансуб «Таашшукнома» (1436)дир. Ундаги, а л б а т ҳисобланган 10 нома кетидан уланиб кетадиган 10 ғ а з а л – муайян мақом (парда)га «мўлжалланганлиги» кўзга ташланади ва ҳақиқатан том маънодаги т у р к о н а сўзлар, фикрлар аро баёнланган:⁵²

*Не бўлдиким унуттунг ёр бизни,
Қилибсен васлинг учун зор бизни....*

(«Тўртунчи номасин айтур»-
дан кейинги «Ғ а з а л» дан).

*Эшитгил айтойин кўнглум ниёзин,
Қўбуз қўбсаб тузуб «Ушишоқ» созин.*

(«Олтинчи номасин айтур»-
нинг охирги б а й т и).

Мазкур асардаги жами ғазалларга тааллуқли мақом йўллари навбатланиши ва бунда «Дувоздахмақом» тизимида анъанавийлашиб келган Ироқ, Наво, Ҳусайний, Рост, Ушшоқ, Исфаҳон (Сифаҳон) ва Раҳовий (Рови)лар қаторида – ноарабий, хусусан, кенг тарқалган ўзбек қуйлари туркумига асос бўлган А ж а м, 24 шўбадан бири Ниҳованд кейинчалик «Шашмақом» ҳамда Хоразм мақомларига қўшилиб кетган П а н ж г о х (чолғу-мансур)лар ришталаниб келиши, «Таашшукнома» яратилаётган

⁵² Муборак мактублар. «Ўзбек адабияти бўстони» – Т. 1987. 123-143 бетлар.

«Дувоздахмақом»нинг шаклланиши жараёни

Мабта	Шўх											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
“Қоб, енола” (XI а)	Рост	Ироқ	Ушшоқ	Зирафанд	Бўсалик	Исфаҳон	Наво	Баста				
Сафуддин ал-Урдавий (1230-1294)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Наврўз	Ироқ	Исфаҳон	Бўзург	Зирафанд	Роҳавий	Ҳижоз	Зангула
Аш-Шероий (1236-1310)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Наврўз	Ироқ	Исфаҳон	Бўзург	Зирафанд	Роҳавий	Ҳижоз	Зангула
Ал-Амрўлий (1349-й ваф.)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Ироқ	Исфаҳон	Ҳижоз	Зирафанд	Бўзург	Зангула	Ҳусайний	Ҳижоз
А.Мирзоий (1353-1435)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Ҳусайний	Ҳижоз	Роҳавий	Зангула	Ироқ	Исфаҳон	Зирафанд	Бўзург
А.Жоний (1414-1492)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Ҳусайний	Ҳижоз	Роҳавий	Зангула	Ироқ-II	Исфаҳон-1-II	Зирафанд	Бўзург
3.Ҳусайний (XV а)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Ҳусайний	Ҳижоз	Роҳавий	Зангула	Ироқ-III	Исфаҳон	Зирафанд	Бўзург
Нобъ рисола – XVI пер (аноним)	I Рост II Ушшоқ	Ҳижоз Бўсалик	Роҳавий Рост	Ушшоқ Ироқ	Ироқ Исфаҳон	Кучак Роҳавий	Ҳусайний Ҳусайний	Ҳижоз Ҳусайний	Наво	Зангула	Кучак	Бўзург
Кавсабий (1532-й қатл қилинган)	Ушшоқ	Наво	Бўсалик	Рост	Исфаҳон	Зирафанд	Бўзург	Зангула	Роҳавий	Ҳусайний	Ҳижоз	Ироқ VI эвоқ Кучак VII эвоқ Ниҳованд
Дарвиш Али Чарий (XVI-XVIII)	Рост	Ушшоқ	Наво	Ҳижоз	Ироқ	Ҳусайний	Бўсалик	Роҳавий	Исфаҳон	Бўзург	Кучак	Зангула
Вожид Алхон (1845)	I Рост II Ушшоқ	Исфаҳон Бўсалик	Ироқ Наво	Кучак Рост	Ироқ	Ҳусайний	Бўсалик Роҳавий	Ушшоқ Ҳусайний	Ҳусайний Ҳижоз	Зангула Бўзург	Наво Кучак	Роҳавий Зангула

XV аср бошларида бу одат, яъни аввалги даврларда ниҳоятда қатъийлашган удум бирмунча юмшаб, бадиий э р к и н л и к ижоднинг бир туридан – иккинчисига ўз таъсирини ўтказа борганлигидан далолат беради.

Ниҳоят, яна бир манба – кўп жиҳатдан ибратли назмий-муסיкий битикка нигоҳ ташлаб ўтиш ўринли. Шу XV асрда яшаб ижод қилган шоир (ва созанда?) Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси»да ҳам бастакорлик ижодиётига оид айрим нисбатлар мавжуд. Хусусан, «Аввал танбура сўзи»даги: «Жумла мақоматга бир-бир жавоб», кейинги бўлим «Уд ўзин таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони»даги: «Жумла мақоматтин огоҳмен» ва айниқса, «Чанг... таъриз қилғони»даги: «Шаъба [ш ў ь б а – Т.Ғ.]да таркибу амал, нақшу савт... Халқнинг эгнинда мақомим мудом»⁵³ каби сатрлар, наинки мақом ижрочилиги, балки – и ж о д и мавқеидан ҳам хабар беради».

Табиийки, қўшқанот бадиий-назмий ижод соҳасидан фарқли ўлароқ, бевосита XV аср ҳофизлик ва созандалик санъати, бастакорлик ижодиёти ва бу жараённи изчиллик билан кузатиб, таҳлиллаб, илк хулосаларни махсус манбаларда бирма-бир ёритиб борган муסיқа илмида биз учун тарихий ва назарий, этик ва эстетик, ҳаттоки, теран фалсафий аҳамиятга молик далиллар, бебаҳо қомусий маълумотлар сон-саноксиздир. Шу боис, булардан биз имкон даражасида бирма-бир фойдаланишни мақсад қилмоқдамиз.

Айнан XV аср бадиётининг энг бузруквор ва баобрў ижодкорларидан бири – Абдурахмон Ж о м и й (1414-1492) эканлигини аллақачон наинки Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси, балки Ғарб мамлакатлари ҳам тан олган. Хусусан, бул зотнинг умрбод садоқатли дўсти ва шогирди Мир Алишер Навоийга қулоқ тугайлик: «Ҳазрат Маҳдумий Шайхул – исломий Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Ж о м и й (мадда зиллаҳу)

⁵³ Шу манба, 263-272 бетлар.

дурурким, то жаҳон бўлғай аларнинг ёруғ хотираларининг натойижи, жаҳон аҳлидин кам бўлмасун... Чун алар латойифи назми андин кўпроқдурким.... мусаннафотлари дурлари зикрин қилилса, гардун бахри андин тошар, ложарам чун бу маъни билилур ва дуо била хатм қилилур.

Рубоий:

*Ё раб, бу маоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони
Ким, айладинг они олам аҳли жони,
Олам элига бу жонни тут арзоний».⁵⁴*

Ҳаётининг ярим асрли баҳорини кўриб, ижодий камолотга кўтарилган Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (1491 йил тугалланган)даги учинчи мажлисни очиб берувчи мазкур мисралар бевосита муסיқага алоқадор бўлмаса-да (*мусаннафот*, *гардун* ҳам ўзга маъноларда), булар – анъанавий «Устоз – шогирд» тизимининг том мазмундаги инъикосидир. Зероки, Жомий ҳам ўз шогирдининг ўлмас «Х а м с а»сига баҳо («Хирадномайи Искандарий»да) берар экан, қуйидаги байтларни баҳшида қилган:

*Ба турки забон нақше омад ажаб,
Ки жодудамонро бувад муҳри лаб.
Зи чарх офаринҳо бар он килк зод,
Ки ин нақши матбу аз он килк зод.*

Мазмуни:

Туркий тилда шундай бир ажойиб нақш пайдо бўлдики,

Унинг олдида ҳар қандай (сўз) сеҳргари оғзини очолмай қолди.

Фалақдан офаринлар ёғилсин унинг қаламигаки,
Бу гўзал нақш, ахир ўша қалам маҳсулидир.

⁵⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ҳн учинчи том. «Мажолис ун-нафоис». – Тошкент: Фан, 1997. 70-бет.

Ёки мазкур «Ҳафт авранг»даги яна бир дoston – «Лайли ва Мажнун»ни олсак, унда Абдурахмон Жомий, туркийзамин дўсти ҳақида янада самимий ва эъти-модли мисраларни битган:

*Дўстлик боғидаги маъсус хушкaлом,
Вафо шoхидадир Навoий мудом.
Гўзал сўзлар билан нa вo айлагай,
Oзурда дилларни даво айлагай.⁵⁵*

Маълумки, бизгача тўла-тўкис етиб келган, энг ишонарли ва бутун Шарқда ўзининг назарий қимматини йўқотмай келаётган мусиқага оид манбалардан бири ҳам Абдурахмон Жомий қаламига мансубдир. Унинг «Рисолаи мусиқий» асари, сўнгги даврларгача, айрим (С.М.Векслер, Т.С.Визго ва уларга издош бўлмиш) мутахассислар нигоҳида – ўта назарийлашган, ҳатто ўзига замондош мусиқа амалиётига бефарқ бир манба сифатида қабул этилар эди. Яхшиямки, рисола билан бевосита танишган ва уни нашр этилишига (рус тилида) ёки мазмуни кенг доирада маълум бўлишига катта ҳиссасини қўшган Абдурауф Фитрат, В.М. Беляевлар юқоридаги «кузатувлар»нинг аксини, яъни Абдурахмон Жомий – ижод масалаларини рисоланинг деярли ҳар бир бўлимида, айнан ўз замони зайли билан таҳлил этганлигини уқтирдилар.⁵⁶

Биз бу масалага, яъни мазкур рисоланинг айнан ўз даври амалиёти, хусусан, XV аср ижрочилик ва ижодчилик жараёни билан узвий боғлиқлиги ҳақида авваллари баҳоли қудрат тўхталиб ўтганлигимиз⁵⁷ ту-

⁵⁵ А.Хайитметов. Абдурахмон Жомий // Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 63–71 б.

⁵⁶ А.Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи (илк нашри – 1927, араб алифбосида 80 б.). – Т.: Фан, 1993; А.Джами. Трактат о музыке (Пер. с перс. А.Болдырева), ред. и комментарии В.М.Беляева. – Т.: Издательство АН УзССР, 1960.

⁵⁷ Т.Ғафурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Т.: Фан, 1987; Т.Ғофурбеков. Мусиқа. Амир Темур жаҳон тарихида. БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти – ЮНЕСКО, Париж: 1996. 187–190 ва 200 бетлар.

файли, бу ерда қисқароқ, хулосавийроқ сўз юритмоқчимиз. Зеро, кузатилаётган тарих палласининг санъатига оид бирламчи маълумотлар, янги ча қарашлар йил сайин бойиб келмоқда.

Авалло, рисоланинг илк саҳифасидаги муаллифнинг Шарқ анъаналарига кўра, ўта камтарона иқрономаси диққатни ўзига тортади. Ҳолбуки, бутун Машриқу Мағриб таниган ва тан олган Жомий, унда – ёшлик чоғларидан «таълифдан ҳам, талқиндан ҳам бохабар» бўлатуриб, ана шу рисола ниҳоясига етказишга ҳеч фурсат топа олмаганлиги ва яқин дўсти (тахминларга биноан – Алишер Навоий)нинг узлуксиз илтимосларини инobatга олиб ёши бир жойга етиб қолганидагина масалани ҳал этганини таъкидлаб ўтади. Демак, ҳеч шубҳа йўқки, қатор манбалар ва аввало Дарвишали Чангийнинг «Тухфат ус-сурур» номли мусиқа рисоласида Абдурахмон Жомийга бастакорона нисбат берилиши тўла-тўкис асослидир: «Амир Мастий...ёш болалигидан Жомийда таҳсил кўриб, унинг такаллуфига сазовор бўлган эди. Амир Мастий яхши овозга эга бўлганлиги туфайли, Жомий бир нақш тузган – у бизнинг давр [яъни XVI аср охири – XVII аср бошлари-Т.Ғ.]гача «Имома» номи билан машҳур, ҳамда уни Амир Мастийга ўргатган. Қобуз чалишни ва мазкур нақшни Амир Мастий Мовароуннаҳрга олиб келди (намойиш этади)... Ҳиротни ишғол этган Абдуллахон, ўзи билан Амир Мастийни ҳам Бухорога кўчириб кетади ва бу ерда... Шайх Аҳмад, Ҳофиз Маҳмуд Насафий, Ҳофиз Турдий, Ҳофиз Қосим «бўзбоз», Ҳофиз Ҳасан Дарвозийи Абий, Ҳофиз Пойанда Муҳаммад ва яна қатор Бухоро ҳофизлари унга шогирд тушишга муяссар бўлдилар».⁵⁸

Абдурахмон Жомий ўз рисоласининг одат тусидаги шеърый бағишловида ҳам, бизнингча, ўзгача теран ва

⁵⁸ Дарвиш Али Чанги. Трактат о музыке. Перев. с персидского Д.Рашидовой. рукопись. Библиотека НИИ искусствознания. Инв. № 879. Т.: 1989 (Ўзбекчага таржималар бизники – Т.Ғ.)

и ж о д к о р о н а фикрини намоён этади. Зеро, жами 6 мисрадан иборат бу шеърӣй битик мазмуни анъанавӣй – Яратганга ҳамду санолар келтирибгина қолмай, мусиқа амалиёти ва назарияси (илми иқоъ)да кенг қўлланилган «тан» иборасини ниҳоятда усталик билан – ҳар икки соҳага қ и ё с а н баёнидан иборат. Боз устига, мазкур байтларга мусиқӣй шакл (композицион) нуқтаи назаридан ёндашиб кўрсак, унда ана шу мисрадаги «тан» ўзагидан турли маънодаги сўзлар – танҳо (2-мисра), гуфтани (3-мисра), танҳои (4-мисра) ва тани (5-мисра) ҳамда бирикма: «тан – тан» ҳосил этилади:

*Нафас тан дону, чон ёди худованд,
Ки чонҳоро ба танҳо дода пайванд.
Ба ғафлат гуфт а ни тан-тан дар алҳон,
Зи қаввалон барад т а н ҳоц безон.
Т а н и ниҳон дар хок беҳтар,
Бисоти зиндагон зъон пок беҳтар.*⁵⁹

Кўриниб турибдики, бу мисралардаги шеърӣй-мусиқӣй фикр баёни, мисрама-мисра ривожланишидан сўнг локал авжига кўтарилиши ва ниҳояланиши – мумтоз куйлар, хусусан, мақом йўлларига хос бирламчи мусиқӣй иборанинг изчил – кейинги жумла ва оҳанглар билан у з в и й уланиб, п а й в а н д л а н и б боришини эслатади. Боз устига, мусиқа ижодиёти жараёни, айниқса, муайян мусиқӣй шакллар баёни, ёйи-лиш қонунларидан бевосита хабардор бўлган Жомий, фикримизча, мазкур бағишлов мазмунини ёритишда анъанавӣй ашула йўлларидаги тизим, яъни *даромад* – (1-ва 2-мисралар) – *авж* (3-мисра: «гуфтани тан-тан дар алҳон» ҳамда 4-мисра: «Зи қаввалон барад танҳои безон») ва *фуровард* (5-мисра: «Тани ниҳон дар хок беҳтар»)ларнинг кетма-кет келиши қоидаларидан ҳам фойдаланганлиги ажаб эмасдир. Ҳолбуки, шеърӣй фикрнинг ўртага ташланиши, бош ва иккинчи даража-

⁵⁹ Абдурахмон Чомӣ. Рисолаи мусиқӣй... Қаранг: Абдурахмон Чомӣ. Асарҳо. Чилди – 8. – Душанбе: 1990.

ли маънолар ривожи тартиботи ҳам ана шу қузатув ва хулосага туртки беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Абдурахмон Жомий рисоласининг деярли барча 23 бўлимида Темурийлар даври мусиқасига хос бадиӣй баркамолликка юз тутган тирик и ж о д и й ж а р а ё н инъикосини кўриш ва англаш мумкин. Зероки, саҳифадан саҳифага ўтар экан, муаллиф – замондош ижрочи (хонанда ва созанда)лар, куйлар ва усулларни ўзида мужассам этувчи *доиралар* соҳиблари, умуман зукко шахслар, мукамал гўзаллик (куй ва шеърни уйғунлаштириш орқали) яратувчилар, инсон руҳига ором бахш этадиган *бўдларни* ажрата оладиганларга изчил нисбатлар бериб боради.

Айниқса, «Илми иқоъ» номини олган, рисолаининг иккинчи қисмидан наинки ўтмиш, балки замонавий бастакорлик ижодиёти учун ниҳоятда муҳим, амалий-тажрибавӣй жиҳатдан ўта ибратли т а в с и я ҳамда бевосита кў н и к м а намуналарини ажратиб олиш қийин эмас. Табиӣй истеъдоди ва кўлами кенг илмӣй ҳамда ижодӣй тафаккури билан, бир томондан – аввалги анъаналар, иккинчи томондан – гуркираб турган XV аср бадиӣй муҳитига таянган Жомий, ҳар гал ана шу «ў т м и ш – з а м о н» икковлиги м у в о з а н а т и н и сақлаб қолишга интилаётгандек кўринади. Дарвоқе, рисолаининг биринчи қисми «Илми таълиф»даги сўнги, «Шўъбалар ҳақида» деб аталган 17-бўлимидаги хулосавӣй фикрни эслатиш ўринли: «(Мавжуд, анъанавӣй) йигирма тўрт шўъба таърифи шундайдир, улардан ташқарилари ўзгача услублар билан э р к и н [ажратув бизники – Т.Ғ.] равишда тузилиб, эркин номланадиган шакллардир».⁶⁰

Лекин иккинчи қисмда баён этилаётган ритм(усул)лар ҳақидаги таълимотнинг и л к саҳифаларидаёқ олим «нақра гуруҳларини» ифодаловчи доиралар – «тетик руҳли»лар томонидан бемалол идрок этиладиган даражада бўлиши зарурлигини уқтиради.⁶¹ Ёки мазкур

⁶⁰ Абдурахман Джами. Трактат о музыке. 48-бет.

⁶¹ Ўша манба, 50-бет.

масалага шеърият назарияси ва шуури нигоҳида ёндашувчи 21-бўлимда муаллиф-ритмик рукнлар орасидаги комбинация(ўрин алмашув)лар мислсиз, шу даражада сон-саноксиз эканлиги ва буларнинг изоҳлари баённи чўзиб юборишини қайд этган ҳолда муҳим бир қўшимчани қўшиб қўяди: «эътибори баланд инсон, тегран ўйлаб кўрса – буларни ўзи м у с т а қ и л чиқариб олади».⁶²


Кейинги 22-бўлимда Абдурахмон Жомий камтаронагина мақсадни ўз олдиға қўймоқчи бўлганидек кўринади: «Иқоъ – назарий асослар сифатида тўла-тўқис тушунтирилганлиги боис, араб ва ажалларнинг шу касб соҳиблари амалиётидаги айрим хусусий ҳодисалар баёнига ўтамиз».⁶³ Бироқ бўлимнинг илк саҳифаларидан таҳлилланаётган 11 та, зотан эса 20 дан зиёд у м у м и с т е ъ м о л доирасидаги усуллар ва уларнинг инверсиялари ниҳоятда атрофлича ёритилади. Биз учун энг муҳими, мазкур усулларнинг айримлари р е т р о с п е к т и в (қадимги, замонавий ва бошқа турлари билан) имкон кўламида 2-3, айрим ҳолларда эса – жами 4 кўринишда Жомий томонидан бирма-бир тадқиқ этилишидир. Бунинг ёрқин мисоли сифатида туркийзамин усуллардан бирини рисола бўйича⁶⁴ келтирамиз:

Д а в р и т у р к и й. Тўрт кўринишга эга. Б и р и н ч и с и – туркийи асли жадид бўлиб, нақралари сони йигирматадир:

Тан та-на-нан та-на-нан та-на-нан та-на-нан тан
Вазни: Муф-та-и-лун му-та-фо-и -ла-тун фо-и-ло-тун

Замонавий

ёзуви⁶⁵:



И к к и н ч и с и – туркийи асли қадим. Йигирма тўртта нақрага эга:

⁶² Ўша манба, 52-бет.

⁶³ Ўша манба, 52-53 бетлар.

⁶⁴ Ўша манба, 61-62 бетлар.

⁶⁵ Замонавий нота ёзувиға кўчирувчи В.М.Беляев.

тан та-на-нан та-на-нан та-на-нан та-на-нан тан та-на-нан
Вазни: Муф-та-и-лун му-та-фо-и-ла-тун фо-и-ло-тун фо-и-лун

Замонавий

ёзуви:




У ч и н ч и с и – туркийи хафиф. У ўн иккита нақрага эгадир:

тан тан та - на-нан та - на -нан

Вазни: фаъ-лун фа-и-лун фа-и-лун

Замонавий

ёзуви:



Т ў р т и н ч и с и – туркийи сарий. Олтита нақрага эга:

та - нан та - нан

Вазни: Ма - фо - и - лун

Замонавий

ёзуви:



Ушбу усуллар таснифоти ва умуман Жомийнинг «Муסיқа рисоласи»даги бевосита замондошлари ва яқин салафлари ижодий «лабораторияси»га доир қимматбаҳо кузатув, хулосавий фикр, қиёсий нисбат ҳамда мулоҳазалар шунчалик ишонарлики, муаллифнинг ўзи қай даражада бастакорлик соҳасидан боҳабар ва бу санъат билимдони эканлигидан тўлақонли далолат бера олади. Ваҳоланки, мазкур манбада атиги бир шахс, Абу Наср Форобий номигина тилға олинса-да, Абдурахмон Жомий яшаган – Темурийлар давриға хос жадал муסיқий-ижодий ж а р а ё н инъикоси яққол сезилиб туради.

Она заминимизда қадим-қадимдан «ҳаққоний Устоз – ҳақиқий шогирдиға йўл очар» деган доно нақлга амал қилиниб келинади. Чамамда, Устод Жомий ва шогирд Алишер Навоийларнинг бу табаррук тизим доирасидаги муносабатлари айнан ана шундайин бўлган кўринади. Бунинг тўлақонли исботини Навоий қаламиға мансуб б а д и и й 50 минг (!) мисрالي «Хамса», 45 минг мис-

рали «Хазойин ул-маоний»,⁶⁶ 12 минг мисрали «Девони Фоний»дан тортиб – юзлаб соф илмий кузатувлар билан тўлдирилган «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Паҳловон Мухаммад» ва «Маҳбуб ул-қулуб»дан топишимиз қийин эмас.

Биз учун, айниқса, сўнгги тўрт асар – бевосита бастакорликка оид саҳифаларга бой эканлиги ва энг муҳими буларнинг бариси Навоийнинг ҳар томонлама ижодий баркамоллик чўққисига кўтарилган 1491-1501 йиллар орасида яратилганлиги билан қимматлидир. Зеро, ҳар бирида бетакрор шоиримизнинг мусиқа олами, хусусан хонандалик ва созандалик, бастакорлар ижоди ва мусиқашуносликка алоқадор нуфузли маълумотлари, аниқ таҳлиллари ва хулосалари талайгина ўрин эгаллаган. Аввалги тадқиқотларимиздаги «Навоий мусиқа ҳақида», «Навоийнинг мусиқий тафаккури», «Навоий ва Эрон маданияти»⁶⁷ каби мавзуларга қайтиб ўтирмай, «Навоий ва бастакорлик» мавзуини имкон даражасида ёритмоқчимиз, энг сўнгги кузатувларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Бу – ўз-ўзидан ўта мураккаб ва масъулталаб муаммони ёритишда биз, аввало ҳамда устувор тарзда Алишер Навоийнинг юқорида санаб ўтилган илмий мероси, хусусан, м у с и қ и й и ж о д и ё т бобидаги теран кузатувлари, хулосалари, айрим ҳолларда эса ихчамгина, лекин зукколик билан билдирилган лўқма ва изоҳларига таянамиз. Маълумки, «Мажолис ун-нафоис» ҳозирги кунга қадар серғайрат адабиётшуносларнинггина манбаи бўлиб, мусиқашуносларимиз диққат-эътиборини ўзига жалб эта олмай келмоқда. Бу ноёб асар Амир Темур ва Темурийлар даври мусиқа маданияти тарихининг тадқиқотчилари учун қай даражада бой, қизиқарли эканлиги, айрим саҳифалари билан эса – том маънодаги қомуссифат манбалиги

⁶⁶ «Хамса» ва «Хазойин ул-маоний»нинг мусиқага доир лавҳалари таҳлили ўз даврида З.Каримова, камина ва О.Мағёқубов томонидан амалга оширилган.

⁶⁷ Булар ҳақида, қаралсин: В.Плунгян, И.Галушенко. Тўхтасин Ғофурбеков. – Т.: 1997. 18-19, 108-109 бетлар.

қадрига ҳануз етганимизча йўқ. Модомики, ҳар бир мажлис «аҳли»нинг камида 2-3, баъзиларида 6-7 нафари мусиқа оламида ном чиқарган шахслардандирки, улар орасидан бевосита бастакорлик санъатига даҳлдорларини ажратиб олиш қийин эмасдир. Энг қизиғи, буткул «Мажолис ун-нафоис»ни бошлаб берувчи и л к бағишлов-байтнинг ўзида, бизнингча – айнан Яратганнинг ҳамдуларга лойиқ инъомларидан бири ҳам – гўзал куйлар эканлиги эътироф этилади:

*Юз ҳамд ангаким ясаб жаҳон бўстони,
Айлаб юзу зулфидин гулу райҳони.
Қилди ясағоч бу боғи руҳафзони
Назм аҳлин анинг булбули ҳуш илҳони.*⁶⁸

Навоий саносида соф арабий «лаҳн» ёки «алҳон» ўрнида «илҳон» ибораси ишлатилиб, у – илҳом, ижодий даъват, кўтаринки ғайрат ҳолатларига ҳам қофиядош, ҳам маънодош эканлигига эътибор берилиши ўринлидир.

Биринчи мажлисда, мусиқа санъати тараққиётини тебратиб турадиган уч соҳанинг ҳар бирига алоқадор уч йирик шахс – бастакор Мавлоно Соҳиб Балхий, созанда Мавлоно Қадимий ва Абдурахмон Жомийнинг укаси – «адвор ва мусиқа илмида моҳир» Мавлоно Мухаммад Жомийларга оид саҳифаларни кўздан кечириб эканмиз, диққатимизни қуйидаги фикр қамраб олди: «М а в л о н о С о ҳ и б Б а л х и й бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусиқий илмида комил эрди. Ўз ғазалларини ўз амалларига б о ғ - л а б д у р к и м, анинг фазойилига далолат қилғай. Ул жумладин, «Чаҳоргоҳ» амалидирким, машхурдур»⁶⁹.

Қаранг, лўндагина таърифда ижодкорнинг қўш истеъдоди ва муҳими, ҳар иккала соҳада самарали фаолияти таъкидланмоқда. Боз устига, Соҳиб Балхийни

⁶⁸ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997. 7-бет.

⁶⁹ Ўша манба, 20-бет.

эл-юртга танитган энг етук, ш о х асари тилга олин-
ганидан сўнг, Алишер Навоий ниҳоятда муҳим бир
хулосавий қўшимча келтирмоқда: «Дерларким, Жўги
Мирзо [Шохруҳнинг ўғли, тўла исми Муҳаммад Жўки
Мирзо – 1403-1445, – Т.Ғ.] мажолисида ул амалдин ўзга
нима [асар маъносида – Т.Ғ.] айттурмас экандурки, бу
ғазалга боғлабдур:

*Ҳамчу субҳ аз меҳри рўят мезадам дамҳои сард,
То расам рўзе ба куят дил баса шабгир кард».*⁷⁰

Таржимаси:

*Юзининг меҳридан тонг сингари совуқ дамлар ураман,
Бирор кун кўйингга етишим учун дил кўп саргардон қилди.*⁷¹

Атиги бир нечагина мисрадан иборат Навоий фикр-
ларида не-не маъною не ногаҳоний кузатувлар ётиб-
ди?! Булардан биз бастакорлик ижодиётига доир учта-
сини алоҳида ажратиб ўтмоқчимиз:

1. «Боғлабдур» атамаси – бевосита «басталабдур»
маъносида келмоқда, зеро буни Навоий ниҳоятда
авайлаб, бутун «Мажолис ун-нафоис»ида яна бир ма-
ротаба – айнан мусиқа соҳасидаги Устози, Хожа Юсуф
Бурҳон ижоди муносабати билангина қўллаганлиги.

2. Мавлоно Соҳиб Балхий – ўз ғазалларигагина куй-
лар боғлашига оид кузатув, шу хислатнинг фақат икка-
ла бастакорга даҳлдорлиги.

3. Мусиқа санъати, хусусан, бастакорлик ижоди би-
лимдони бўлмиш Темурзода Жўки Мирзо дидига мос
«Чохоргоҳ» асарини ҳам айни Мавлоно Соҳиб Балхий-
гина ярата олганлиги.

«Мажолис ун-нафоис»нинг и к к и н ч и мажлисида
ҳам юқоридагига ўхшаб кетадиган таснифларни уч-
ратдик: «Х о ж а Ю с у ф Б у р х о н – ... жамеи аҳли
туруқнинг соҳиб тарийқи эрди ва мусиқий илмин ҳам
яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида анинг шо-

⁷⁰ Ўша манба 20-бет.

⁷¹ Ўша манба 224-бет.

гирдимен. Кўпроқ ўз шеърига мусиқий б о ғ л а р эрди.
«Исфаҳон» амалини бу байтига боғлабтурким:

*Расид мавсуми шодио айшу тараб,
Агар гадо ба муроди диле расад чи ажаб.*⁷²

Таржимаси:

*Шодлик, завқ ва хушчақчақлик мавсуми етишиди,
Агар гадо ҳам ўз дилидаги муродига етишса не ажаб!*⁷³

Кўриниб турибдики, ҳар иккала ижодкор – Мавлоно
Соҳиб Балхий ва Хожа Юсуф Бурҳонларнинг баста-
корлик маҳоратлари авваламбор боқий м а қ о м санъ-
ати, хусусан, «Дувоздаҳмақом» тизими билан боғлиқ
бўлган. Зеро, Навоий томонидан Мавлоно Соҳиб Бал-
хийга нисбатланаётган «Чохоргоҳ» – мазкур мақомлар
мажмуидаги машҳур, аксарият мусиқа рисоаларида
бирма-бир санаб ўтиладиган 24 шўъбадан бири бўлса,
Хожа Юсуф Бурҳон асарлари қатори кўрсатилаётган
«Исфаҳон» – ана шу «Дувоздаҳмақом»даги муайян,
айни муаллиф яшаган XV аср манбаларида 10-мақом
ҳамда «Исфаҳонак» номли шўъбадир.

Демак, ҳеч шак-шубҳасиз таъкидлашимиз мумкин-
ки, Мавлоно Соҳиб Балхий ва Хожа Юсуф Бурҳон замон
зайлидан келиб чиққан ҳолда мақомлар тизимида ижод
қилишган, балки шу боис – буларнинг ижодий жараё-
ни ҳам бир хил тус олиб, ҳатто шеър танлашларига
умумий хусусиятларга эга бўлган. Айни шу сабаб, «Ма-
жолис ун-нафоис» саҳифаларида ҳам икки бастакор
таърифи, ижодий тамойиллари ва ҳатто «мусиқий ил-
мин» бобида ҳам билимдонликлари Алишер Навоий-
дек синчков тафаккур соҳиби томонидан муштараклик
йўсинида таҳлилланган бўлса, ажаб эмас. Ва энг муҳими,
илмий тазкирадаги ўнлаб мусиқа асарлари муаллифла-
ри орасида ф а қ а т Мавлоно Соҳиб Балхий ҳамда Хожа
Юсуф Бурҳонларгагина нисбатан б о ғ л а б т у р ибора-

⁷² Ўша манба 51-бет.

⁷³ Ўша манба 239-бет.

сини Навоий қўллаши – ҳар иккала бастакорнинг юксак салоҳиятидан, ўша давр мусиқий ижодиётига тутган юксак ўринларидан далолат беради. Ҳолбуки, бу ибора Навоийнинг наинки илмий, илмий-бадий мероси, балки бадий асарларида ҳам ниҳоятда камдан-кам учрайди. Дейлик, буткул «Хазойин ул-маоний» туркуми мужассам этган 45 минглик мисралар мажмуида, биз ушбу боб эпиграфида иқтибосланган «Қасидаи Хилолият» дагина – «Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърига» тарзидаги сатрни топишга муяссар бўлдик!

«Мажолис ун-нафоис»нинг кейинги, учинчи мажлисида таърифланган мусиқага даҳлдор Абдурахмон Жомий, Мавлоно Биноий, Мутаҳҳири Удий, Мавлоно Видоий, Мавлоно Айний ва бошқа ижодкорлардан биринчиси ҳақида юқорида батафсил фикр юритганимиз боис, биз қуйида Мавлоно Камолитдин Али ибни Муҳаммад Сабз Биноий (1453-1512) фаолиятининг мусиқий лавҳаларига мурожаат этмоқчимиз. Ҳозирги кунга қадар бу ижодкорга оид аксарият маълумотлар деярли бир йўсинда Алишер Навоийга қиёсан «салбийлаштирилиб» талқинланаётганлиги афсусланарли бир ҳолдир. Ваҳоланки, Навоийнинг ўзи, аввало, «Мажолис ун-нафоис» (шунингдек, «Соқийнома» ва бошқа асарлари)да замондошига адолатли баҳо бериб, айнан мусиқа соҳасидаги хизматларини ҳурмат билан алоҳида кўрсатиб ўтади: «Бағоят қобилияти бор. Аввал таҳсилга машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Хатга ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийга майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф [ажратиш биздан – Т.Ғ.] қилиб адворда дағи рисола бити[р]ди».⁷⁴

Бу фикрларга ўзга манбалардаги маълумотларни қўшсак. Биноий – ўз даврининг наинки таниқли шоири, мусиқа илмининг обрўли намояндаси, балки яхшигина созанда, бевосита бастакорликка оид «Нуҳ ранг», «Савт

⁷⁴ Шу нашр, 74-бет.

ун-нақш» ҳамда жуда кўп маротаба номи қайд этилувчи «Рисолаи адвор» каби асарлар муаллифи эканлиги аён бўлади. Боз устига, Навоий таърифи ҳажман ва мазмунан ҳатто иккинчи мажлисдаги кичик тоғаси – Муҳаммад Али (Ғарибий)нинг мусиқий фаолиятига нисбатан бирмунча кенгроқ ўлароқлиги ҳам Биноий хизматлари қай даражада ҳаққоний ва холисона баҳоланаётганидан далолат беради ҳамда ҳеч қандай гумонларга ўрин қолдирмайди.

Навбатдаги тўртинчи мажлис аҳлидан – бастакорликка алоқадор жами 10га яқин шахслардан бизнинг эътиборимизни Паҳлавон Муҳаммад (у ҳақида – кейинги саҳифаларимизда), «яхши нақшлари»ла танилган Ҳофиз Шарбатий ва Хожа Камолитдин Ҳусайн, «меҳробхон ҳофиз» Жалолитдин Маҳмуд ҳамда машҳур Устод Қулмуҳаммадлар ҳақидаги маълумотлар ўзига тортди. Хусусан, буларнинг пировардидагиси аввало – уд сози ижрочилигида моҳирлик кўрсатганлиги туфайли Удий номи билан манбаларда кенг таърифланади. Шу билан бирга, Навоий таъкидлашича: «Кичик ёшида ғижжак чолур эрди. Қобилият осори ул фанда андин кўп зоҳир бўлур эрди... Ҳоло ул фан устодлари мутааддид анинг мусаннафотин ёд тутуб, шогирдлигига мубоҳийдурлар. Толиби илмлиққа дағи машғулдур. Ўзга ушоқ фазойили ҳам бор: маърифати тақвимдек, наққошлиқдек, хатдек. Аммо уд ва ғижжак ва қўбузни асрида онча киши чола олмас...».⁷⁵

Демак, ўзга муаллифлардан фарқли ўлароқ, Алишер Навоий ушбу таъкирсида ва кейинчалик ўз устози Абдурахмон Жомий 1492-йили фоний оламдан кўз юмганида яратган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» ёдномасида Қулмуҳаммад санъатини болалик чоғларидан кузатиб, ўша даврнинг забардаст ижодкори Мавлоно Алишоҳга⁷⁶ шогирдликка

⁷⁵ Ўша манба 135-бет.

⁷⁶ Асрлар ўтиб, «Мажолис ун-нафоис» саҳифаларидан Алишоҳ – Ю.Ражабий ва С.Жалилнинг «Навоий Астрободда» (1968) мусиқали драмаси, Қулмуҳаммад – М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоий» (1986) операсида XV-асрнинг етук бастакорлари тимсолига айланишган.

тавсия этганлиги, ҳақиқатан ҳам, дастлаб Самарқандда яшаб, юқорида кўрсатилган созларни кетма-кет пухта ўзлаштирганлиги борасида қимматли гувоҳликлар келтиради. Лекин негадир Қулмуҳаммад Удийнинг бевосита бастакорлик ижоди ва унинг маҳсуллари ҳақидаги маълумотларни Навоий батафсил ёритмай, буларга умумий тарздаги баҳолар билан чегараланади. Зеро, қатор манбаларда бу бастакор – «Пешрави Удий», «Амали Удий», «Савти Удий», «Савти Нурий» сингари ўз номи муҳрланган асарлар ижод қилганлиги, шунингдек бир қатор – «Ушшоқ», «Наво», «Хусайний»дек мақом йўл (парда)ларида пешрав, қор, амал, қавл, нақш каби чолғу куйлар, ашула йўллари яратганлиги қайд этилган.

Ушбу мажлисда эътибормолик санъаткорлардан яна бири Хожа Абдуллоҳ Садр Шихобиддин Марворид (ваф. 1516) бўлиб, Навоийнинг таъриф этишича: «Хожа Муҳаммад Марворид ўғлидурким... кичик ёшида улум касб қилди. Адвор ва мусиқий илмида ва хутут фанида беназир бўлди. Ва қонунни маълум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чолмиш бўлғай. Ва подшоҳ хизматида олий мансабқа сарфароз бўлди».⁷⁷

Кўриниб турибдики, бу ерда Хожа Абдуллоҳнинг мусиқа илми, усуллар назарияси ва ижрочилик борасидаги маҳоратига урғу берилмоқда ва асосий – *бастакорлик* фаолияти четлаб ўтилаётгандек туюлади. Лекин Навоийга замондош бир қатор муаллифлар, Хожа Абдуллоҳ Марворид – асосан Низомиддин Мир Алишер [яъни Навоий – Т.Ғ.] шеърларига басталаган асарлари билан танилганлиги ва тан олинганлиги ҳақида бирмунча кенг маълумотлар келтиришлари боис, «Мажолис ун-нафоис»да булар такрорланмаган бўлса, ажаб эмас. Зеро, халқ орасида тарқалган ғазалларини куйга солган Устози Хожа Юсуф Бурҳон ва яқин дўсти Паҳлавон Муҳаммадларнинг мусиқий ижоди ҳақида ёзар экан, Навоий, айнан булардан бирортасини ҳатто

⁷⁷ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. –Т.: «Фан», 1997. 141-бет.

номламай, кўпроқ ўзга асарларини таҳлил этади. Хусусан, Алишер Навоийга ёш замондош муаллифлардан Маҳмуд ибн Абдулжамил Зайниддин Восифий (1485-1551 ёки 1566) – ўзининг шоҳ асари «Бадоеъ ул-вақоеъ»⁷⁸ нинг бир неча ҳиқоятларида буюк шоир билан қай тарзда танишганлиги, машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод ва унинг қаламига мансуб Навоий портретининг тақдим қилиниши, озар хофизи Ғиёсиддин Даҳдор ўз маҳоратини Мир Алишер ҳузурида намойиш этганлиги ва бошқа турфа воқеаларни ёритар экан, яна ўша бастакор – Хожа Абдуллоҳ Марворид ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтиради. Булардан биз учун энг қимматлиси – бу ижодкорнинг бутун Ҳирот аҳли ёддан билувчи Алишер Навоийнинг куйидаги мисралари билан бошланадиган асарига доирidir:⁷⁹

*Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур,
майхораю бебок,
Ким шиқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.*

Зайниддин Восифийнинг мазкур асар ҳақидаги ўсмирлик чоғида шаклланган Фикрлари «Бадоеъ ул-вақоеъ»нинг биринчи қисми ниҳояланган (1517-1518 йиллар) даври к а м о л о т палласида хулосаланади ва Навоий мисралари – Хожа Абдуллоҳ Марвориднинг ўта жозибали куйи билан ниҳоятда уйғунлашганлиги туфайлигина, жамиул пойтахт (Ҳирот)ликларнинг ҳар бир хонадонида баралла ва узлуксиз таралиб туриши тарзида қоғозга битилади.

Демак, мазкур маълумотларнинг ҳозирги кунга қадар китобдан-китобга кўчиб, янгидан-янги муаллифлар илмий эътиборини ўзига жалб этиб келаётганлигининг асл сабаби Восифийнинг сидирғали синов-

⁷⁸ Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ (Нодир воқеалар). Форсийдан Н.Норқулов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1979.

⁷⁹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII-асргача). Қайта ишланган 3-нашри. Тошкент: Ўқитувчи, 1976. 407-бет.

лардан ўтган, ҳақиқатан н у ф у з л и гувоҳлиги – унинг қарийб чорак асрли мушоҳадаларига таянганлиги, ҳар бир фикр ва балки ҳар бир сўз синчковлик билан сараланиб ёзилганлигида бўлса, ажаб эмас!

Табиийки, мазкур сатрларни ўқиган замонавий муסיқашунос олдида савол туғилади табаррук зот Алишер Навоий эътибори ва олқишига сазовор бўлган, бутун Ҳирот аҳли эътирофига муяссарлик насиб этган – бу ноёб асар, бу жозибали куй қандай, қайси шаклларга алоқадор бўлган экан? Саволга жавоб топиш ниҳоятда мушкул бўлишига қарамай, уни қидириш, баҳоли-қудрат ҳал этиш, ҳеч бўлмаганда «калаванинг учи»ни аниқлаш – биз учун касбий қарз ва инсоний фарзидир.

Шу мақсадда, биз, аввало, Восифий кўрсатаётган мисраларнинг давоми, яъни Навоий шеърининг тўла матнини излаб, қатор нашрларга мурожаат этдик. Шулардан бири, Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1941-1945 й.) академик-адиб Ойбек ва Порсо Шамсиевлар томонидан тайёрланаган илк мумтоз адабиётимиз хрестоматияси⁸⁰ бўлиб, унда жами 14 мисрадан иборат шеърнинг шоҳбайтидан олдинги 9-12 мисралари тушириб қолдирилган. Фақат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан чоп этилган янги нашрлардагина, «Ҳазойин ул-маоний» мажмуининг иккинчи қисми «Наводир уш-шабоб» таркибига кирувчи мазкур шеър тўла-тўқислигича қўлимизга тегди:

*Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур,
майхораю бебок,
Ким ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.
Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор
мен кофири ишқи,*

⁸⁰ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. VIII – XV асрлар. I том. Ойбек ва Порсо Шамсиев таҳрири остида. – Т., 1941. 247-248 бетлар. Бу ҳамда кейинги нашрларда Навоийнинг мазкур шеъри қисқартирилиши ёки умуман нашр этилмай келинганлигининг сабабларидан бири – илк мисраси «Дин»дан бошланиб, «мух» ва «майга ўтиб кетишида эмасмикин?

*Ҳам юзи мажус ўти киби шуъла физодур,
мен ўртанибон пок.*

*Ул чеҳра фуруғи тушубон зор танимға,
бу навъ қўярким,*

*Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур,
ўт ичида хошок.*

*Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,
ул журъайи майким,*

*Тегмиш анга майгун лаби, жонимға даводур,
не захру, не таръёк.*

*Бу навъки, айлар майи васли ҳавасидин,
маҳмур бўлибмен,*

*Мушкилки ёзилғай бу хуморики менгодур,
соғар бўлуб афлок.*

*Сойил мени мақсудим эрур накди висолинг,
бухл айлама жоно,*

*Ким, борча мазоҳибдаки, ишқ аҳли ародур,
мазмум эрур имсок.*

*Ҳажрингда юзи сорғорибон дам ура олмас,
бечора Навоий,*

*Гуёки хазон фаслида бебаргу наводур,
ул булбули ғамнок.*

Мазкур матннинг шеърий рукн (турок)лари вазни – ж а н р и, яъни мустазод (шунингдек, мухаммас ва уларга ўхшаш)лар муסיқада ҳам бевосита номдош асарларда ўз инъикосини топганлигига таяниб, энг муҳими, шўролар даврида – айнан шу тарздаги ўзбек муסיқа мероси намуналари – сунъий равишда «советлаштирилиб», XX аср шоирлари шеърлари билан ижро этилганлигини инобатга олган ҳолда, биз қуйидаги кузатувларга келдик.

Биринчидан, – «Мустазод» (баъзан нотўғри «Мустаҳзод» деб юритилувчи) номи билан бизга-

ча етиб келган асарлар – мумтоз, авваламбор, мақом ҳамда мақомнамо мерос намуналарида учрайди. Хусусан, Бухоро Шашмақоми таркибида – «Мустазоди Рок» (Бузрук мақоми шўъбаси), «Мустазоди Наво» (Наво мақоми шўъбаси) ва «Мустазоди Сегоҳ» (Сегоҳ мақоми шўъбаси), Хоразм мақомлари таркибида – «Талқини Мустазоди Наво» (Наво мақоми манзум йўли) шулардандир. Иккинчидан, халқимиз орасида кенг тарқалиб кетган «Мустазод»ларнинг ашула ва чолғу (сурнай) йўллари ҳам мазкур асарлар мажмуига оҳангдош, усулдош ва шаклдош кўринади. Буларнинг айримлари вақти-вақти билан муайян бастакор (бизнинг давримизда марҳум Муҳаммаджон Мирзаев каби)лар яратган мусиқий н а з и р л а р туфайли «янги нафас олиб», янада оммавийлаша борган.

Назаримизда, Зайниддин Восифий, ўз замондошлари Навоий ва Абдуллоҳ Марворидларга нисбатлаб (бироз муболаға билан бўлса-да!) таърифлаётган асар – ана шундай «Мустазод»лардан бўлса, ажаб эмас!? Зеро, XX асргача «Бадоеъ ул-вақоеъ» каби манбалар маълумотлари ва уларнинг асрдан-асрга бадиийлашиб келган инъикослари орқалигина «сақланиб», ҳануз мусикашунослар эътиборига муяссар бўлмаётган ўнлаб, баъзан юзлаб (!) ўтмиш асарлари қўлёзма (ёинки ҳозирда китоб)лар саҳифаларидан илмий тадқиқотлар м а н б а и г а айланадиган бирламчи намуналардан бири ҳам – «Мустазод»дир.

Маълумки, XX аср (ва балки ундан ҳам кенгроқ давр мобайнида) ўзбек ижрочилик санъатининг бадиий е т у к мисоллари сирасида – айнан «Мустазод»га алоҳида ўрин ажратилган. Айниқса, 1940-йиллар охиридан бошлаб, бу асар бетакрор ҳофиз Маъмуржон Узоқов (1904-1963) талқинида наинки Ўзбекистон, балки қатор хориж халқлар доирасига ҳам сингиб кетган.

Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек мусиқа меросининг бир неча асрлар муқаддам шакл-

ланган қатламлари таркибида бизгача етиб келган «Мустазод»лар мажмуидаги ўтмиш оҳанглари 40-йиллар пироварди, 1950 йиллар бошида... айни шу даврда яшаган шоирларнинг шеърлари билан ижро этилиши одат тусини олади. Шу боис машҳур ҳофизимиз репертуари бастакор М.Мирзаев томонидан тўлдирилган экан, Фурқат ғазалига айтиладиган «Ёр истаб» ва шу тоифадаги асарлар билан кетма-кет (микротуркум)ланиб, Чокарий (созанда Матюсуф Харратов, 1889-1952) шеърига «мослаштирилган» экан.⁸¹

Бизнинг аниқлашларимиз шуни кўрсатмоқдаки, айнан Чокарийнинг отаси мақомдон созанда Матёқуб Харратов (1867-1939) ва Хоразм мусиқий анъаналари билимдони мақомдон хонанда Матпано ота Худойбергано (1888-1960)лар фикрига кўра бу воҳанинг ўзида «Мустазод» аср бошларида мумтоз ўзбек шоири, Навоий замондоши Гадоий (1403/04 – XV аср охири) ғазали⁸² билан ижро этилган. Демак, XV аср шоирларининг шеърларига куйланиб келинган «Мустазод» (ва афсуски, ўнлаб шу каби бошқа классик мусиқий меросимиз намуналари қатори), собиқ Шўро мафкурасига маъқул келмай иттифоқо «янги замон»дагина тўқилган матнлар ила татбиқ этилганлигига шубҳа қолмади....

Мазкур хронологик ва мантиқий номуносивликларни инобатга олган ҳолда, биз жами 10 га яқин «Мустазод»ларнинг куйларига Алишер Навоийнинг топилган шеърини матнлаб кўрдик. Ҳар иккала йўналишдаги бадиий ифода воситалари орасида мазмуний ва ғоявий муштараклик, соф мусиқийлик нуқтаи назаридан Навоий сўзларига монанд куйда оҳангдошлик, асар ритмикасида усулдошлик аломатларини аллома замондошимиз – академик Юнус Ража-


⁸¹ К.Олимбоева, Т.Йўлдошбоева, М.Аҳмедов, Т.Мирзаев. Ўзбекистон халқ созандалари. II китоб. – Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1974; Султонали Маннопов. Кўшиқ олами юлдузлари. – «Фарғона» нашриёти, 1996.

⁸² М.Юсупов. Устозларни эслаб. Хоразм мақомлари ва мақомдонлари ҳақида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти (нашрда).

бий нотага олгану ф а р (6/8) ўлчовидаги «Мустазод»⁸³ ва Матниёз Юсупов нотага олган худди шу усулдаги «Мустазод»⁸⁴ да мавжудлиги, с е м а н т и к жиҳатдан ўзаро ниҳоятда бири-бирига уйғунлиги аён бўлди. Қуйида булардан биринчисини, яъни Зайниддин Восифий рисоласида дастлабки байти билан кўрсатилган ва бизнингча, Алишер Навоий шеърига айнан мосини келтирмоқдамиз:

МУСТАЗОД


Тўхтасин Гофурбеков фаразияси

Алишер Навоий (1441-1501) шеъри
Хўжа Абдулла Марварид мусикаси

Дин



о - фа-ти бир муг-ба-ча-ни мок ли-ко-дур (а) май - хо-ра-ни бе - бок



Ким иш - ки-дин о - нинг ва-та-ним дайр фа-но-дур



(а) сар - мас-ту я-ком чок



Хам тур-ра-си-нинг



⁸³ Ўзбек халқ мусикаси. Тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. Том 4. – Тошкент: Ўзбекистон ДБАН, 1958. 52-56 бетлар.

⁸⁴ Ўзбек халқ мусикаси. Тўпловчи ва нотага олувчи М.Юсупов. Том 7. – Тошкент: Ўзбекистон ДБАН, 1960. 185-188 бетлар.



(а) сар - мас-ту я-ком чок



Хам тур-ра-си-нинг



ду-ди-ва-раъ бе-ли-га зун - нор мен ко-фи-ри иш - ки Хам ю-зи ма-жус




ў - ти ки-би шуъ-ла фи-зо - дур мен ўр - та-ни-бон пок




(О - - о - - воё)




Ул чех-ра фу-ру - ги ту-шу-бо



зор та-ним-га (а) бу навъ-и кў-яр - ким Хар ким-са а-ни кўр-ди со-ғи




ди-ки, ё-на - ду ўт и - чи-да хо - шок





(О - - о - - воё)





Хай-вон су-йи жо - ним-ни о-лур лаъ-ли-дин ай - ру, ул


97

 журь-а-и май - ким, Тег-миш ан-га май - гун ла-би, жо - ним-га да-во - дур, не


103

 зах - ру не тарь - ек.


109

 Бу навъ-ки ай-лар ма-йи вас-ли ха-ва-си-дин (а) ма


115

 мур бў-либ-мен, Муш-кил-ки ё-зил - гай бу ху-мо - ри-ки мен-го - дур со


121

 -гар бў-либ аф - лок

127

 3
 (O)

133

 о - воё) Со-

140

 йил ме-ну мак - су-дим э-рур нақ-ди ви-со - линг, бухл ай-ла-ма жо - но, Ким,

146

 бор-ча ма-зо - хиб-да-ки ишк аҳ-ли а-ро - дур маз - мум э-рур им - сок

152

 Хаж

158

 ринг-да ю-зи сар-го-ри-бон дам у-ра ол - мас, бе - чо - ра На-во - ий, Гў-

164

 ё - ки ха - зон фас - ли - да бе - бар - гу на - во -

167

 дур, ул бул - бу-ли ғам - нок.

Табиийки, мазкур гипотеза (илмий тахмин, фаразия) мизни а м а л и й тарзда мустаҳкамлашга интилдик ва бу мақсадда гипотетик тикланган асарни турли авлод вакилларига мансуб хонанда ва созандаларга намоиш этдик. Бунда, айниқса, атоқли ҳофиз ва бастакор Фатоххон Мамадалиев (1923–1999) фикрлари ўта қимматли, ниҳоятда ўринли бўлди. Зеро марҳум хассос хонанда - санъаткор ўз ҳаётининг сўнги, хусусан, Тошкент давлат консерваториясининг «Анъанавий ижрочилик» кафедрасида профессорлик мавқеида самарали ишлаган йилларини айна ўтмиш асарларини тиклаш, жоиз бўлса, айримларни и ж о д и й т а ь м и р - л а ш, «Мискин I-IV», «Ушшоқ», «Муножот I-V», «Насруллои I-IV» каби янгича кейгайтирилган туркумлар яратишга баҳшида этган эди.

Дастлаб, Ф.Мамадалиевнинг ўзлари, сўнгра Эркин Рўзматов (Халқаро мусиқашунослик симпозиуми, 1987), Машраб Эрматов сингари шогирдлари, 1990 йиллардан бошлаб, Тожикистон халқ артисти, хонанда-бастакор Жўрабек Набиевлар, биз таклиф қилган «Мустазод»ни талқин этишиб, маъқуллашди. Хуллас, мусиқа тарихимизга доир энг мураккаб муаммолардан бири, не-не суронли даврлардан омон-эсон ўтиб, касбий, демакки м и л л и й, маънавий о з у қ а сифа-

тида бизга насиб этган ўнлаб эмас, балки юзлаб, ҳатто минглаб тенгги йўқ асарлар хронологиясини ойдинлаштириш йўлларини қидирар эканмиз, бизнинг кейинги 10-15 йиллик тажрибамиз шулардан бирига айланса, ажаб эмас!

Зайниддин Восифийнинг Хожа Абдуллоҳ Марворид ҳақидаги маълумотлари «Бадоеъ ул-вақоеъ»нинг бошқа саҳифаларида ҳам кам эмас. Баъзан муаллифнинг фикри, ижодий баҳоси ва умуман муносабати – у ёки бу хонанда, созанда, бастакор маҳорати мезонланишида калитомуз мавқеъга эга: «Султон Ҳусайн Мирзо замонидан Мирза Байрам деган бир хушқомат йигит бўларди... Қонунни қонун бўйича шундай чолар эдики... Хожа Абдуллоҳ Марворид доимо унинг қўлини олиб ўпар ва кўзига суриб, бу йигит истеъдодига тенг келадиган одамни учратмаганман, тасаввур ҳам қила олмайман, дерди».⁸⁵

Айрим ижодкорларнинг асарларига доир ҳукм чиқаришда эса, муаллиф вақти-вақти билан – кўпчилик, омма фикрига ҳам таянгандек кўринади: «Мир шонатарош деган машҳур рофизий бўларди. Саҳобалар лаънатига атаб Ироқ оҳанги [пардаси, лади бўлса керак – Т.Ғ.]да куй басталаган эди. Мингга (!) яқин киши тўпланиб, шу куйни куйлаганича Хиёбон боши томон кетарди».⁸⁶

Ниҳоят, Зайниддин Восифий китобида бизнинг давр учун ҳам хануз долзаб бўлиб қолаётган муаммолардан бири борасида тўхталмоқчимиз. Бу – диний ва умуман мусулмонча маросимларда мусиқанинг ўрни ҳақида. Сир эмас, узоқ ва яқин тарихнинг турли паллаларида мазкур масалага бири-биридан ўлароқ истисноланувчи фикрлар, муносабатлар ўртага ташланмоқдаки, бундан беш аср аввалги ҳолату удумлар қизиқиш уйғотиши табиий. «Ҳазрат Довуд пайғамбардан кейин ҳеч ким Ҳофиз Басирдек хо-

⁸⁵ Зайниддин Махмуд Восифий. Баъдоеъ ул-вақоеъ... 147-бет.

⁸⁶ Ушу манба... 149-бет.

нандалик қилолмас экан, – деб ёзади Восифий. Нақл қилишларича, Хожа Товус Девоннинг таъзияси куни... Ҳофиз Басирдан ашула айтишни илтимос қилганлар. Ҳофиз, Хожу Кирмонийнинг «Вафоти беҳбувад онро, ки дар вафои ту навбад» [«Сенга вафо қилмаганларнинг ўлгани беҳроқ» – Т.Ғ.] деб бошланадиган ғазалини бошлаб, қуйидаги байтга етган:

*Ғамингда куймаган дилни ўтга ташлайман,
Сен учун ёнмаган жоннинг қулини кўкка созураман.*

[Шунда] айвон кунжидан бир мусича парвоз қилиб, ўзини ҳофизнинг қўйнига ташлаган ва жон берган»...⁸⁷ дея хулоса келтирилади.

Якуний фикр қилиб айтиш мумкинки, теран бадий-илмий тафаккур соҳиби ва зукко кузатув қобилиятига эга бўлган Зайниддин Восифий қаламига мансуб ёндашилган манба, наинки Алишер Навоий ва Хожа Абдуллоҳ Марворид, Хожу Кирмоний ва Ҳофиз Басирларнинггина айрим асарлари, балки ўнлаб ўзга бастакорлар, хонанда ва созандалар фаолияти билан қизиқувчилар учун ўта қимматлидир.

Энди XV асрнинг энг эътиборли бастакорларидан бири, ниҳоятда серқирра ижодий тафаккур соҳиби Паҳлавон Муҳаммад(1493–й. вафот этган)нинг мусиқа соҳасидаги фаолиятига доир Навоийнинг бевосита кузатувлари кесими, хусусан, «Мажолис ун-нафоис» ва «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»даги таърифларига мурожаат этамиз.

Маълумки, эндигина илк мучалидан ўтган Алишер, отадан етим қолганида, айни Паҳлавон Муҳаммад уни зотан отадек ўз паноҳига олади... Шу боис жами 40 йилдан зиёдроқ давр мобайнида давом этган чин дўстона муносабатлар – мазкур икки асардаги Навоий таҳлиллари ва хулосаларида ўз инъикосини топган. Мана «Мажолис ун-нафоис»нинг тўртинчи мажлисини очиб берувчи мисралардан терма иқтибос:

⁸⁷ Уша манба... 11–12-бетлар.

«Аср фузалоси зикридаким... ул жумладин: Паҳлавон Муҳаммад Гўштигирким, кўб фазойил била орастадурким... мусиқий ва адвор илмида даврининг беназири-дур. Чун камолоти «азҳару мин аш-шамс» – (куёшдан порлоқ)дур, шарҳ, қилмоқ эҳтиёж эмас...».⁸⁸ Бундан кейинги фикрлар асосан шеъриятга бағишланиб, ўзаро мактублар таркибидаги рубоийлар, бир минг олтинга сазовор бўлган Паҳлавон Муҳаммаднинг матлаъси ва бошқа фазилатлари ҳақида, бу 1491 йилги саҳифа эди.

Орадан роппа-роса 2 йил ўтгач, Паҳлавон Муҳаммад фоний ҳаётини тарк этган 1493 йили Алишер Навоий унга атаб, «Холоти Паҳлавон Муҳаммад» номли махсус ҳаётнома ва ижоднома яратади.⁸⁹

Диққатга сазовор томони шундаки, қарийб ярим асрча давом этган кузатувлар ва мулоқотлар, мушоҳадалар ва таҳлиллар Навоий фикр-мулоҳазалари ниҳоятда пухта, таъкидлар эмас, балки атрофлича хулосалар, ўрни келганда Паҳлавон Муҳаммадга хос *бастакорлик қобилияти* хусусида, бой, умумлаштириш қамровлари кенг бўлиб, бу ижодкорнинг салафлари ҳамда замондошлари қобилиятидан қай даражада фарқланиши, айна *м у с т а қ и л* ижодий услуби устувор эканлигига оид юксак баҳоларга йўналтирилган. Бу фазилатлар сабабини асарнинг умумий, ижодий долзарбликка доир дастлабки кириш саҳифаларидаёқ сезиш мумкин: «Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулояммати таъби борча фунунга муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур – кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳловонни мусаллам тутар эрдилар».⁹⁰

Назаримизда, Паҳлавон Муҳаммаднинг ўта серқирра

⁸⁸ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис, – Т.: Фан, 1977. 114-бет.

⁸⁹ Эслатиб ўтмоқчимизки, буюк шоир ва иш кўзини билувчи давлат арбоби Навоий меросида яна бир шахсгина – у ҳам оталик, мураббийлик муруватини аямаган Саййид Хасан Ардашер (1488/1489 ваф. этган)гина «Холот...» мавқеига муяссар бўлган.

⁹⁰ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 90-бет.

фаолияти мажмуидан Алишер Навоий – *муסיқа соҳаси*, хусусан, бастакорлик ижодини бошқаларидан устувор кўради ва ўз китобини айнан шундан бошлайди: «Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни *савти* хўб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти марғуб... дилкаш *нақшлар* ва *амаллар* ва дилписанд *қавллар* ва ғазаллар *т а с н и ф* қ и л у р эрди ва хўб айтур эрди».⁹¹

Аҳамият беринг, атиги бир неча мисрадан иборат жумлада катта бир бастакорнинг наинки ижодий и м к о н и я т л а р и, яъни асарлари қамраб олган жанрлар ва шакллар доирасини белгилаб беради, балки Паҳлавон Муҳаммаднинг хонандалик маҳорати, нуфузли созандалик санъатига хос равон усули, куйлар талқинидаги узлуксизлик ва ҳатто ижро жараёни мобайнидаги сукунат(пауза)лари ҳам ёқимлилиги очилмоқда. Боз устига, ана шу абзац сўнгида Навоий мухтасаргина («эшитган хавос ва авом хушҳол бўлмоқда беихтиёр ва ўрганмақда беқарор эрдилар») қўшимча билан мазкур илмий-ижодий таҳлилларини бойитади, айна шу соҳалардаги мутахассислар, нафосат аҳли ва оддий халқ муносабатига таяниб, умумий мезонини чиқаради.

Кейинги яна бир ихчам, аммо маъновий ва мазмуний кўлами ниҳоятда кенг жумлада Алишер Навоийнинг бастакорликдагина эмас, балки умуман *б а д и и я т д а* – ҳозирги кунга қадар долзарблигини сақлаб келадиган муаммолардан бири, *м у с т а қ и л* ҳамда *т а қ л и д и й* ижод турлари кузатилади. Ўзининг «Хамса»си ва айрим бошқа асарларида, ҳар бир ижодкор учун *ҳ а ё т - м а м о т* бўлмиш *д и л е м м а н и* ижобий ҳал этган муаллиф, ҳатто асл дўсти ва мураббийси Паҳлавон Муҳаммаднинг ижодий жараёнини таҳлиллар экан, фақат адолат мавқеидан келиб чиқиб, ўз илмий мақсадини амалга оширади. Яъни Навоий

⁹¹ Ўша манба

фикрича: «Ул асрнинг бу фанда [айни ижодда – Т.Ғ.] мохирлари мисли: Устод Муҳаммад Хоразмий, ва Мавлоно Нуъмон ва Мавлоно Соҳиб Балҳий [у ҳақида юқоридаги таърифимизга қаранг – Т.Ғ.] ва Шайх Сафойи Самарқандий ва Хожа Юсуф Андижонийдек кишиларнинг *таснифоти* муқобаласида ишлар ясабдур; ва *нақиш* ва *сўфия* ва *амал* ва *қавл* ва *жир чорзарблар*дек ва чун ўзгаларнинг кўпидан ҳам хушгўйроқ ва ҳам хушхонэрмиш, ишларининг шуҳрати кўпроқ воқеъ бўлур эрмиш».⁹²

Демак, Паҳлавон Муҳаммад – бастакор сифатида, ана шу даврнинг санаб ўтилган мохир ижодкорлари андазаларини мукамал билганлиги, пухта ўзлаштирганлиги ва уларга муқобил асарлар ҳам яратганлигига қарамай, Навоий кузатувлари бўйича – ўзининггина йўли, ўзигагина хос ижодий услуби маъқулроқ бўлиб, булар унга ҳақиқий шуҳрат келтирган экан.

Яқунланиб, инсоният тарихига турли таърифлар билан битилаётган нотинч XX аср ва ўз поёнига етган сервоқеа милодий иккинчи мингйиллик, ҳар бир илм соҳиби қатори, мусиқашуносларда ҳам ҳануз турлича тарихий таҳлиллар, назарий ёндашувлар, эстетик мезонлашлар ҳамда дастлабки касбий хулосалар уйғотмоқда. Сабаб, айрим соҳалар ва авваламбор техник тараққиёт нуқтаи назаридан XX аср инсоният тарихига ана шу, жами 20 асрдан иборат икки мингйилликка татиғулик силжишларни юзага келтирган бўлса, бошқа соҳалар, хусусан маданият ва умуман маънавият бобларида бирмунча алғов-далғовликлар, нотарихий талқинлару, нотабiiй ўзгаришларга олиб келди.

Бевосита Ўзбекистон мусиқа маданияти, унинг асосий тамойиллари бўлмиш – махсус таълим тизими, ижрочилик санъати ва энг муҳими, ижодиёт соҳаларига мурожаат этсак – буларнинг бари си асрнинг қайси ўн йиллигида юзага келишидан қатъий

⁹² Ўша манба, ўша бет.

назар, аввало, Европа андазаларига мослаштирилиб, каттаю кичик шаҳарларимизда астойдил жорий этила бошланди. Агарда хронологик нуқтаи назардан янада аниқроқ ўлчасак, бу жараён анча аввал – XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни она заминимиз Россия томонидан босиб олиниши биланоқ бошланганлигига доир жуда кўп маълумотлар мавжуд. Айниқса, Тошкент, Қўқон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро каби бир вақтлари том маъно кашф этган маҳаллий маданият ўчоқларида асосан европача йўналишдаги оқимларга кенг йўл очиб берилди. Оқибатда, биргина Тошкентнинг ўзида икки аср оралиғида Рус Императори Мусиқа Жамияти (ИРМО) бўлими жорий (1884-йили, қиёс учун Киевда – 1863, Қозонда – 1864, Тбилисида – 1883, Одессада – 1884) этилиб, унинг «Лира» номли хор ижрочилиги (1898), «Мусиқа ва драма» (1907), «Симфоник ва камер мусиқа» (1908), «Вокал мусиқа» (1914) сингари бўлинмалари фаол иш бошлашади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси ва айна йилларда ташкил топган филармония (1913) жамияти, Тошкент рус опера театри (1918) бутун ташвиқот ва тарғиботчилик ҳаракатларини биргина йўналиш – ўз кучлари ёки гастролёрлар орқали намойиш этиб, рус ҳамда баъзан Ғарбий Европа композиторлари ижоди устуворлигини кўрсатишни ўзига мақсад қилиб олишади.

Боз устига, мазкур спектакль ва концертлар билан танишган айрим маҳаллий зиёлилар (Аҳмад Дониш, Зокиржон Фурқат, Муқимий, Ҳамза) ана шу изчил амалга оширилган жараённинг фаол иштирокчиларига айланиб қолишади, иттифоқо, ҳамду саноларга тўлиб тошган шеърий тақризлар эълон қилишади. Энг ачинарлиси, буларнинг самимий фикрлари, ҳақиқатан ҳурмат ила ёзган шеърий муносабатлари бир қатор рус муаллифлари томонидан ниҳоятда салбий баҳоланади, ҳатто ҳақоратлар (мас. Н.Остроумовнинг «машҳур» ҳисобланган «Сарты» китобидагидек)га очикдан-очик дучор бўлишади.

муסיқа илмидан ҳам хабардор кўринади. Айтайлик, Марказий Осиё ва бутун Шарқ бастакорлик ижоди карвонбошилари – Барбад Марвий, Абу Абдуллох Рўдакийларга нисбат берилиб, махсус муסיқа рисоаларида кетма-кет ёки бири-бирига узвий у л а н и б таърифланадиган «Рост» ва «Ушшоқ» мақом (парда, шунингдек, номдош куй, оҳанг)лари силсиласи Феруз шеърларида тез-тез учраб туради:

*Муғанниё, тузуб «Ушшоқи Рост» оҳангин,
Наво қил, айлабон оғоз ошиқона ҳадис.*

Яна бошқа бир шеърда:

*Гоҳ-гоҳ қўлумға олиб руд,
Тузубон ҳар дам ошиқона суруд.
Рост оҳанглик қилиб оғоз,
Бўлуб Ушшоқдек наво пардоз...⁹³*

Назаримда, юқорида келтирилган ва уларга ўхшаш «Гоҳи олиб қўлунга танбур, ўлуб навосоз, Ушшоқи бенавоға бердинг наво, муборак!» каби Феруз мисралари тубида ф а қ а т шеърий семантик бирикмаларгина эмас, балки мажозий, айрим ҳолларда эса т о м маънодаги муסיқий тушунчалар мавжудлигини инобатга олишимиз зарур. Зеро, бу теран битиклар ҳассос шоиргина бўлиб қолмай, қ а н о т д о ш касб – бастакорликдан тўла-тўкис бохабар ижодкор қаламига дахлдордир!

Ўз халқига шоҳу, санъатга фидойи бўлган Муҳаммад Раҳимхон Соний қарийб ярим аср (47 йил саккиз ой ҳамда 20 кун) хонлик қилган Хоразм воҳасида ўша давр учун я г о н а бир тарихий ҳужжат эълон қилганлиги яқиндагина маълум бўлди. Ҳижрий 1299-йилнинг жумодил аввали (милодий 1882-йил)да қабул қилинган «ФАРМОНИ ОЛИЙ»да қуйидаги ибратомуз фикрлар айтилган:

⁹³ Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 28, 121-бетлар.

«Бизким, Хоразм мамлакатининг Олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзочекдик. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки у[лар]ни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!»

Табиийки, мақом мулкани бунчалик ардоқлаган Муҳаммад Раҳимхон Соний ўзининг бастакорлик ижодида, аввало, мазкур мукамал жанрнинг маҳаллий, шу билан бирга, Бухоро ҳамда Фарғона ва Тошкент худудларида шаклланган анъаналари, жумладан, услубий йўналишларига изчил таянган, буни аксарият Хоразмлик хонанда ва созандалар қайд этишган. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм муסיқий тарихчаси» (илк нашри эски ўзбек тилида, Москва – 1925; янги нашри, Тошкент – 1998) китобида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг Шашмақомга боғлаган нағмалари ушбулардур:

1. Рост мақомина: «Муҳаммаси жадиди Феруз», «Мусаддаси жадиди Феруз».
2. Наво мақомина: «Сақили Феруз шоҳи», «Чор усули Феруз».
3. Дугоҳ мақомина: «Тўртинжи пешрави Феруз», «Сақили Феруз шоҳи».
4. Сегоҳ мақомина: «Сақили Феруз шоҳи», «Се усули Феруз шоҳи», «Чор усули Феруз».
5. Бузрук мақомина: «Муҳаммаси Феруз».
6. Ироқ мақомина: «Биринчи Муҳаммаси Феруз шоҳи», «Иккинчи Муҳаммаси Феруз шоҳи».
7. Панжгоҳ мақомина: «Сақили Феруз шоҳи» бўлуб, жами ўн уч нағма б оғ л а г а н д у р (ажратма, бизники – Т.Ғ.).⁹⁴

⁹⁴ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм муסיқий тарихчаси. – Тошкент: «Ёзувчи», 1998. 35-бет. Бадий муҳаррир ва нашрга тайёрловчи – санъатшунослик фанлари номзоди Ботир Матёкубов.

Ушбу гувоҳлик қай даражада аниқ, тарихан асосли эканлигини китоб муқаддимасидаги муаллифларнинг «Кўхна Урганч дўғрисидаги тарихий ҳикоят ва қарри мусиқийшунослардан олинган маълумотларимиз ҳамда ўзларимизнинг кўпдан буён йиғган шаҳодатимиз билан «Хоразм чизиглари»на суянилган»⁹⁵ дея таъкидлашлари янада ойдинлаштиради.

Боз устига, айна кузатилаётган даврда «Устоз-шогирд» тизими алоҳида бир ибратли риштани юзага келтириб, айна Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг устози Муҳаммадризо Огаҳий (1809-1874) ўз шогирдига – Феруз (ғолиб, бахтли-саодатли) тахаллусини танлаб беради, ҳатто унга бағишлаб, «Қасидаи насихат»ини яратади. Табиийки, Огаҳийга хос бадиий теранлик бир томондан, хоннинг бевосита мусиқий маслакдоши Паҳлавон Муҳаммадниёз (шоирлик тахаллуси – Комил, 1825-1899)нинг ижрочилик ва бастакорлик маҳорати иккинчи томондан ижобий самарасини бермай қўймади Мазкур китоб муаллифлари таъкидлаганидек, Муҳаммад Раҳимхон аввал (биринчи) замони (1806-1825)да камолот чўққисига кўтарилган Ниёзжон Хўжа «Хоразмда маълум бўлиб юрган нағмаларни ўз ҳамкасблари қадар билур эди. Ўзининг шунчалик иқтидорина қаноат қилмасдан шавқи ва истеъдодидан Бухорога кетган... танбур бирла Шашмақом нағмаларини ўрганадур. Хоразмга қайтгани бирла... танбур нағмаларини ҳаваскор шогирдларина ўргатмакка бошлаган... Шашмақом нағмаларини Хоразмда интишор қилмоқнинг шарафи ҳам унга оиддур... Бузрук мақомига Сақил олдида бир нағма ҳам боғлаб, ўзини мусиқийдаги иқтидорини исбот қилғондур».⁹⁶

Ва яна бир кичик иқтибос: «Паҳлавонниёз Мирзабоши... усто Худойберган [XIX асрда яшаган машҳур танбурчи, дуторчи, «Сақили Мухркан» муаллифи – Т.Ғ.] адикчи-

⁹⁵ Ўша манба 6-бет.

⁹⁶ Ўша манба 27-бет.

дан Шашмақом нағмаларини ўрганиб... Рост мақомига «Мураббайи Комил» олдида бир нағма боғлагандур».⁹⁷

Демак, Муҳаммад Раҳимхон Соний (1844 – йили туғ.)нинг вояга етиш чоғлари ва ижодий камол топиш жараёни – Ниёзжон Хўжа, Худойберган Мухркан ва Паҳлавон Муҳаммадниёз Мирзабоши сингари забардаст бастакорларнинг муайян, биринчи навбатда, мақомот тизимларида Бухоро Шашмақоми анъаналаридан – Хоразм, аниқроғи Хива анъаналарига кўчиш, яъни локалаштириш бобидаги ибратомуз ижодий ёндашувлари палласига айна тўғри келади. Табиатан бадииятга ўта зукко бўлган Феруз тақдирининг бу инъомидан унумли ва самарали фойдаланади. Бинобарин, унга нисбатланувчи ўнлаб ашула (аввало «Феруз I ва «Феруз II») йўллари ҳануз аниқ далилланмай келаётган бўлса, юқоридаги китобчада санаб ўтилган 13 чолғу куйлар борасида ҳеч шубҳа қолмади ҳисоб. Қолаверса, буларнинг бариси – худди Ниёзжон Хўжа, Худойберган Мухркан ва унинг ўғли Матпано Худойберганов, Паҳлавон Муҳаммадниёз Мирзабоши ва унинг ўғли Муҳаммадрасул Мирзабошиларга нисбат берилаётган – айнан чолғу асарларга услубдош эканлиги ҳам ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Биз бевосита таҳлил учун Муҳаммад Раҳимхон Сонийга – деярли бир аср (ўтган XIX асрнинг охиригача чоригача – 1990-йиллар) мобайнида шакл-шубҳасиз нисбат берилиб, ҳатто кетма-кетига дастлаб, «танбур чизиги», сўнгра замонавий нота ёзувларида «мухрланиб» келаётган Хоразм мақомларидан Ростнинг чолғу (чертим) йўлларида «Муҳаммаси Феруз»ни танладик. Маълумки, бу асарни илк маротаба Паҳлавон Муҳаммадниёз Мирзабоши Комил XIX асрнинг сўнгги ўн йилликларида оддийгина – «Муҳаммас»⁹⁸ номи билан «танбур чизигида» (бал-

⁹⁷ Ўша манба 29-бет.

⁹⁸ Қаранг: Ўзбек халқ музыкаси. Тўпловчи ва нотага олувчи М.Юсупов. И.А.Ақбаров таҳрири остида. 6-том. – Т.: ЎзДБАН, 1958. Илова: Хоразм танбур чизиги. Р о с т. 530-536 бетлар.

ки унинг айрим сафарлари ҳамроҳи бўлган Ферузнинг муаллифлик ижросида(?) ёзиб олган. XX асрнинг 2-ярмида мазкур асар Илёс Акбаров, Виктор Беляев, Мухтор Ашрафий, Матниёз Юсуповларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли европача нота ёзувига кўчирила бошланган.

Булардан, биринчи олим таклиф ва татбиқ этган «Мухаммас»⁹⁹ ҳамда М.Юсупов ноталаштирган «Мухаммас II»¹⁰⁰, «Мухаммаси Феруз»¹⁰¹ куйидаги қ и ё с и й тадқиқимиз асосини ташкил этди.

Хоразм «танбур чизиғи» воситасида ёзиб қолдирилган «Мухаммас» Илёс Акбаров томонидан ҳижрий 1300 (милодий 1883) йили бевосита Мухаммад Раҳимхон Солийнинг сарой котиби Мухаммад Юсуфбек Бобожонбек – асл нусхадан кўчирган матндан замонавий нотацияга ўтирилганлиги сабаб, ўзга қўлёмалардан ишончлироқ кўринади. Боз устига, айнан шу матн, котибнинг сафдоши ва айни «танбур чизиғи» нусхаларини кўпайтиришда қатнашган¹⁰² атоқли мақомдан-созанда Худойберган Мухркан назаридан ҳам ўтган бўлса, ажаб эмас!

Аввало, асарнинг заминпардаси (олдинги истилоҳда – лади) ҳозирги нота ёзувидагилардан фарқли ўлароқ, мезоний танбур созининг «СОЛЬ-ДО-СОЛЬ» пардасига эмас, балки «РЕ-ЛЯ-РЕ» пардасига созланганлиги «Хоразм мусиқий тарихчаси»нинг «Мақомларнинг бошланиши ва битиши» бўлими (23-24 бетлар)да тушунтирилишини таъкидлаган ҳолда, биз асосий эътиборни «Мухаммаси Феруз»нинг таълифий (композицион) тузилиши, Рост мақоми таркибидаги ўзга чолғу ва ашула йўллари билан интонацион муносабатларига ажратамиз.

⁹⁹ Ўша манба 583-584 бетлар.

¹⁰⁰ Шу нашрнинг асосий қисми, 19-21 бетлар.

¹⁰¹ Хоразм мақомлари. Уч томлик. 1-том. Тўпловчи ва нотага олувчи Матниёз Юсупов. И.А.Акарбов таҳрири остида. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 53-56 бетлар.

¹⁰² «Хоразм мусиқий тарихчаси»нинг 14-бети бунни тасдиқлайди.

Бунинг учун аввалги амалиёт ва тажрибаларимиздан¹⁰³ келиб чиқиб, «танбур чизиғи»да ёзилган «Мухаммас»ни – М.Юсупов ноталаштирган «Мухаммас II» (1950-йиллар) ва «Мухаммаси Феруз» (1970-йиллар, нашри 1980-йил) билан остма-ост жойлаштириб, барисини қиёсан таққослаб таҳлиллашимиз мақсадга мувофиқдир:


The musical score is presented in three systems, each with a title and date:


- System 1:** Pahlavon, Muxammadiyoz Kotibi yozuvi, Muxammasi (1880-y.y.). It shows the first section, '1-sona', in bass clef.
- System 2:** Muxammasi II, Yusupov yozuvi, Muxammasi II (1950-y.y.). It shows the first section, '1-sona', in treble clef.
- System 3:** Muxammasi Feruz, Yusupov yozuvi, Muxammasi Feruz (1970-y.y.). It shows the first section, '1-sona', in treble clef.


Below these are three systems of notation for the second and third sections:


- System 4:** Bass clef notation for the second section, '2-sona - Bozgo'y'.
- System 5:** Treble clef notation for the second section, '2-sona - Bozgo'y', with a dynamic marking 'p'.
- System 6:** Treble clef notation for the third section, '3-sona - Bozgo'y'.


¹⁰³ Бизнинг «Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества» (1984) китобимиз қаралсин.


I 


II  2-xona


III 


I 


II 


III  2-xona


I  3-xona

II 

III 


I 


II  3-xona
f *mf*


III  Bozgo'y


I 

II  Bozgo'y

III  3-xona

I  4-xona


II 


III  Bozgo'y


I 

II  4-xona

III 

I  5-xona

II 

III  4-xona

I

II

III

f

mf

I

II

III

Bozgo'y

I

II

III

Bozgo'y

6-xona

5-xona

I

II

III

5-xona

I

II

III

7-xona

I

II

III

I

II

III

Bozgo'y

I

II

III

8-xona

Bozgo'y

6-xona

Бирламчи ижод этиш жараёнида танбур ижросига мўлжалланган мазкур асарлар, ўзларининг жуда кўп хусусиятлари туфайли, ҳеч шубҳасиз, бир м у а л л и ф – Муҳаммад Раҳимхон Сонийнинг бастакорлик тафаккури маҳсули эканлигига асос беради. Зеро, булар орасида у м у м и й л и к белгилари фарқланувчиларига нисбатан кенгроқ, изчилроқ кузатилади ва қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. Я г о н а парда, ҳозирги истилоҳда (айримгина истисноли) миксолидий товушлар тизилмаси.
2. Я г о н а доира усули.
3. Мақомларнинг барча ч о л ғ у йўллариға хос я г о н а анъанавий пешрав шакли.
4. Авваламбор ў з а р о, шу билан бирга, Хоразм, қисман Бухоро Рост мақомларининг ўзга ч о л ғ у йўллариға о ҳ а н г д о ш хоналар ва бозгуйнинг изчил баёни – р и в о ж л о в и.
5. Ниҳоят, ҳар учала кўринишдаги «Муҳаммас»ларда у с л у б и й жиҳатдан ўзаро я х л и т л и к хусусиятлари ҳам ягона муаллифга хос ижодий т а ф а к к у р инъикосидир.

Фарқланувчи белгиларга келсак, булар, назаримизда, марҳум хонанда-мақомшунос ва композитор М.Юсуповнинг «Муҳаммас II»ни дастлаб, ўз устози Матпано ота Худойберганов (1886-1960)

талкиндингина келиб чикиб, нотага туширганли-
 ги, «Мухаммаси Феруз»ни нотаташтиришда эса, ўзга
 мақомдонларнинг ижроларини ҳам инобатга олга-
 нидан – пайдо бўлган кўринишда, эро, киёсий нота
 мисоларимизда яккол кўзга ташланаётганидек,
 жўзый ўзгариплар – асосан яхлит бозўйлар «тан-
 бур ёзуви»да атиги битта бўлиб, у ҳам II хона ўрнида
 бифункционал вазифани ўтаса, «Мухаммас II»да боз-
 гуйлар сони 4 тага, «Мухаммаси Феруз»да эса 6 тага
 етказилган. Шунингдек, кейинги ёзувларда айрим
 хоналар тақор ва кисман ривожлантириш эвазига
 бирмунча кенгрок берилган. Аммо буларнинг бариси
 ўзгача кўринишдаги асарнинг таълифан, яъни компо-
 зицион тўзлигиши жихатидан бир-биридан жуда кат-
 та ўзгачашишга олиб келмайдн. Айталик, «танбур
 чизини»даги «Мухаммас»да бозўй камомати ундати
 жами 10 тага етказилган хоналар эвазига компанади,
 колган икки кўринишдаги «Мухаммас-II» «Мухаммаси
 Феруз»даги бозўйлар мўлтиги эса булардаги хоналар
 сони (тааллуқан) 5 ва 6 тадан ошмаганлиги туфайли
 мувозанатланади. Натижада, ўзгача асар бир хил – 2/4
 ўлчовида (мисолимиздаги каби) хажман хисобланса,
 куйидаги рақамлар келиб чиқади:

1. «Мухаммас» – 158 такт.

2. «Мухаммас-II» – 129 такт.

3. «Мухаммаси Феруз» – 174 такт.

Мухаммад Рахимхон Соий – Ферузга нисбатла-
 ниб келинаётган ушбу биргина асар тахлили шунди
 кўрсатадики, ўз вақтида муайян муаллиф томонидан
 беками-кўст, бадийий мукаммал ижод этилган куй-
 ларгина давр синовларидан омон-эсон ўтар экан. Бун-
 дай фазилят, авваллари ҳам алоҳида таъкидланганли-
 миздек¹⁰⁴, айниқса, оғзаки анъанада асрлар хукмидан
 ўтиб, бир эмас, бир неча аявлотларга мансуб касбий

¹⁰⁴ «Творческие ресурсы национальной музыки и их преломление в узбекской советской музыке» номли монографиямиз, сўнги даврга оид мақола таржимаси қаралисин.

санъат аҳли хотирасида б и р л а м ч и ш акл ва услубий
 етуқлигини сақлаб келаётган монодиязамин бастакор-
 лик ижодиётини тааллуққилдир!

Шундай экан, биргина Хоразм воҳасининг ўзида,
 тарасида ибратли асарлар қолдирган нанкин Мухаммад
 Рахимхон Соий, балки Рост мақомдаги «Мураб-
 бай Комил» муаллифи – Пахлавон Мухаммаднинг
 Мирзабоши, «Сақили Мирзо» муаллифи – унинг ўғли
 Мухаммад Расул Мирзабоши, «Сақили Мухркан» му-
 аллифи – Худойберган Мухркан, Бузрук мақомда
 ялт этиб янграётган – «Сақили Истомхоний», «Сақили
 Ниёзхўжа», «Сақили Султон», Дутоҳдаги – «Сақили
 Ишқулто» (аслида, «Сақили Ашқулто») сингари ўнлаб
 чолту ва ашула йўлларини бизга қолдирган юзлаб (!)
 бастакорлар ижодий меросини зукқолик билан бирма-
 бир ўрганилиши пайти келмадимкин? Алмакачон
 келган, албатта.

Худди шу – қузатиллаётган даврга, дастлаб
 Самарқанд воҳасида, кейинчалик эса буткул Яқин ва
 Ўрта Шарқ мамлакатларида танитган беназир хофиз-
 бастакор Хожки Абдулазиз Абдурасулов (1852-1936)
 нинг ижрочилик ва самарали ижодий фаолияти тўғри
 келди. Унинг XIX аср охири – XX аср билинчи ўттиз
 йиллигида ўзбек ва тожик бастакорлигига қўшган энг
 улкан хиссаси катор ноёб асарлари катори – бу соҳада
 илк ибрат сифатида ўзга Шарқ оханлари ва услу-
 лари бойлигидан унумли фойдаланганлигида намоён
 бўлади. Икки маротаба (1880 ва 1900-йиллар мобай-
 нида) – Афғонистон, Эрон, Хиндистон ва катор араб
 эллари орқали қўш хаж сафарлари чоғида маҳаллий
 халқлар мусикаси билан яқиндан танишади. Табиий-
 ки, у даврларда бир неча ойлаб давом этган табаррук
 саҳат, айниқса, ижодий тафаккур соҳиблари ўчун,
 ниҳоятда таассуротларга тула, киёсий мушоҳадаларга
 бой бўлган. Хожки Абдулазизнинг энг яқин шогирдла-

ридан Кори Сирож Юсупов (1900-1965) ўз хотирата-рида айнан шу хақида гапирган: «Хожидан бизнинг каторасига бир нечта қўшиқ айтилар, дугторда қуйлар чолдлар... Шунда мен: бу қуйларни, Сиз, бирор дав-рада бизга чолд бермаган эдингиз, улар бизнинг қуй-ларга ўхшамайдилар, – дедим. Хожидан: бир оз хаёл суриб... менга шундай тушунтирдилар: – Тўғри, бу қуй-ларни оқдин эшитмагансизлар. Бағдод қўчаларида, бо-зорда, растама-раста томоша қилиб юрганамда... қўзи ожиз бир тиланчи... қўшиқларини анча вақт ўтириб эшитдим. Эртаси қўшни ўнинг оқдига яна келдим ва менга ёқадиган қўшни чолд бершини сўрадим. У яна ва яна чолдиди. Хуллас, охири шу қўшни ёлғаб оқдим ва дугторга мослаб чола бошладим. Бошқа бирини бўлса, Мисрда эшитиб ўрганман. Шунинг учун уларнинг бирита «Тадойи» ва бошқа бирита «Мисрий» деб ном қўйдим».¹⁰⁵

Дерли хар бир инсоннинг бошидан кечадиган бундай хаётий воқеалар Хожидан Абдулазиздек мусика ижодиети фидойилари (ўнинг Европадаги замондошлари М.Мусоргский, К.Сен-Санс ёки К.Шимановский кабилар)ни ҳеч бифарқ қолдирмай келган. Балки, буларнинг хар бири шахсий тақдирнинг ўзига хос «инъомлари»дан деб тушунишиб, бундан ҳам самара-ли фойдаланишга интиганлар. Шу боис маққур икки асарнинг биринчиси Н.Миронов томонидан бевосита Хожидан Абдулазиз Абдураҳимовнинг ўзидан ёзилди, но-ташатирилганлигини¹⁰⁶ инобатга олак, «Тадойи» – беназир бастакорнинг қуйи бўлмаса-да, ўнинг инда-логина тахлими фойдалан холи эмас, деб ўйлаймиз:

¹⁰⁵ Маққур хотиралар М.Ахмедовнинг «Хожидан Абдулазиз Раҳимов» номли китобчаси (Т.: Ўқитувчи, 1974)дан олинди. 28-29 бетлар.
¹⁰⁶ Шу нашр иловаси, 94-95 бетлар.

«Тадойи»

Хожидан Абдулазиз
Абдураҳимов таълиқини

Con mesura

♩ = 72

Замонавий истилоҳ бўйича тармоник фа-минорда нотата туширилган маққур асар, очини, турпича хаёллар уйғотадилар. Биринчидан, – барча нашрларда «Хожидан Абдулазиз асаридан» деб кўрсатилган ў – табиятани чолд дугторлик, муаллифнинг ўзига бирор асаридан боғлиқлик, оҳангдошлиқ аломатларини топиш ниҳоятда муш-

кул. Иккинчидан, «Гадой» бу кўринишда ёки ижро-чи ё нотага олувчи томонидан ўз ниҳоясига етказил-май қолдирилган «тугалланмаган опус»дек туюлади. Айниқса, маълум мантиқий нуқтада (1-8 тактлар) му-айян маънонинг баёнидан сўнг, қандайдир «ҳар оҳангга йўрғалаш»лар бошланади.

Боз устига, кейинги (9-11, 18-21 тактларда-ги) оҳанг-жумлалари атрофидагилар билан узвий боғланмай қолгандек. Охириги лавҳаларда ҳам маълум «қовушмаслик» унсурлари анчагина...


Савол туғилади, қандай қилиб, бадиий жиҳатдан бунчалик номукамал асар, Ҳожи Абдулазиз Аб-дурасулловдек улкан ижодкорга ҳамон нисбатланиб келинмоқда?

Сабаби, бир томондан, яқин-яқинларгача ўша сох-та «интернационалик» гардишига Ҳожи Абдулазиз-дек халқ меҳри тушган санъаткорларни «жалб этиш» оқибати бўлса, иккинчи томондан, ана шу 1,5 минг йиллик қадриятимиз – бастакорликнинг қадрига ҳали ҳам ета олмаётганимизда, янада очикроқ айтсак, бу соҳага мусикашуносу фольклоршунос, таълими-миз тизимию нашриётларнинг л о қ а й д л и г и д а, деб ҳисоблаймиз. Шунга қарамай, куйнинг «иккинчи умри» ҳам мавжуд экан. Бизга маълум бўлишича «Гадой» куйи илк ўзбек операларидан «Лайли ва Мажнун» (премьераси 1940-йил, 18 июль)да Толибжон Содиқов томонидан важоҳатли Амирнинг лейтмавзуси сифа-тида танланиб, Р.Глиэрнинг ҳам фактуравий ишлови туфайли бирмунча «дахшатлантирилган». Иттиҳодан ҳар иккала композитор иқтибосланаётган куйнинг юқорида биз таъкидлаб ўтган семантик ноаниқ – ўрта қисмидан воз кечишганлиги ҳам диққатга сазовордир. Қизиғи шундаки, мазкур операга бағишланган қатор китоблар, ўнлаб мақолаларнинг бирортасида бу лейт-мавзу замири ҳақида бирор сўз айтилмаган, куйнинг номи ҳам тилга олинмаган!?


Тадқиқотларим




Қомуслар




Яқин ва Узоқ Шарқдаги нашрлар:



Тўнғич фарзандим ва илк ота-оналик туйғусини ҳис этмоқ бахти.



Шогирдарим Зоҳиджон Ёқубов ва Жаҳонгир Ёрқин билан.



Мен билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга тотган жонқуярим Холидаҳон билан.

Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг – ўзга халқлар мусиқа мероси, маданияти ва хусусан шеъриятига мурожати ҳақида, бизнинг фикримизча бевосита мисоллар тимсолида эмас, балки, юқорида таъкидлаганимиздек – етук ижодкорларга хос билвосита кўринишлардаги услубий умумлашмалар даражасида фикр юритиш ўринлидир. Ана шундай хулосаларга омил бўла оладиган асарлардан бири – бастакоримизга нисбатланиб, ниҳоятда оммавийлашган «Қурбон ўлам»дир. Машҳур озар шоири Муҳаммад Сулаймон Фузулий (1498-1556) нинг Она заминимизда кенг ёйилган, шўхгина мазмунли шеъри унга асос бўлган ва ўйноқи мисралар – тааллуқли усулу охангни кашф этган:


Илк байт:

*Гал гал, эй моҳлиқо, ҳуснингга қурбон ўлам,
Халқаи зулфи паришонинга қурбон ўлам.
Чашими масту, лаби ҳандонингга қурбон ўлам,
Офтоби руҳи тобонингга қурбон ўлам,
Қадди-шамшоди хиромонингга қурбон ўлам.*

Шоҳ байт:

*Алларинг панжайи хуришд, белинг мурча миён,
Кўйлак ичра баданинг тоф эрур, оби равон.
Раҳм қил, гал мани оғушима, эй офатижон,
Қадди-бастингга тасаддуқ, бу Фузулий, қила жон,
Қадди-наврастаи ларзонинга қурбон ўлам.*

Бетақрор бир ҳазина тарзида бевосита Ҳожи Абдулазизнинг ўзлари талқинида 1909-1935 (!) йиллар мобайнида фоновалик ва грампластинкаларга ёзиб олиниб, бизгача етиб келган жами 20 дан зиёд асарлар орасида, афсуски «Қурбон ўлам»ни учратмадик. Бироқ, ижодкорнинг қизлари Муқаддам опа билан I - Халқаро мусиқашунослик симпозиуми (1978) чоғидаги суҳбат, содиқ шоғирдларидан – бастакор Набижон Ҳасановнинг хотиралари шуни



*Фазилатдир Одамий эрмоқ,
Насиб этсин ҳар мусулмонга.
Бор умрингни илмга бермоқ
Одамийлик эрур инсонга.*

"Назмларим"дан

аёнлаштирмоқдаки, мазкур асарни аввало муаллифнинг ўзи ниҳоятда қочиримларга тўлдириб, ўзигагина хос юқори регистрларда ижро этар экан. Балки шу боис, кейинги авлод ижрочиларидан ҳассос ҳофиз ва устоз Ориф ҳожи Алимаҳсумов ҳамда унинг шоғирдларидан Раҳматжон Қурбонов, Машраб Эрматовлар – айна Ҳожи Абдулазиз услубига таянишмоқда. Лекин Исҳоқ Катаев, Изро Малаковлар ва буларнинг ҳозирги тақлидчилари «Қурбон ўлам»нинг куй муаллифи услубига эмас, балки... шеър муаллифининг келиб чиқишига урғу бериб, асар ижросини чегарасиз озарлаштириш, айрим мисралар мазмунини андишасизлаштиришга ўтиб кетишди. Натижада, машҳур бастакоримизнинг ижодий йўналишларини, ижрочилик эътимод ва эътиқодлари бир чеккада қолиб, ғирт озарбайжон хонандаларига аралаш-қуралаш тақлидлар ҳамда шарм-ҳаёсиз «шеърый топилма»лар кетма-кетига пайдо бўлмоқда. Бу эса наинки табаррук Ҳождарга ижодкор номига доғ тушириш, балки б у т к у л бастакорлигимиз томирларига болта уришдир, буюк шоир шаънига ва унинг меросига бўлган халқимиз меҳрига иснод келтиришдир.

Маълумки, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ўзининг ижрочилик фаолиятида, ҳатто мақом йўллари талқинида, бу жараёнда анъанавий ҳисобланган танбур билан бир қаторда, дутордан кенг фойдаланиб келган. Ушбу янгилик туфайли, у ўз салафлари ҳамда замондошларидан ажралиб турганки, бунинг самараси тез орада и ж о д и й и з л а н и ш л а р и г а ижобий таъсир кўрсата бошлади. Хусусан, бизнингча, унинг ижрочилик санъати ва бастакорлик ижодиётига хос етук б а д и и й савиядаги у с л у б и й э р к и н л и к айна таҳлилланаётган асарлар – «Қурбон ўлам», «Бозургоний», «Бебокча» ва айниқса, «Самарқанд Ушшоғи I», «Самарқанд Ушшоғи II»ларга тааллуқлидир.

Булардан, «Бозургоний» ҳақида ҳозирги кунга қадар энг кўп мулоҳазали, ҳатто бир-бирини истисно этувчи фикрлар билдирилиб келинмоқда. Мана, улардан айримлари:

«Бозургоний. Хоразм халқ куйлари асосида самарқандлик машҳур халқ ҳофизини Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов томонидан қайта ишланган».¹⁰⁷

«Бозургоний» – мақом услубида яратилган Уфар доира усулида ижро этиладиган машҳур ашула йўллари билан бири. Ҳожи Абдулазиз қайта ишлаган ва авжига Зебо парини киритган».¹⁰⁸

«Хоразм дostonларининг мусиқий хусусиятлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя этган созанда-мусиқашунос Б.Матёкубов – шу тадқиқоти, айрим мақолаларида мазкур жанр анъаналари билан бевосита боғлиқ бастакорлик ижодиёти масалаларига ҳам ёндашиб, жумладан, «Бозургоний» ва «Гулузорим» ашулаларида Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов «Найларман», «Нолиш», «Илғор» ва «Ширвоний» каби дoston куйлардан фойдаланганлигини таъкидлайди.¹⁰⁹

Ниҳоят, каминанинг бундан қарийб чорак аср муқаддам эълон қилган тадқиқотлари¹¹⁰ ва маърузаларида¹¹¹ ҳам айна Ҳожи Абдулазиз ижодий мероси замонавий мусиқашунослик қамровида таҳлилланиб, «Бозургоний» ва бошқа асарлари илк бор таснифланган эди. Табиийки, ўтган давр мобайнида кузатувларимиз бирмунча кенгайиб, аввалги фикрларга қўшимча тарзда, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов асарларини ш а р т л и равишда дутор ёки танбур воситасида яратилган тур-

¹⁰⁷ Ўзбек халқ музикаси. Тўпловчи ва нотага олувчи Ю.Ражабий. И.А.Ақбаров таҳрири остида. – Т.: Ўздавнашр, 1955. 498-бет.

¹⁰⁸ Исҳоқ Ражабов. Шарк мусика атамаларининг қисқача лугати. Қўлёзма. Т.Ғофурбеков ва Р.Юнусов махсус таҳририда. 28-бет (нашрда).

¹⁰⁹ Матёкубов Ботир. Хоразм дostonларининг мусиқий хусусиятлари. 17.00.02 мутахассислиги бўйича санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олишга даъвогар диссертация. Т., 1996. Қўлёзма. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонаси.

¹¹⁰ «О фольклорных истоках узбекского профессионального музыкального творчества» (Л., 1977.) номзодлик диссертациямиз ва унинг асосидаги рисола (Т.: 1984), мусиқашуносларнинг II Халқаро симпозиуми(1983)даги маърузамиз (нашри: Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность – М.: 1987). Стр.102-106.

¹¹¹ Шу манба, 104-бет.

ларга ажратиб, буларда у ёки бу соз омижкорлиги, ўзигагина хос куй баёни, ўни ривожлантириш йўллари муайянлиги, яъни «дўторий», «танбўрий» илхомбахш йўналишлари ҳам мавжуд деган хулосага келидик.

«Бозурғоний»нинг илк оханг-жумласини эслайлик. Унда «ёр-ёр»ларимизга ўсулдош, лекин 3/4 ўлчовидати уфар ўсули жўрлугидати аини д у т о р садолари, шу созга хос *нурраг* безаклари янтраётгандек туюлади:

M.M. ♩=120-126



Энди асар заминидати (ва Хожий Абдулазиз меросининг айрим мисраларига эътиборимизни қаратайлик. Да ниҳоятда камдан-кам ўчрайдиган) – халқ шери-

Бот баит:

Мени бекардорлар айлаган,
Немай, ул нари қуз қошдур,
Юрагимга ишқ, ўтин жойлаган
Анинг маҳфуёна қарошдур.

Қасбий баит:


Мендек жамолу наволарар,
Қушдур фотон ила ногалар,
Демакми шафак фалак аёжидар,
Анинг ҳасратидар хиротшдур.

Шоҳ баит:

Эмас ул баҳорга маъж сел –
Қу бу ошқ ахтинн *ешдур*.¹¹²

Жами 6 байтдан иборат халқ битикларининг ўзидан жуда гераан маъно, ўчинчи (биз шартли равишда – қас-

илхомини бўрган кўринлади. Шу боис дёрми хар бир шерий мисралати шўх-шатирли фикрдан сўнл – жонингдан, ўргиламано, ох ёрей, айтаманан, нозанинаме каби эрқалатувчан сўзлар билан куйланандиган оханлар сингдирилиб борилади:



Ниҳоят, «Бозурғоний»да дўтор сози хусусиятлари ва бундан келиб чиқаётган хуш кайфиятги семантик

ришталар¹¹⁴ юзата келишининг сабабларидан бири, хақиқатан ҳам, Хоразм достонлари бўлса-да, бизнинг фикримизча, бу боқий асар яратилши жараёнига кўпроқ Хоразмда шаклланган достончилик, аввалам-бор – ижрочилик анъаналари ўз таъсирини кўрсатган. Эеро, Ўзбекистоннинг шу воҳасида халқий эпик достонлар – халқ орасида кенг тарқалган дўтор ва доира жўрлугида тақин этиб келинган.

Бундай анъананинг сўнги моҳир усталари-дан бири Бола баши (Курбонназар Абдуллаев, 1899-1993)нинг Хива анжумани концерларида чиқиши (1980 йил, доирачи ўгли Етмишбой билан) ни бевосита тинглаш ва суҳбатларнинг мазмуниндан шу нарса ойдинлашдики, айнан шу маҳаллий «дўэт» (дўтор + доира) таркибидати жўрнавотлик

¹¹³Беназир Абдулла Қолдирининг бетақор «Ўтган кўнлар»идати: «Дўтор ёнига чилпирманнинг чертмати келиб қўшилгандан кейин баъз тагин ҳам жонланди» дег ёзишита тасанноларига дейиш ўринли.
¹¹⁴Назаридати, айни шу йўсиндати мазмун доираси композитор Сайфи Жалилни – илк «Самарқанднома» (1977) симфониясининг III Хотима қисмида «Бозурғоний»дан кенг микёсда фойдаланишга ундаган.

Хоразм дostonчилигининг энг қ а д и м г и қатламларига бориб тақалар экан.

Биз таъкидлаб ўтган қатор эркинликлар билан бирга, «Бозургоний» – Ҳожи Абдулазизнинг аксарият асарлари каби, маълум қ а т ъ и й қонунлар, у с л у б и й изчилликларга таянган ҳолда яратилган. Шулардан бири, шеърий матннинг ҳар бир байтидаги сўнги, ўзаро қофияланувчи «қарошидур», «талашадур», «хи-рошидур», «қуёшидур», «тошидур» ва ниҳоят, «ёши-дур» сўзларининг бир хил мусиқий жумла воситасида ифодаланишида намоён бўлади:



Бу жумла, хусусан, унинг беўзгарув биринчи ярми – бутун асарнинг бош жумласидан ўсиб чиққан бўлиб, «Бозургоний»даги шеър бандлари билан боғлиқ барча парчалар ва умумий шаклга алоҳида тугаллик, я х л и т л и к бахш этади.

Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг серқирра ижодий т а ф а к к у р и қамровидаги энг м у с т а қ и л ва бадиий е т у к асарлардан бири, шубҳасиз, «Гул у з о р и м» дир.¹¹⁵ Алишер Навоий назмий мулкнинг энг таъсирчан, шаклан мукамал – м у с т а қ и л мухаммасни ташкил этувчи мисраларига яратилган бу ашула, ҳар бир ҳофиз маҳоратини касбий синовдан ўтказувчи бастакорлик ижодиёти намунасига айланган. Шу боис унинг «ижрочи»лари кўп-ку, ҳаққоний талқинчилари санокли, булардан сўнггиси Ортиқхўжа Имомхўжаев (1905-1996) эди.

Сабаби «Гулүзорим» бир томондан алоҳида сеҳрли, фусункор янграб, ижроси осонгина туюлса, иккинчи томон-

¹¹⁵ Ўзбек халқ музыкаси. II том, 315-320-бетлар.

дан, бошқа шу тоифадаги (айтайлик, «Бозургоний» сингари) асарлардек – амалий ўзлаштирилиши, ўрганилишидан тортиб – то тингловчилар ҳукмига олиб чиққунга қадар бошдан кечириладиган мураккаб ва машаққатли жараёни ташкил этади. Зеро, ашула заминидаги Фарғонанинг асл ч о л ғ у йўлларида «Э ш в о й»¹¹⁶ – қай даражада шаклан ва ҳажман кўлами кенглиги катта қийинчиликлар туғдирса, боз устига, мақомдон – олим Исҳоқ Ражабов нисбат берган¹¹⁷ Рост мақомидаги «Савти Ушшоқ» оҳанглари билан пайвандлаш ҳамда *Турк авжини* улаб кетиш бениҳоят мушкулдир. Қарангки, б и р г и н а асар яратилишида, Ҳожи Абдулазиз не-не мерос қатламларини, не-не шакл ва услубларни уйғунлаштирар экан!

«Эшвой» ва «Гулүзорим» иккаласи ҳам бир ўлчов – 3/4, бир хил у ф а р усулида, бир шахс, Юнус Ражабий томонидан ноталаштирилганлигини инобатга олиб, аввало буларнинг у м у м и й ҳажмини таққосласак, биринчиси – 307 тактдан, иккинчиси – 231 тактдан иборатлигини кўраимиз.

Албатта такт чизиғи, буларнинг жами сони оғзаки анъанада етиб келган асарлар ҳажмини тўла-тўқис ва қатъиян ҳал эта олмайди. Бироқ, айни булардан ташқари, бошқа мезонли компонентлар, яъни таъкидлаганимиздек, мусиқа ўлчови, усул ва ҳатто суръатлари жиҳатидан бир-бирига ниҳоятда яқин икки куйнинг умумий композициясини булар асосида (шартли бўлса-да) аниқлаш мумкин, деб ўйлаймиз.

Бастакорлик тарихида айнан ч о л ғ у куйлар асоси (баъзан бир нечтасининг замини)да – а ш у л а йўллари яратиш одат тусини олган тамойиллардан бири бўлиб келган ва ҳозирги кунларда ҳам айни шу ижодий анъана ўз имкониятларини бой бермай турибди. Шундай экан, бу борадаги Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов тажрибаси келажак ижодий жараёни учун ижобий фойда келтириши ҳеч шубҳасиз ва айни муддаолидир.

¹¹⁶ Ўзбек халқ музыкаси. I-том, 64-70 бетлар.

¹¹⁷ Исҳоқ Ражабов. Шарқ мусиқа атамаларининг қисқача луғати... 39 бет.

«Эшвой» билан «Гулузорим»ни қиёсий тинглаш, бирламчи таҳлиллаш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, муаллифнинг ижодий тафаккури беқиёс изланишлар билан боғлиқ бўлган ва буларнинг самарасигина боис, биз таҳлиллаган ажойиб топилмалар юзага келган. Зеро, ҳозиргача айрим бастакорлар ва айниқса, композиторларимиз бирор мерос намунасига мурожаат этишар экан, ана шу куйни бойитиш, унга сайқал бериш у ёқда турсин, борини ҳам йўқ қилиш ҳоллари учраб туради...

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов «Гулузорим»да унга омиллик келтирган «Эшвой»нинг чолғу табиати сақланиб қолишига интилган кўринади. Асар кўлами кенг ашула анъаналарида бўлишига қарамай, муаллиф, аввало бошланғич баён услубининг ўзида икки тамойил – мазкур анъаналар таркибида шаклланган айни ашула симон ҳамда соф чолғу куйларга хос йўллар кетма-кетлигини – бош мезон тариқасида танлайди.


Мазкур кетма-кетлик етакчи тамойил сифатида икки хил – ихчам, яъни микробаён ва кўлами кенг, яъни макробаён даражаларида намоён бўлиб, буларнинг ҳар бири ўз ўрнида изчил амалга оширилади ҳамда ҳар гал муайян жумла, лавҳа, парча ёки яхлит (даромад, ўрта авж, катта авж каби) бўлимларнинг мантиқий-семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бири бирини тўлдириб боради. Мана, биринчи мусиқий жумла такрорланиб, иккинчи жумла баёни чоғидаёқ илк бор «ёра», «дода» ҳанглари орқали ашулавий баённинг чолғусимон оҳанг билан бойиб боришига аҳамият берайлик. Мисолда: а) «Эшвой»даги иборалар; б) «Гулузорим»га кўчганлари:



Яққол кўриниб турибдики, чолғу омилдаги оҳанг парчалари – янги асар, «Гулузорим»да ўзга функция-

ни, ашулага асос бўлган шеърини мазмун ва унга Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов муносаб кўрган муносиқий эквивалент (мос оҳанг йўналиши) узвий равишда пайвандаланиб бормоқда.

Кузатилаётган кетма-кетлик йирикрок микёсда «Гулузорим»нинг даромадидан – ўрта авж бўлимига ўтишда бошланғич (кичик октава «си») парданинг хонанда партиясида бирданига 10 поғонага сакраш (!) орқали бошланадиган жами 13 тактли, кўлами кенг, кўп жиҳатдан буткул асар бадиий қиёфасини белгилаб берувчи ўта жозибали ҳанг орқали амалга оширилади:




Ашуланинг биринчи бўлимига ниҳоятда ўринли ва муҳим қўшимча, бирламчи семантик хулосадек туюлувчи бу ҳанг – бир вақтнинг ўзида ўрта авжга йўл очиб берувчи кўприк ҳамдир. Зеро, у бир томондан, даромаднинг «Бир пари-пайкар...» сўзлари билан куйланувчи оҳангига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бўлажак авжлар садоларидан дарак бериб туради. Шу боис, илк ашула табиатига эга қўшимча – ҳанг кетма-кетланиб, биринчи соф чолғу тузилмага уйғун уланиб кетади:



Энг қизиғи, мисол тариқасида келтириладиган чолғу лавҳадан кейинги «Ишқ еткурмиш менингдек тел-

бани (я) бу ергаки» мисрасидан бошланувчи шеърнинг иккинчи байти мазкур чолғу тузилмани деярли ўзгартирмай ашула услубида такрорлайди ва бу билан маълум мувоозона тюзага келишига сабаб бўлади.

Бироқ «Гулузорим»нинг катта авжидан аввал Ҳожи Абдулазиз киритган улкангина чолғу лавҳа – ўзининг ички тузилиши, оҳанг йўналишини табиатан ривожлантириш (ривожни бошлаб бериш) хусусиятига эгаки, бутун баёнда том маънодаги бурилиш ҳосил этади:



Ғо-хи

Назаримда, бу даражадаги ижодий тафаккурни жонлантирувчи, ўта жадал бир оҳанглари тўлқинини кашф этувчи лавҳалар наинки узоқ ва яқин ўтмиш бастакорлик ижодиёти, балки ман-ман деган композиторларнинг энг сара асарларида ҳам камданкам ўрин олганлиги шубҳасиздир.

Шу боис маълум шартли тарзда бўлса-да, ўз таҳлилимизга бир хулосавий фикр сифатида айтишимиз мумкинки, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг айни «Гулузорим» каби асарларининг асл моҳияти – эркиннафас шоир Пушкин шеърлятидагидек «акс эттириш» ёнгики «ифода этиш»дан иборат бўлмай,¹¹⁸ балки муаллиф ижодий тафаккурнинг доимий ўзгараборишида деб эътироф этилиши зарур. Демак, ҳеч шубҳасиз бир умумлашма ўз-ўзидан юзага келадиги – Ҳожи Абдулазиз таҳлилланаётган ва яна бир қатор ижодий тамойиллари билан Самарқанд бас-

¹¹⁸ В.Непомнящий. Поэзия. Музыка. Время // Музыкальная академия. 1999. №2. 4-бет.

такорлик мактаби шаклланишига ниҳоятда улкан хиссасини қўшган.

Мазкур тамойиллар қирраларини Ҳожи Абдулазизнинг аввало ижрочилик маҳорати, бу борадаги бетиним ҳаракатлари ва изланишлари самараси бўлмиш «Самарқанд Ушшоғи-I» (Масихо шеъри) ва «Самарқанд Ушшоғи-II» (Комил Хоразмий ғазали), «Бобокча» (Фузулий шеъри) ва «Фарғона Бобокчаси» (Фуркат ғазали) ҳамда халқ орасида оммавийлашиб кетган «Гуллар боғи» (ўзга номи – «Дала куйлари», Ҳабибий шеъри)дек асарларида¹¹⁹ ҳам яққол эшитиш мумкин. Буларнинг аксариятида айни «Гулузорим»га хос эркин баён, мустақил ривож ва мантиқан ўз-ўзининг ички қонуниятларидан келиб чиқаётган табиий, бетакрор жозоба яққол эшитилади.

Шундай экан, ўнлаб буюк ижодкорларнинг юзлаб асарлари орасида (Бахнинг ре-минор «Токката»си, Шубертнинг «Ave Maria»си, Паганинининг «24-ляминор каприси») каби оламшумул асари бўлганидек, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг – рамзона куйлари ҳақида гап юритилганида, «Гулузорим»ни кўрсатишимиз ўринли бўлиб, у ҳам умрбоқий, ўзгаларда ижодий фикрни уйғотувчи мўъжиза эканлигини тан олишдир!

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек бастакорлик ижодиёти устунларидан яна бири Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳаммедов (1868-1943)дир. Маълумки, у ҳам Ҳожи Абдулазиздек, ниҳоятда пухта ижрочилик ва ижодчилик мактабини (водийлик Назирхон ҳофиз, Абдуқаҳҳор ҳофиз, Исфаралик Мадумар ҳофиз ва блардан) кўрган. Шу боис илк талқинчилик

¹¹⁹ Булар «Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества» китобимда (1984), «Творцы монодийных произведений в Средней Азии» маърузам (1983) ва мақолам (1987)да, «Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке» (1987) монографиямда таҳлилланган.

қадамлариданоқ ўз устозлари анъаналарига изчил риюя қилиб, мумкин қадар ўз йўлини яратиш, уни ўзгаларниқидан фарқли ўлароқ бўлишига интилган.¹²⁰

Тўйчи ҳофизнинг фаолияти, ижодий йўлида Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловникига ўхшаш йўналишлар, жабҳалар сирасидан – бу санъаткорнинг ҳам Атиқуллобой исмли тошкентлик тадбиркор, санъат ҳомийси 1900 йили Боку, Техрон, Истанбул, Рум ва Миср шаҳарлари, Валихўжабой ва Саидазимбойлар туйфайли 1913 йили Ғулжа ва Ёркент¹²¹ каби ҳудудларда ўз маҳоратини намойиш этганлигига диққат-этиборни жалб этиш ўринлидир. Зеро, сафарлар чоғида зукко ҳофиз-бастакор Мулла Тўйчи Тошмухаммедов айрим куй ва ашула йўллари мамлакатдан-мамлакатга моҳир ижро орқали кўчишни нинг гувоҳи ҳамда бундай жараёнда қандай ўзгаришларга дучор этаётганлигининг кузатувчиси, таҳлилчиси (балки тақлидчиси ҳам?) бўлганки, бу ҳақида қатор маълумотлар мавжуд.

Табиатан ўта мушоҳадали бўлган Тўйчи ҳофиз – деярли ҳар бир асар ижроси ва бундан кейинги сайқал бериш жараёнини ўзининггина мустақил, аввалги намунадан ками-кўстсиз янграйдиган талқин йўлини топганидан сўнг, уни ички идроки билан янгича оҳанглагани натижасидагина ўзгаларга «кўрсатиш»ни эп кўрган.

Ниҳоят, икки ҳофиз-ижодкор меросида биз яна бир қатор муштараклик белгиларини аниқлашга муяссар бўлдик. Дейлик, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг аксарият («Гулзорим», «Бозургоний», «Гуллар боғи» ва б.) асарлари бир хил – 3/4 мусиқа ўлчови ёки унга турдош – 6/8 ўлчовида («Қурбон ўлам» каби) бўлса, Мулла Тўйчи Тошмухаммедовга нисбатланиб келинаётган

¹²⁰ Бундай фикрлар алломанинг фарзандлари Йўлчиной ва Абулқосим акалар, бевосита ва баовоз шогирди Уста Муҳаммад Азизовлар хотиралари орқали этиб келган.

¹²¹ Мазкур саёҳатлар маршрути ҳақида қаранг: Б.Насриддинов. Тўйчи ҳофиз. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.

(«Тошкент Ироғи», «Кўчабоғи II», «Тошкент Ушшоғи» ва б.) асарлар ҳам бир хил – 2/4 мусиқа ўлчови ёки унга турдош – 3/8+3/4 ўлчовида («Кўчабоғи I» каби-дек) келади.

Демак, биз ҳеч қандай шак-шубҳасиз ва шу кунларгача баъзи-баъзида у ёки бу шаклда билдирилаётган гумонларга чек қўйиб, иккала ҳофиз-бастакор меросида ўзига яраша услубий топилмалар, ҳар бирининг ўзига хос ижодий тамойиллари мавжудлигини эътироф этишимиз мумкин.

Хусусан, Тўйчи ҳофизга боғлиқ энг таъсирчан ва бадиий етук асар, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг айни шундай ғазалларидан бири билан ижро этилаётган «Ушшоқ» («Тўйчи ҳофиз Ушшоғи» ёки «Тўйчи ҳофиз Ушшоғи II» дея номланувчиси)дир. Турли ривоятнамо маълумотларни бир чеккага қўйиб, мазкур асарнинг ана шу моҳиятан муҳим, замондошларимиз ва бўлажак бастакорлар учун ижодий мўъжиза тарзида ниҳоятда фойдали томонлари, Тўйчи ҳофиз топа олган сайқал тамойиллари, таълифий қирралари нималардан иборатлигини аниқлаб кўрайлик.

Маълумки, XIX аср охири ва XX аср бошларида ижод қилган аксарият бастакорлар хонандалик, кўпроқ эса созандаликдан келиб чиққанликлари боис, ўтмишдан мерос бўлиб, узоқ ва яқин ижрочилар талқинида «муҳрланиб» қолган асарларга ёндашишлари жараёнида, буларни шаклан кенгайтириш ҳоллари кўпроқ учраб туради. Айтайлик, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловнинг «Самарқанд Ушшоғи I»ни олсак, бир хил – 2/4 мусиқа ўлчовида у, шоир Масихо шеъри билан¹²² 442 тактни, Огаҳийнинг Навоий ғазалига мухаммаси билан¹²³ 411 тактни ташкил этиб келган. Бироқ халқ орасида ва муҳими, хонандалар репертуарида мазкур асарнинг кенг тарқалган, ниҳоятда ихчам – атиги 206

¹²² Ўзбек халқ музикаси. II-том... 25-30-бетлар.

¹²³ Шашмақом. 6 томлик. 2-том... 153-161-бетлар.

тактли, гуё фақат энг зарур ҳамда бадий заррин оҳангларидагина иборат кўриниши,¹²⁴ шоира Зебуни-со қаламига мансуб «Биёки, зулфи качу чашми сурмасо инчост» мисрали шеъри билан асримиз бошидан одат тусини олганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмухаммедовнинг ижодий тафаккурини ўзида мужассам этган «Ушшоқ» («Тошкент Ушшоғи»), фикримизча ана шундай бирламчи моделдаги оҳанглари кенгайтирмаган ҳолда, уларни мухтасарлаштириш йўли билан мусиқий, яъни куй «матни»ни сақлаб қолишга асосланган. Истисно эмасдирки, бундай ихчамлаштириш Тўйчи ҳофиз томонидан тўлалигича талқин этиб келинган Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида йиллар давомида шаклланган «Гулёр-Шаҳноз» мақом мажмуи билан боғлиқ бўлса? Зеро, бу туркум қисмлари ўзаро ниҳоятда боғлиқлиги ва кетма-кет равишда тўлалигича ижро этилиши билан ўзга туркумлардан ажралиб туради. Шу боис бирмунча мураккаб – $3/4+3/8$ мусиқа ўлчовида (одат тусидаги $3/8+3/4$ эмаслигига аҳамият беринг!) келувчи «Чапандози Гулёр»га бевосита тўхтовсиз (attaca) уланиб кетаётган «Ушшоқ» бифункционал вазифани ўташи зарур. Яъни, бир томондан, ўзидан аввалги қисмга контрастлик келтирса, иккинчи томондан, худди шундай бетўхтов янграйдиган кейинги «Қашқарчаи Ушшоқ» ва «Уфари Гулёр» (аниқроғи «Уфари Қашқарчаи Ушшоқ»)лар билан ҳар жиҳатдан узи билан муайян бир микротуркумни ташкил қилиши тақозо этилади.

Ҳозиргина номи келтирилиб, қисқа изоҳланган «Мусиқа меросимизга бир назар» номли сўнгги китобида адлома-бастакор Юнус Ражабий, биз таҳлиллаган Тўйчи ҳофиз «Ушшоғи» ҳақида қуйидаги қимматли фикрни маълум қилади: «Навоий шеъри билан ай-

¹²⁴ Юнус Ражабий. Мусиқа меросимизга бир назар. – Тошкент: Ғофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 38-41-бетлар. Кизиғи, муаллиф-академик ҳам ушбу «Ушшоқ» ихчамлиги туфайли кенг тарқалганини таъкидлайди.


тилиб келинаётган «Ушшоқ»ни 1910-йилларда устоз Мулла Тўйчи ҳофиздан ўрганганман ва 1933 йилда но-тага олган эдим».¹²⁵

Жами 6 та «Ушшоқ» ашула йўллари айрим вариантлари билан ноталаштирган Юнус Ражабий, ўзга («Самарқанд Ушшоғи I», «Самарқанд Ушшоғи II», «Ушшоқи Содирхон», «Кўқон Ушшоғи» ва б.) номдош асарлар ҳақидаги маълумотларида асосан 1930-йилларни таъкидлаганлигини инobatга олсак, «Қаро кўзум»ла бошланувчи «Ушшоқ» устоздан – шогирдга анча барвақт ўтиб, мукамал¹²⁶ ўзлаштирилган кўринади.

Асар жозибаси, илк садоларидан ҳам ижрочи, ҳам тингловчини ўзига мафтун эта олиш сеҳри, ундаги теран мазмун узлуксиз баён этилиши, мантиқан навбатлашувчи – кичик, ўрта ва катта авжларга кўтарилиб, ҳар гал яна бошланғич мўъжаз оҳангга қайтишида ўз инъикосини топган. Қизиғи, айна шу «Ушшоқ»да асар мазмуни, бизнингча, бошидан то охиригача кетма-кетлашувчи ва изчил, бир-бирини тўлдириб, ҳар бир семантик бирикмаларни етуклаштириб боровчи учта моёил – чолғу жумлалар, сўзларга мосланган жумлалар ва ҳанглardan иборат жумлаларга заминланган.

Мана буларнинг заминбасталари (зеро улардан аввалгилари ёки кейингилари – шуларгагина асосланган):

I. Чолғу жумла:



Та-ко-ва-

¹²⁵ Шу нашр, 41-бет.

¹²⁶ Балки шу сабабдан, яъни бевосита Тўйчи ҳофиз ва Юнусқори Юсуповдан – Юнус Ражабий, ундан эса – ёш Ҳасан Ражабий ўзлаштирилганликлари боис – булар ижросидаги «Ушшоқ» деярли бир хил янгради.

ридан астойдил сингдирилаётган композициялик ижодиётига урғу берилади. Буни инкор этмаган ҳолда, бизнингча, мазкур анъаналарнинг ич-ичида ҳам услубан, шаклан ва бош хусусиятлар жиҳатидан мулк фарқланишлар содир бўлган.

Инчунин жараёни ўзаро замондош, баъзан тенгдош бастакорлар ижодида кузатишимиз мумкин. Қиёсий санокларимиздан маълум бўлдики, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) юқорида таҳлилланган Муҳаммад Раҳимхон Сонийга – 21 йил, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ва Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовларга эса бутун умри давомида, яъни 40 (!) йил замондош бўлган экан. Бироқ буларнинг ижодий ишлари ўзгача, бутунлай ўзга тамойилларга интилиш, изчил таяниш замирида кечган.

Хусусан, шу кунга қадар биз билган Ҳамза, мазкур замондошларидан талайгина фарқли ўлароқ, «янги замон»га – янги чаҳонга, бошқача усулу ритм, аксарият жиҳатлари иттифоқ содоланувчи, аввалгиларга ўхшамас қўшиқлар яратишга интилди. Муҳими, бизга «композитор» ва ҳатто «Ўзбек совет мусикаси асосчиси»(!) дея (айниқса, адабиётшунослар томонидан) «узатилган» Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, ўзининг *табиий бастакорлик* қобилияти туфайли ва ижодий сезги рлиги боис, аср бошидаги сохта ўзгариш (1905- ва 1917-йиллардаги воқеа)ларга бутун вужуд ила ишониб, икки йўналишни афзал кўради. Жами 10 (шу кунгача негадир 8 деб келинган) қисмлардан иборат «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»ни яратар экан, бир томондан, анъанавий баёзчилик тизимидан унумли фойдаланади ва иккинчи томондан, яна бир буюк замондоши Бела Барток (1881-1945) каби – ҳар бир ҳолда *гуллар номини* танлайди: I қисм «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар...», II қисм «Оқ гул», III қисм «Қизил гул», IV қисм «Яшил гул», V қисм «Сариқ гул», VI қисм «Пушти гул», VII қисм «Сафсар гул», VIII қисм «Атир гул»

ва сўнги изланишлар натижасида аниқланган IX қисм «Карнай гул», X қисм «Гул қатма-қат». Маълумки, буларнинг аксарияти (I-VII ва IX-X қисмлар)да Ҳамза, айнан ўтмиш баёзларидаги каби деярли ҳар бир шеърини муайян фольклор ёки мумтоз куйларимиздан бирига оҳанглаштириб ёзган. Мажмуанинг илк саҳифаларидаёқ муаллиф бу мақсадини қуйидагича белгилайди: «Қулоқ «нота»лари ила [оғзаки анъанада демоқчи – Т.Ғ.] эшитилуб келмиш миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун... миллий шеърлар тартиб беруб ҳамма оҳанг ва куйларимизни топуб... муҳтарам ватандошларимизга тақдим қилдик».¹²⁹

Биринчи қисм (Ҳамза таъбири билан – бўлим)да кетма-кетига фойдаланилган ва муаллиф томонидан «ашула» дея кўрсатиб изоҳланган асарлар: «Дилоғон» [Лоғонда яшовчи бир қарияга нисбатланган], «Эски Турон», «Вайсулқарн» [аслида «Вайс ул қарн» номи билан мактабда ёзиб олинган – Т.Ғ.], «Эски Хоразм», «Кел менга, шоҳим, ҳай-ҳай»лардир.

Орадан бир йил ўтиб, 1916 йилнинг май ойида Қўқондаги Мулла Искандар Баротбой ўғлининг тошбосма нашриётида нашр этилган мажмуанинг иккинчи қисмидаги «Ифодаи махсус»ида Ҳамза яна бир янгилик киритганлигини таъкидлайди: «Бу дафъа қулоқ ноталари ила эшитилуб келган миллий ашулаларимизнинг ўз исмин айтуб кетув ила қаноатланмай, ўз оҳангида [авваллари демоқчи – Т.Ғ.] айтулган ўз шеърларинданда бирор рубойисини ёзиб ўтдик... миллий машшоқларимизнинг ҳар бирига ёзилмиш ашулаларнинг дебечадаги исмини ёхуд шеърини бир қарра айтуб кўрсатсалар, шаксиз нуқталари ешилажакдир».¹³⁰

Демак, мажмуанинг илк қисми нашр юзини кўрганидаёқ билдирилган танқидий фикрларга, Ҳамза

¹²⁹ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Мукамал асарлар тўплами. Тўрт томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1980. 50-бет. Кейинги иқтибослар, асарларнинг номлари ва изоҳлар – шу нашрдан олинди.

¹³⁰ Ўша манба, 59-бет.

ўта ҳозиржавоблик билан ёндашиб, кейинги «Оқ гул» қисмда янада мақсадни ўз олдига қўяди, ижрочилар ва муҳими, тингловчилар унун бирмунча аёнлик киритувчи – у ёки бу ашула (куй, қўшиқ)нинг амалиётда тарқалган с а н а с и н и ҳам кўрсатиб ўтишга интилади: «Бундан 17 сана муқаддам ҳижрийнинг 1317¹³¹ ларинда Фарғоналарда бошлаб расм ўлмиш «Жон тўраларей, Оллоҳ», бу ашула ноқиллар сўзича аслида Қашқарда илқо топқон бўлса керак. Чунки оҳанги Қашқар оҳангига тавофиқ этадир. Аммо бизим Фарғоналарда кечалик мажлисларда кўпчилик баробар айтишурлар».¹³²

Мазкур изоҳлардан сўнг, Ҳамза «намуна» ибораси билан, ана шу – аввалги шеърий матндан бошланғич байтини келтиради:

*Боғинг бўлса, қўра қил-ей, Оллоҳ,
Ўғлинг бўлса, мулла қил-ей, Оллоҳ,
Муллаликка кўнмаса-ей Оллоҳ-ей (авж)
Ҳунар бирла ҳамроҳ қил-ей, Оллоҳ,
Омон бўлинг, эсон бўлинг, Оллоҳ,
Жон тўралар-ей, Оллоҳ!*

Худди шу йўсинда кейинги икки шеър Ҳамза томонидан – «Гул-ғунчалар» [«Боғ аро қўйсам қадам...» сўзлари билан], «Дўст Мавлон-ей» [«Мен бу ёнга келмас эрдим»] куйларига мўлжал этилган. Бироқ буларнинг бирортаси, аввалги «Жон тўралар-ей, Оллоҳ»даги каби узукка кўз қўйгандек бирламчи шеърлару, биз тахмин қилаётган куйларга том маънода мос келмайди.

«Оқ гул» қисмидаги тўртинчи қўшиқ «Татар хофизларидан муҳтарам Муҳаммад Комил ал-Мутъий ҳазратларининг куйларидан бир»ига ижро этилишини муаллиф алоҳида изоҳлаб ўтган. Маълумотларга қараганда, ал-Мутъий – таниқли театр ва мусиқа

¹³¹ Милодий 1899-йил.

¹³² Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Мукаммал асарлар тўплами. Тўрт томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1980. 60-бет.

санъати арбобларидан бўлиб, аср бошлари (1912-йил) дан Тошкент, Фарғона водийсида фаоллик кўрсатиб, қатор концертлар бериб, ўзининг миллий қўшиқларини намойиш этган ва айни шу концертларда Ҳамза ҳозир бўлган экан. Табиийки, ўзи «шеърбулоқ» бўлатуриб, айни шу йиллари яратилаётган тўпламлари тошбосмада кетма-кетига оммалашар экан, айрим шеърларини ҳамкасб дўсти оҳангларига мослаган бўлса, ажаб эмас. Энг қизиғи, буткул қисмининг сўнггиси бўлмиш, кузатилаётган қўшиқдагина Ҳамза «тўрт мисраи эр, тўрт мисраи қиз тарафиндан ўқилур» дея ўзига хос *гендерли* дуэт шаклидан фойдаланади. Жами 10 байтдан иборат шеърининг роппа-роса 5 байтини – эркаклар, 5 байтини – қизлар овозига тақсимлаб чиқади.

Ҳозир икки аср кесимида биз «билган ва билмаган Ҳамза» ҳақида қизғин фикрлар ўртага ташланаётган бир паллада, ҳақиқат тарозиси мувозанатидан келиб чиқиб, бир, ў т а а ч ч и қ бўлса-да, ўтмиш воқелигини тан олишимиз ўринлики, ўз даврининг фарзанди бўлмиш Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий – маълум бир хатоларга ҳам юз тутган.

Жумладан, «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуининг III қисми «Қизил гул»даги илк саҳифаларга кўз ташлар эканмиз, ана шу – тарихан ўта мураккаб воқелик ўз инъкосини топганлигини кўрамыз: «Бу учинчи бўлимдаги шеърларда баъзи узункисқаликларни ҳамда адабиётдан йироқлигини кўриб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми деючи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни (?) тушунувина ўнғай бўлсин учун бўлса керак. Ҳамда бизим ашулаларимизда ой, вой, ҳой, ё каби авж исми ила қисилмиш ортиқча овозлар кўп. Мана у аҳамиятсиз товушлар ўрнига қисқа-тўмтоқ бўлса-да, керак сўзлар киритилганда ўхший...».¹³³

Кўриниб турибдики, Ҳамзанинг ўтмиш асарла-

¹³³ Мазкур манба, 68-бет.

римизда ортиқча «узун-қисқаликлар», «адабиётдан йироқлик», «ой, вой, ҳой, ё» янглиғ анъанавий ҳангла р ҳам «ортиқча», «аҳамиятсиз товушлар» мавжудлигини қайд этиши, ёинки «адабиёт илмидан деярли беҳабарлик», ниҳоят, «қора элимиз» сингари иборалари – ўта ноўрин ва бешафқат, биз билган ижодкорларга ётдек туюлади. Лекин на чора?!

Энг ачинарлиси, ушбу қисмда келтириляётган 6 қўшиқнинг бирортасидаги иқтибосларда, Ҳамза таърифларига тааллуқли «хусусиятлар» учрамайди. Аксинча, мазкур шеърларда, мусиқий меросимизнинг юзлаб ўзга намуналарида шода-шода гавҳардек тизимланиб келувчи битиклар жамланган:

1. Жон Қўзивой

*Ман борай борганимча, жон Қўзивой,
Елкамни солганимча, жон Қўзивой,*

2. Вой золим»:

*Айланаман вой золим, ўргиламан вой золим,
Йўлингда жоним қурбон, бир боқмайсан, вой золим.*

3. Айтайлик ўртоқ

*Бизнинг ҳовли йўлингиз ўртоғ-ей,
Чинни бахмал тўнингиз-ей,
Айтинглар, айтайлик ўртоқ!*

4. Лайлихон, Анорхон...

*Осмонда Қозим-Қозим-ей,
Хаста бўлган овозим-ей!
У ёнингдан ўтаман, бу ёнингдан ўтаман.*

5. Додимға етсанг-чи

*– Арзим этмоққа, яна арзим этмоққа-ё,
Бодом қобок, юпқа томоқ, додимға етсанг-чи.*

6. Марсия

*Қамчин бегим ув деди, ё бир пиёла сув деди-ё,
Дор тагига олиб борганда, ичмай туриб ҳув деди-ё.
Афсуслар бўлсинким, Ҳамза Ҳакимзода Ниё-*

зий тарафидан юқоридаги қўшиқларнинг куйларига оханглатиб ва иқтибосланаётган шеърларга мослатиб яратган 6 та янги матнлардан атиги иккитаси – «Вой золим» ва «Додимға етсанг-чи» [бизгача «Бодом қовок» номи билан етиб келган – Т.Ғ.]ларга – куй, усул ва шеърый вазнлари билан тўғри келади. Қолган ҳолларда яққол номутаносиблик кўзга ташланади.

Энг ачинарлиси, а й н и ана шундай, бир-бирига на мусиқий хусусиятлари, на шеър тузилиши билан – Ҳамза номма-ном кўрсатаётган қатор қўшиқ, ашула ва баъзи мақом («Савти Чоргоҳ») йўлларига мутаносибсизлик «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуасининг кейинги IV-VII қисмларидан ҳам талайгина ўрин эгаллаган.

Ваҳоланки, Ҳамза – зукко шоир бўлатуриб, ўзбек мусиқа меросидан боҳабар эканлиги, унинг айрим мумтоз ашулаларимиз матнларига тақлидан («Эй сабо...», «Ҳануз...», «Кўча боғи», «Уфори Бузург»лар каби) яратилган назмий битиклари, бевосита халқ куйларига иккинчи ҳаёт бахш этган айрим («Отинбибжон», «Турсуной марсияси», «Ғайро-Ғайро» сингари) шеърый-баёзлар муаллифи сифатида танилган ва муҳими, ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам – т а н о л и н г а н ижодкордир! Демак, биз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий меросини янада астойдил, янада мукамалроқ тадқиқ ва таҳлил этишимиз зарур. Шундай экан, бизгача Ҳамзанинг «инқилобий қўшиқлари» дея етиб келган айрим асарларига яна бир назар ташлаб, шахсий таҳлилларимиз ва хулосаларимизни келтирайлик.

Авалло, ж а м и 20 га яқин ана шу «неча асрли уйқудан уйғониб, дунё лаззатини тотадиган давр»ни мадҳ этувчи сара қўшиқларни кимлар, қайси ижро ва талқинларда нотага туширганини эслайлик. Бу борада биринчи бўлиб, Н.Н.Миронов 1928 йили бевосита Ҳамзанинг ўзидан – «Ишчилар уйғон» (Песни Ферганы, Бухары и Хивы. – Т.: 1931. Сборник музыки узбеков. I. Песни Ферганы: №2

«Амон» номи билан (Ҳой ишчилар» (№4), «Ҳой, ҳой от-амиз» (№22), «Уйғонмоқ даврида» («Уён-уён» номи билан, (№23) ва «Биз ишчимиз» (№24) қўшиқларини ёзиб олади.¹³⁴ Бироқ булар ва Ҳамза талқинида нотага туширилган «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуасида номлари муайян ёки мажозий тарзда айтиб ўтилган жами 20 та ўзбек халқ қўшиқлари шеърлий матнларсиз юқоридаги китобда нашр этирилган.¹³⁵ Боз устига, Миронов ўзининг ўртамиёна билими доирасидан четга чиқа олмай, бир қатор чалкашликлар, ноилмий кузатувлар, баъзи «антиқа» хулосаларни ўртага ташлайди. Айни булар орасида, Ҳамзанинг бастакорлик ижодига оид чалғитишлар ҳам ўрин олган. Айтайлик, «Ишчилар уйғон» қўшиғи негадир Миронов томонидан... икки тоналлик (бошланиш қисми – ре минорда, нақорати эса – до минор)да нотага олинганидан сўнг, бунинг сабаблари: «кутилмаган модуляция» тарзида тушунтирилади. Ёки бўлмаса, «Лошмон» (аниқроғи «Лошмон фожиаси») номли халқ қўшиғи (№3): «Ҳамза Ҳакимзоданинг 1914-йили жаҳон империалистик уруши даврида яратган қўшиғи» деган «луқма»га дуч келасиз.

Хуллас, ана шу икки «кузатув»нинг ўзигина Мироновнинг «тадқиқий» мероси биз учун на илмий, на фактологик жиҳатдан асос бўла олмаслигидан далолат беради. Лекин тўрттала китоби¹³⁶ иловаларида келтирилган ўзбек ва тожик мусиқа мероси намуналари ҳамда булар қатори ўрин олган айрим бастакорларнинг асарлари маълум даражада ўз қимматига эга.

Хусусан, Ҳамза қўшиқларига қайтсак, булар Миро-


¹³⁴ Н.Миронов. Песни Ферганы, Бухары и Хивы. – Ташкент: Узбекское Государственное издательство, 1931. Тааллуқан – 3-, 4-, 10- ва 11-бетлар.

¹³⁵ Булар – «Қамчинбек», «Лошмон», «Жон Кўзивой», «Додимга етсангчи», «Олма-анорингга балли», «Вой золим», «Жар-жар», «Дўндикча», «Омонёр», «Ой халқа», «Айланаман войдод-ей», «Яланг даврон», «Чаман ичра», «Нозигим», «Жон тўралар», «Дўст», «Ўртоқ», «Боболар сўзи», «Акрамжон Холдори» ва «Хоразм куйи» (3-11-бетлар).

¹³⁶ «Музыка узбеков» (1929), «Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока» (1931), «Песни Ферганы, Бухары и Хивы» (1931), «Музыка таджиков» (1932) китоблари назарда тутилмоқда.

нов томонидан айни м у а л л и ф ижроси (ва унинг фортепиано инъикоси?)да ноталаштирилганлиги билан эътиборга молик, деб уйлайман. Зеро, бунинг икки муҳим сабаби мавжуд. Биринчидан, «Песни Ферганы, Бухары и Хивы»даги 5 та қўшиқ матнларини (айниқса, «Уйғонмоқ даврида», «Биз ишчимиз» мисолларида) бирмунча содда, жўнгина кўринишларда нотага туширилган. Иккинчидан, эса – булар ва кейинги, яъни Е.Романовская,¹³⁷ Т.Содиқов, А.Четвертаков, А.Козловский ва айниқса, Ю.Ражабий¹³⁸ – М.Қориёқубов, Т.Жалилов ва бошқалардан ёзиб олган нота матнлари орасида с е з и л а р л и даражада фарқлар, аниқроқ қилиб айтганда, анчагина «бадийлаштириш» ҳоллари қулоққа чалинади. Фикримиз исботи сифатида «Уйғонмоқ даврида» қўшиғини Н.Миронов ва Ю.Ражабий ёзувларида келтирамыз:

Н.Миронов (1928 й.):



Ю.Ражабий (1950 й.):

Қиёсий тарзда келтирилган мисолдан яққол кўриниб турибдики, асл оғзаки анъана тизимига хос хусусият – муайян мусиқа асари, айниқса, нақоратга эга банд (куплет)ли шаклдаги қўшиқ, маълум давр

¹³⁷ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қўшиқлари. Тузувчи Е.Романовская. 1941.

¹³⁸ Ўзбек халқ музикаси. Тўпловчи ва нотага олувчи Юнус Ражабий. – Т.: Ўзбекистон ДБАН, 1958. 384-385 бетлар.

ўтча, янги авлод вакиллари талқинида ўзгача, муайян ўзгартиришлар билан янги раъкан.

Дярли «Ўйфонмок даврида»ги янги ўзгартишлар 1940-1950-йиллар мобайнида бошқатдан ёзиб олинган «Хой, ишчилар», «Ишчи бобо» каби кўшиқларида ҳам сезилди. Боз устига, бастакорнинг ўз вақтида ниҳоятда омавийлашиб кетган «Ишчилар ўйғон» кўшиғи заминида Ф.М.Кароматов ёзиб олган – «Пахтачи» фольклор асари юзата келганлиги маълум.

Мазкур ва уларга мавзудош 20 га яқин кўшиқларнинг ўзбек, тожик, козок халқлари орасида кент канот ёзиб, хатто ижтимоий жараёндан ўзок худудларда тарқалишининг сабаблари нимада? Бу савол ўзок ва яқин ўтмишу хозирги кунда ҳам долзарб қурнади. Бизнингча, Ҳамза кўшиқлари замирига аввалги таджикотчи (Ф.М.Кароматов ва б.)лар кўрсатиб ўтган¹³⁹ – ўзбек мусика мероси, рус инкилобий кўшиқлари, татар куйла-ри катори, бизга бевосита кўшнни – тожик, козок, кирғиз оханглари ҳам кўшилган. Зеро С.Муконов, М.Турсунзода, Т.Сарибоевларнинг хотираларида¹⁴⁰ қаратганда, Ҳамза бутқули Марказий Осиёда ўз кўшиқлари туфайли 20-йилларда танилган экан. Демак, зўкко бастакоримиз, ўзининг табиий заковати ва замон мусикии эҳтиёжларини аввалидан англай билиш қобилияти ҳамда кўп эларни кўрганлиги таяниб, ана шундай мина тақавий та-лабларни қондира оладиган кўшиқлар мажмуини ижод этишга мўяссар бўлган.

Албатта, Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳамма кўшиқлари ҳам бир текис, етук бадиий мезонлар билангина умрбод ўлчанади қабилдаги фикрлардан ироқимиз. Дейлик, Ҳамза Ҳамзата нисбатланиб келинаётган Фуркат (Мулю Холимухаммад ўғли) ёзади билан иккоро этилувчи «Сайе-ра I» ва «Сайе-ра II» ашула йўллари, бизнингча, шўбҳасиз ўзбек мусика мероси намуналаридир. Шу билан бирга,

¹³⁹ Кароматов Ф. Ҳамза и узбекская советская музыка. – Т.: 1959.

¹⁴⁰ Ҳамза замондошлари хотиралида. – Т.: 1979.

яна бир ардоқли шопримиз Чўстий шөрпига чала-чўл-та «мосланган», ниҳоятда савияси паст ва юзаки куй-ли «Эски замон қизи» («Бошим ёстиқ кўрмади» ўрнига эмишми?!)ни Ҳамза асари дейиш, назаримда, бастакорга ҳам, шорга ҳам хурматсизлик белгисидир. Зеро у, на куйининг хусусиятлари – товўшлар тизилмаси (тад за-мини), интэрваллар алмашуви, на метро-ритмик бел-гилари билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзининг мусикиий-ижодий тафаккури доирасига тўғри келмайдн.

Ваҳоланки бу ўз даври учун бетакрор тафаккур, ХХ асрнинг биринчи чоратида ўзбек (ва такпорлаймиз, минтака!) мусикаси хаётида дярли етакчи мавқега кўтарилган олган бастакор ижоди, унинг серқирра фао-лияти интилишлари инъикосидир. Шу боис Ҳамзанинг ўз замони зайли билан «бир нафас ила» яратилган энг сарашини кўшиқлари ана шу ХХ аср ўзбек бастакорлик ижодиётининг таркибий қисми сифатида тарихда қолади.

Оханглар олами=омили

1. “Ёр-ёр” – ташки шодонлик – ички ғам, азоб-укубатли оханг:


М.М. №=110-112

Сурнай




2. “Чоргоҳ” – саволли, хайрона оханг:

М.М. №=66




3. “Дугоҳ” – мулоҳаза-мушоҳадали оханг:

М.М. №=52-54




4. “Сарахбори Наво” – ишонч, гурурли оханг:

М.М. №=63-64



5. “На бўлғай” – тантанавор оханг:

М.М. №=92-96



БОБУР МУСИҚА ХУСУСИДА

Шоир бисотидан:

Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил,
 Гулдек кулуб, эй ғунча даҳан, очилғил.
 Кўнглимни иликладинг **чолиб чанг**, эй ёр,
Чангинда дуру кўнгул, **навозиши қилғил**.

Даврон ғамин барбод қил, шират уйин обод қил,
 Жону кўнгилни шод қил, **овози чангу най** била.
Дутора уни айшу фароғатни ёд,
 Мутрибға қулоқ тутки, не дер **нағмада сози**.

Бори аҳбоб эди ҳозир, бори **асбоб** эди жамъ,
Созу хонанда била...

Сўзунг, қилигинг, **навозишингму этай**,
Овозу усулингшию созингниму дей.

Мутрибки унини ҳар киши гўш қилур,
 Жон бирла кўнгулни зору мадҳуш қилур.
 Мақсуд **недурки элни ёд этганда**,
 Ул **доирада** бизни фаромуш қилур.

Теран эҳтирос ила тўлган, дилситон назмий баёнга мусиқий пурмаъно узвий уланиб кетувчи ва шу хусусияти билан мазкур мисралар мутолаасига алоҳида бир сеҳр бахш этувчи мўъжиза нимада? Мазкур саволга жавоб топиш ҳам ўта осон, ҳам ўта мураккаб. Зеро, бу ва бунга ўхшаш ўнлаб рубоийлар муаллифи, ижодий тафаккур оламининг дарғаси – Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз салафларининг давомчиси бўлган, деб қўяқолиш билан қоникмай, назм ва наво аҳлини беш асрдан буён ҳайратга солиб келаётганлигини ўйласак, унинг сирларини англаш учун муаммога жиддийроқ муфассалроқ ёндашиш зарурати туғилади.

Маълумки, атиги 12 ёшида теурийларнинг буюк салтанатини давом эттириш, улкан бир воҳа бошқарувини мурғак елкасида кўтаришга мажбур бўлган Бобурга Аллоҳ таоло ҳокимлик салоҳиятинигина эмас, балки ўта салобат-

ли, кўп жиҳатдан бетакрор бадиий тафаккурни ҳам инъом этган эди. Бу инъом болалигидан “Шер” номига сазовор, бўлажак юртбоши ва даҳо шоирнинг вояга етиш жараёнининг жадал кўчиши, янада масъулиятли ва бирмунча тиғизланишини тақозо этади. Шу боис Бобур Мирзо худди Мир Алишер Навоийдек болалик чоғларидан алифбо сабоқлари билан бирга, маънавият ва қатор фанлар сирлари, адабий ўғитлар қатори – санъат олами мўъжизаларидан бохабар бўлишига изчил интилди. Шубҳасиз, ўз балоғати сари бунчалик жиддий, кенг кўламда илму маданият ила интилиш болага, бир томондан, табиатан анчагина кўнгилчан бўлган Бобур қалбида доимо сақланиб келган – Соҳибқирон Амир Темурнинг паннабираси эканлигини ҳис этиш, бундан фахрланиш ҳам сабаб бўлганлиги ажаб эмас. Шунинг учун ҳам:

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илм йўқ,
Мен борман илм толиби, илм керак.*

– сингари теран мисраларни ўқиганимизда, булар қанчалик самимият ва ҳақиқат ила дунёга келганлигига ҳеч шубҳа қолмайди.

Шоир бадиий тафаккури дурдоналари билан танишган ҳар бир зукко олим, хусусан, биз, мусиқа илми аҳлини ҳайратга солувчи яна бир мўъжиза – Лутфий, айниқса, Навоий шеърятига хос назмий-мусиқий баёнлар, ўхшатма ва хулосалардир. Жумладан, агар ҳазрат Навоий:

*“Сўзда Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмада таҳсил дегил”,*

– дея даъват қилган бўлсалар, Бобур:

*“Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир Навоий рост қил, мундоқ мақоминг борида” –*
деб жавоб қайтаргандай туюлади.

Ёки Навоий:

*“Муғанний, Навоий фиғонин эшит,
Ки, созинг аро зер ила бамда йўқ”, – деса,*

Бобур:

*“Тортиб афғон, оҳ уриб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа тузгай, базми ғам аҳли бу зеру бам била”,*
– дейди.

Ниҳоят, Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ларида:

*“Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр”,*

– мисралари ва буларнинг эҳтиросли таърифини ўқисак,

Бобур Мирзонинг аруз илмига доир “Муфассал”ларида:

*“Мунча жафо жонима, чоғломадим (ёр-ёр),
Душман эмиш дўстлар, англомадим (ёр-ёр)”.*

– сатрлари ва буларнинг ҳаяжонли тавсифи билан танишамиз.

Энди Бобур Мирзодан бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган энг нодир тарихий битиклардан бири – “Бобурнома”га мурожаат этамиз. Жами 35 йиллик даврни ўз ичига олган мазкур асар, мана неча аср-ки, матнни саҳифама-саҳифа синчковлик билан ўқиб чиқаётган мутахассису шинавандаларни ажаблантириб келмоқда. Зеро, унинг сермазмун йилномаларидан деярли ҳар бир касб соҳибби – ўзи учун ўта қимматли маълумотларни топажаклиги аллақачонлар аён бўлган. Шу боис, Машриқу Мағрибдаги юзлаб бобуршунослар ҳозирги кунгача маълум бўлган воқеалар қатори, янгидан-янги маълумот қирраларини излаб, мақсадларига эришмоқдаки, биз ҳам ана шундай ҳолисанлиллоҳният билан бу табаррук китоб саҳифаларини очмоқдамиз...

Асрнинг илк, ҳижрий 899 йил воқеотлари, аввало, Бобурнинг она юрти Андижон билан боғлиқ бўлиб,

бу ўлканинг барча фазилату зийнатлари қатори, маданияти ва санъати аҳли муаллиф эътиборидан четда қолмаган. Мана бунинг исботи: “Элининг орасида, - деб ёзади муаллиф, – ҳусн ҳейли бордур. Юсуф Хожаким мусиқада машҳурдир. Андижонийдур”.

Шоир, тарихнавис Бобур ўз саҳифаларидан фарқли ўлароқ аксарият мисолларда санъаткорларни таърифлар экан, албатта, буларнинг инсоний мавқеини ҳам очишга интилади: “Яна бир Хожа Хусайнбек эрди, одми ва фақир киши эрди. Ул замон дастури била ичқуларда кўшуқларни яхши айтур эди”.

“Бобурнома”да, муаллиф таъбири билан айтганда бундай касбий-инсоний битиклар ҳейлигина. Жумладан, 899 йил воқеотларида умаролар қатори Сайид Юсуф ва Дарвешбеклар ҳақида фикр юритилади. Буларнинг атрофлича таърифлари мусиқа соҳасидаги фаолияти билан боғланиб кетади: “Отасини Улуғбек Мирзо риоят қилиб эди, – деб ёзади Сайид Юсуф ҳақида Бобур. Раъй ва тадбири ҳейли киши эди. Мардоналиги ҳам бор эди. Қўбузни яхши чолур эди”.

Қарангки, ўзи мардликда ном чиқарган муаллиф, бу инъом ёнига созандаликни қўйиб ўтмоқда.

Дарвешбек тавсифида эса бу шахснинг мусиқашуносликка алоқадорлиги таъкидланади: “Темурбек риоят қилғон Эгу Темурбек наслидин эди. Ҳазрати Хожага иродати бор эди. Мусиқий илмидин бохабар эди, соз ҳам чолур эди. Таъби назми бор эди”.

Жами бир ярим асрни қамраган Соҳибқирон Амир Темур ва теурийлар даврининг энг катта ютуғи шундаки, бу салобатли давлат худудида наинки осойишталик, тотувлик, балки ажойиб бир инсоний ва иймоний мувозанат устуворлик қилади. Бир-бирига яқин соҳалар уйғунлашиб кетган, яъни назм аҳли – навосиз, ўз ўрнида, нағма аҳли – назмсиз фаолият кўрсата олмаган. Бобур ўзининг маҳобатли асарида айнан ана шу мувозанатга эришганларга алоҳида урғу беради. Бун-

дай серқирра салоҳиятли фузалолар орасида марказий ўринни муаллиф (911 йил воқеотларида) Алишербек Навоийга ажратади. Мазкур маълумотлар муштарийларга таниш бўлгани учун, биз фақат мусиқа санъатига оид сатрларгагина диққатни жалб этмоқчимиз. Бобур ёзади: “Яна мусиқада яхши **нима (нағма? – Т.Ғ.)**лар боғлабтур. Яхши **нақшлари** ва яхши **пеиравлари** бордур.

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти билан мунча тараққий ва шухрат қилдилар”.

Атиги бир неча сатрдан иборат мазкур маълумотда мусиқа илми аҳлини беш ярим асрдан бери қизиқтириб келаётган ўта муҳим ва мураккаб савол, яъни “Наво” атамасидан тахаллус топган ҳазрат Навоийнинг – мусиқий ижоди борасидаги долзарб муаммога жавоб топилгандай туюлади. Зеро, бошқа манбалар бу нозик масалада айрим муаллифларга шубҳа туғдирса-да, Абдурауф Фитратдек зукко олим таъбирида очиқданочиқ – “санъатшунос” номини олган Бобурга ишонмасликнинг иложи йўқ. Боз устига “Бобурнома” (926 йил воқеотлари)да айтилишича, Бобурнинг – ўзи ҳам мусиқий ижодиётга қўл урган экан: “Якшанба куни ойнинг ўн олтисида сабуҳий қилиб, ҳушёр бўлуб маъжун эҳтиёр қилғонда Мулла Ёрак **панжгоҳда мухаммас** даврида боғлағон **нақшини** ўткарди. Яхши **нақш** боғлабтур. Неча маҳал эди, мундоқ нималарга машғуллуқ қилмайдур эди. Манга ҳам дағдаға бўлди, бир нима боғлағайман. Бу тақриб била **Чоргоҳ савтини** боғладим. Нечунким, маҳаллида мазкур бўлғусидур”.

Келтирилган иқтибослардаги деярли барча атама-лар XIV-XVI асрлар мобайнида Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Зайнуллобиддин Хусайний, Нажмиддин Кавкабийлар томонидан яратилган мусиқа рисо-лаларида кенг ўрин олганлигини инобатга олсак Бобур маълумотлари, хусусан, Алишер Навоийнинг **нақш**

ва **пешрав**ларига оид қимматли далиллари ҳақиқатга яқин кўринади. Шу билан бирга, масаланинг яқин келажакда ҳал этилиши ниҳоятда муҳим бўлган томони – муайян қайси нақш ва **пешрав**лар Навоийники? Ёки Бобур ўзига нисбатан бераётган “Чоргоҳ савти” қайси куй?

Шу ва шунга ўхшаш долзарб саволларнинг охири йўқ. Чунки шу кунга қадар мазмунан бой, шаклан хилма-хил ва серқатлам мусиқа меросимизнинг тарихий, баъзи назарий муаммолари ўрганилиб келинмоқда-ю, бироқ улкан амалий аҳамиятга молик туб масала – у ёки бу даврда, айтайлик Жомий, Навоий ва Бобурлар замонида янграган муайян куйларни саралаш, буларнинг қайси бири мазкур алломаларимиз қулоғига бевосита етиб борганлигини билиш ҳануз четда қолиб келмоқда.

Шундай экан, биз бутун куч ғайратимизни ана шундай наинки илмий долзарб, балки замонавий мусиқа ижодиёти учун ниҳоятда зарур саволларга жавоб топиш йўллари аниқлашимиз керак. Бунда айнан “Бобурнома” ва унга ўхшаш манбалар мусиқашуносларимиз (ва ўзга санъатшуносларимиз) учун қўл келиши шубҳасиздир.

“Бобурнома”даги мусиқий хабарларнинг энг маълумлари Ҳусайн Бойқаро замонида тааллуқлидир. Китобдан-китобга кўчавериб, маълум даражада буларга эътибор сусайган. Шунга қарамай, мазкур маълумотларнинг ҳам айрим қирралари энди-энди очилмоқда. Масалан, ўша даврнинг машҳур санъаткори Хожа Абдулло Марворийга бағишланган парчаларни олайлик. Бобур унинг бетакрор созанда – қонунчи бўлганлигини икки жойда такрор-такрор таъкидлайди. Ҳатто бу созанда махсус мусиқий безак тури – гирифт (замонавий истилоҳда – трель) Марворий томонидан ихтиро этилганлигини алоҳида қайд этади. Лекин афсуски, бу созанда нозиктаъб бастакор бўлганлиги, буни замондошлар тан олганлиги, ҳатто Алишер Навоий ғазаларига

куйлар (булар орасида “*Дин офати бир муғбачаи, моҳлиқодур, майхораю бебок*” мисраси билан бошланувчи “Мустазод”и)ни басталаб, ном чиқарганлиги ёритилмай қолган.

Демак, бундай ҳолларда юқоридаги эзгу илмий мақсад – мумтоз куйларимизни даврлаштириш жараёнида кенг кўламда, яъни бир (“Бобурнома”дек обрўли) манбадан ташқари, шу масалага алоқадор ўзга (айтайлик Мирхонд, Хондамир, Восифийларга мансуб) асарлардан ҳам фойдаланиш ўринли кўринади. Ана шундагина бизнинг исботларимиз янада ишонарлироқ бўлади. “Бобурнома”нинг 911 йилга оид саҳифаларининг охирида жами 9 санъаткор – созанда-далардан яна Хожа Абдулло Марворий, Қул Муҳаммад Удий (уд, ғижжак), Шайхий Нойи (най, уд, ғижжак), Шоҳқулий (ғижжак), Ҳусайн Удий (уд), мусанниф (бастакор)лардан Ғулом Шодий, Мир Азу (Ғазу), Биноий ва Паҳлавон Муҳаммадлар ҳақида бир-биридан мазмунли маълумотлар келтириладики, биз яна бир бор Бобур Мирзонинг қай даражада мусиқа оламидан бохабар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Булар таърифида, Бобур деярли ҳар бири ё ижрочилик (асосан созандалик)да ёки бўлмаса, XIV-XVI асрларда устуворлик қилган ашула йўлларида **нақш**, **савт**, кўпроқ эса чолғу йўлларида – **пешрав**лар ижодчиликда ном чиқарганларини қайд этади.

Албатта, ушбу мақола пировардида одатдагидек “Бобурнома” – мусиқашунослар учун битмас туганмас манба эканлигини таъкидлаш билан чекланиш мумкин эди. Бунинг ўрнига мен табаррук ҳадислардан биридаги доно нақлни келтирмоқчиман: “*Илм икки хилдир: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурида банда зарарига далил бўлади*”.

Шу боис, мазкур ҳикматнинг дастлабки даъватига амал қилган ҳолда қуйидаги таклифларга ҳамкасбларим эътиборини жалб этмоқчиман.

1. Аввало, одат тусини олган “Бобурхонлик”лар қатори, бизнинг мухтасар анжуманимизга ўхшаш санъатшуносларнинг илмий-тарихий, илмий-назарий ва яқин келажақда илмий-амалий “Бобурхонлик”лари анъанага айлансин.

2. Шу кунга қадар “Бобурнома” бир неча маротаба нашр юзини кўрган бўлса, энди унинг тўла матнини санъатшунос олимларнинг изоҳлари билан чоп эттириш зарур.

3. Узоқ (XIV-XVI асрлар) ва яқин (XVIII-XIX асрлар) ўтмишда юзага келган мусикий меросимиз намуналарини бирма-бир саралаш, муҳими – д а в р л а ш т и р и ш ва умумлаштиришга оид махсус илмий-амалий анжуманни чақириш пайти келди. Зеро, мустақиллик саболари турфа мусикий садоларимизни ҳам атрофлича ўрганишимизни тақозо этмоқда.

1994 йил

ДЕБОЧА

Соз этиб чангу ул унга руҳ афзо суруд...

...Чолибон нақшу амал боғлаб Навоий шеърига.

Она юртимизда истиқлол саболари қулоч ёзаётган даврда бу йилги Рўза кунлари ўз ишини бошлаётган илк “Ражабийхонлик” анжуманимизни, биз уч аллома, уч ҳалолхўр устоз, мақом мулкимизнинг забардаст билимдонлари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, атоқли танбурчи Ризқи Ражабий (1887-1978), академик Юнус Ражабий (1897-1976), санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабов (1927-1982)ларнинг табаррук хотираларига бағишламоқдамиз.

Маълумингизким, яқин-яқинларгача Ўзбекистонда “Пушкинхонлик”лару, “Есенинхонлик”лар, Санъатшунослик институтининг ўзида “Массонхонлик”лару “Беляевхонлик”лар мунтазам ўтказилар эди.

Мана энди шукрлар бўлсинки, “Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик”, “Яссавийхонлик” ва “Ҳазиний хонлик”лар бизга насиб этмоқда. Ўзининг илк қадамини қўяётган “Ражабийхонлик” ҳам ана шу аслий ва асрий қадриятларимиз қаторидан абадий ўрин эгаллашига ҳеч шубҳа йўқдир. Зероки, буларнинг бариси аллақачонлар Ер юзидаги деярли барча давлатларда эътиқод ва эътироф этилган. Қолаверса, айнан мазкур қадриятларимиз туфайли мустақилликка эришиб, қаддини ростлаётган Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамияти изчил ва кетма-кет тан олмоқда. Фарғона шаҳридаги Уста Олим номидаги 1-муסיқа мактаби, Тошкентдаги Ҳамза номидаги муסיқа билим юрти, ниҳоят, Тошкент давлат консерваториясидаги кўп йиллик таҳсил мобайнида, мана, деярли 35 йиллик муסיқашунослик фаолиятим жараёнида тақдир менга кўп донишманд устозларни, садоқатли шогирдларни насиб этди. Шу билан бирга, мазкур йиллар давомида Аллоҳ таолонинг ўзидан улкан Истеъдод ва Инъом

олган ҳақиқий дарға санъаткорлар ва “аввал сиёсат, сўнгра ҳақиқат” дея иш тутувчи санъаткорларни ҳам кўрдим. “Санъатчи” ва “саначилар” орасида Ер ва Осмон орасига тенг фарқ мавжудлигини англадим. Ризқи ва Юнус Ражабийлар, Исҳоқ Ражабов ҳам – ана шундай асл санъаткор бўлишган. Буларнинг ҳар бири билан бир неча маротаба учрашиб, самимий мулоқотларида бўлишга муяссарлик насиб этганидан беҳад хурсандман. Зеро, бу суҳбатлар, бу учрашувларнинг ҳар бири ҳеч хотирамдан кўтарилмай, касбий ва инсоний эътиқодимни танлашимда муҳим омил бўлди. Бундан чорак аср муқаддам Санъатшунослик Институтининг аввалги (Абдулла Тўқай кўчаси бошидаги) биносида деярли ярим кечаларгача қолиб – мусиқа меросимиз дурдоналарини ноталаштириш билан банд бўлардим. Бу жараёнда Юнус ота Ражабийнинг, айниқса, туб ўзбекча усулларимизни қоғозга тушириш борасидаги холисона маслаҳатлари, булардан баъзиларининг ёзилишига оид ўта қимматли амалий кўрсатмалари ҳали-ҳали қулоғимда. Шунингдек, илк асарларни нота қоғозига туширишга муяссар бўлганимда уларни бу борадаги устозларим – атоқли созанда (ғижжакчи) Сурен Габриэлян ва таниқли фольклоршунос Файзулла Кароматовга топшираётганимда булар ёнига Исҳоқ Ражабов ҳам қўшилиб, ўз фикр ва таклифлари билан қатнашиши мен учун муҳим сабоқ бўлди. Ниҳоят, илк ўзбек мақомшунос олими Исҳоқ Ражабов ўз оталари Ризқи Ражабий ёнларида ўтириб, уларнинг танбурларидан таралаётган турфа куйларга – ўз дутори пардаларидан ўта нозик ҳамсадоликлар кашф этганларининг гувоҳи бўлганлигим ҳам мен учун бир олам фикрларга замин келтирди.

Кейинроқ, Ўзбекистон Қомуслари Бош таҳририяти тузилиши ва иш бошлаш жараёнида – Исҳоқ Ражабовнинг қай даражада теран мақомшунос, кенг кўламда эса том маънодаги донишманд – меросшунос олим

эканликларини бевосита кўришга муяссар бўлдим. Ўша кезларда қомуслар таҳририятига замондош алломаларимиздан бири, академик Иброҳим Мўминов карвонбошилиқ қилар эдилар ва алоҳида таҳририятлар ишини режалаштиришда ҳар бир соҳа бўйича энг обрўли мутахассислар фикри инobatга олинар эди. боз устига, зарурат туғилса, у ёки бу таҳририятга – бевосита шу соҳанинг мутахассислари ярим (ҳеч бўлмаганда чорак) иш ҳажмида муҳаррирлик лавозимига жалб этилар эди. ўйлайманки, камина ҳам айнан Иброҳим Мўминов орқали Қомуслар таҳририятига расман ишга таклиф этилишида Исҳоқ Ражабовнинг холисона тавсиялари бўлган кўринади. Зеро, тақдир тақозоси билан илк қомусбоп мақолаларимни ёзишимда устоз-олимнинг аввалги мақолалари мен учун бир мактаб вазифасини ўтаган эди. бундан ташқари, “Ўзбек совет энциклопедияси”нинг 6-жилди (1975)даги “Лад”, 7-жилди (1976)даги “Музыка безаклари” ва “Натурал ладлар”, 8-жилдидаги “Нота ёзуви” сингари кенг мазмунли мақолаларни Исҳоқ Ражабов билан ҳамкорликда яратганимиз ҳам менга бетакрор бир илмий жараёни насиб этди.

Мана йиллар ўтди, буткул Марказий Осиёда биринчи бўлиб – 14 жилдлик ўзбек Қомуси нашр юзини кўрди, кетидан “Ўзбекская ССР”, “Ташкент”, “Тошкент”, “Бу ким, у нима?” (3 жилдлик) каби махсус қомуслар чоп этилди. Лекин вақт ўтган сари Исҳоқ Ражабов қай даражада бу соҳанинг билимдони, ҳақиқатдан том маънодаги қомусий олим бўлганлигини энди-энди қадрига етмоқдамиз. Демак, биз, ҳозирги кунда замона зайли билан иш тутиб, Исҳоқ Ражабовнинг мусиқашунослигимиз тараққиётидаги бетакрор ўрни, соҳашумул тадқиқотлари моҳияти, кеч бўлса-да атрофлича умумлаштирилиши ва баҳоланиши пайти келганлигини тўла англайлик.

Авалло, устоз олим Ўзбекистонда биринчи бўлиб

узоқ ва яқин салафларимизнинг ўнлаб ноёб рисола-ларини топиб, саралаб, умрларининг охиригача ҳоли-қудрати изчил тарғиб этиб келганликларини эслай-лик. Ал-Киндий (тахм. 790/800-870), Абу Наср Форобий (873-950)лардан тортиб – Вожид Алихон Ҳиндистоний (XIX аср)ларгача бўлган минг йилдан зиёд улкан бир даврга оид аксарият қўлёзмаларни танқидий матнла-ри, тушунтириш изоҳлари, ҳар бир муаллиф ҳақида тўплаган қимматли маълумотларини махсус тўплам¹⁴¹, нуфузли ойномаларда¹⁴² илк бор эълон қилдилар. Шу боис, Исҳоқ Ражабовни Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Марказий Осиёда – м у с и қ и й м а т н ш у н о с - л и к н и н г а с о с ч и с и дейишимизга тўла асос бор.

Боз устига Исҳоқ Ражабов ўзларининг аксарият тадқиқотларида ана шу бебаҳо илмий қадриятимизга хос анъаналарни узвий даво м эттиришга интил-дилар ва бундай сайъ-ҳаракатлари билан ўтмиш ва ҳозирги замон мусиқа илми орасида мантиқий кўприк яратиб кетдилар. Шу сабабдан, илмимиздаги ришта-лар узилмади. Ва минг шукрлар бўлсинким, бизнинг қатор замондошларимизнинг илмий изланишларига аллома ўтмишдошларимизнинг табаррук руҳлари ёр бўлиб, булардан ҳам Она диёр ҳарорати, гўзал замини-миз атри сезилиб турибди.

Исҳоқ Ражабовнинг яна бир улкан хизмати – минтақада замонавий мақом шунослик оламига ки-риб келиши, буларнинг тарихий-назарий масала-ларига қизиқиши болалигидан бошланган, десак хато бўлмас. Зеро, оила аъзоларининг эслашича, уларнинг дадалари танбурда мумтоз куйларни чертганларида ёки амакила-ри (Юнус ака) мақом йўллари хиргойи этганларида ёш Исҳоқжон ўйини ва ўзга ишларини йиғиштириб, зукко-

¹⁴¹ Ближний и Средний Восток. В кн.: Музыкальная эстетика стран Востока. – М.: Музыка, 1967 (совместно с А.Сагдеевым). 5 п. л.

¹⁴² К истории нотной письменности на Востоке // Общественные науки в Узбекистане. 1962, №10; Ноёб музика манбаи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1968, №8-9.

лик билан мазкур асарларни берилиб тинглар, ака-ука устозлар мулоқотига зийрак қулоғини тутар экан.

Боз устига, айнан болалик чоғларидан бўлажак мусиқашунос-олим ўзи ҳам танбур, сўнгра дутор каби созларда машқларини бошлаб, тез орада хейлигина муваффақиятларни қўлга киритади. Бора-бора Ризқи отанинг ёнларига бемалол кўшилиб, ўзига хос мухта-саргина оилавий ансамбль юзага келишига сабабчи бўлади (Мазкур ансамбль ижросида қатор меросимиз дурдоналарини Санъатшунослик институти фонотека-сига ёзиб олиниши жараёнида ҳозир бўлиш ҳам менга катта бир сабоқ берганлигини эслаб ўтмоқчиман).

Шу боис Исҳоқ Ражабов, аксарият мусиқашунос-ларимиздан фарқли ўлароқ, Бухоро Шашмақоми, Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва Хоразм мақомларини нота ёзувлари, грампластинкалар орқали эмас, балки бевосита ўзи созларда чертиб, ўзи хиргойи қилиб изчил ўзлаштириб келди. Натижада олим ҳаммани ҳозиргача ҳайратда қолдирувчи бир сеҳрли Инъом – у ёки бу кўйни дарров таниб олиш, булар талқинида энг жузъий нуқсонларни ҳам дарҳол англаш қобилиятига эга бўлдилар. Айнан мақомларга келсак, айтайлик Шашмақомнинг ўзидагина жами 250 дан зиёд куй ва ашула йўллари мавжудлигига қарамай, Исҳоқ ака ҳеч адашмай буларнинг ҳар бири-ни – илк садоларданоқ ажрата олар эдиларки, бундай қобилиятни, биз ҳанузгача наинки мусиқашунослар, балки манман деб юрган хонанда ва созандаларда ҳам камдан-кам учратамиз.

Исҳоқ Ражабов мақом мулкимизнинг тадқиқот-чисигина бўлиб қолмай, бу бойликнинг серғайрат, фи-дойи тарғиботчиси ҳам эдилар. Бу савобли ишнинг юқори савиядаги ибратли намуналарини олимнинг Тошкент давлат консерваториясининг Шарқ мусиқа ка-федраси шаклланиши жараёнида бошлаб берган “Мақом асослари” ўқув к у р с л а р и, кўп йиллар мобайнида

хаво мавжлари орқали мўтасил бериб боришган қатор рад и о т у р к у м л а р и, Жўмхурият ва Халқаро миксидати анжуманларда ўқиган мазмундор маъ - р у з а л а р и д а я ққол сезиш мўкин эди. Бундай чиқишларнинг жозибадор томони шунда эдики, Исхок ака буларнинг ҳар бирига хос томонлари пухта би - либ, муайян соҳага монанд илимий мезон, услуб ва баён тилини танлай билардилар...

Юнус Ражабий шу кунга қадар мўсика ахли ичи - да халқ созандаси ва хонандаси, кейинчалик таниқли бастакор ва мерос хазинабони пиллаполярлардан – Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги да - ражасиғача ўсиб етгач я т о н а санъаткордир. Бун - дай юксалишининг асл сираси хақида ўйласак, ўзоқ ва яқин ўтмишда серқобилит Она заминимиз нақадар саховатли бўлганлигини эслашимиз зарур. Бу заминда бизнинг давримизда ҳам Хабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Юнус Ражабийлардек донишмандлар фао - лияти ана шу сиғиланинг ёркин инъикосидир.

Юнус Ражабий мўсика санъатимизга киритган сатмоқли хиссасини 20-30-йиллардан, “Баҳор” син - тари лирик, “Ёшлар”, “Хаммамиз”, “Кўнрок боғлар”, “Ўрқотлар”, “Чаманзор” каби маршсимон чолғу қўйла - ри билан бошлаган. Бу даврда тарихий ахамиятга мо - лик муҳим ижодий жараён, яъни XX аср ўзбек мўсикий ли у ф а т и ш а қлаана бошлагани,¹⁴⁵ бунда Юнус Ража - бийдан ташқари қатор қатта авлод бастакорларимиз, атоқли созанда ва хонандларимиз улуғлиши мавжуд.

Албатта, кейинчалик ҳам Юнус Ражабий таниқли бас - тақор сифатида ўнлаб қўй, қўшиқ, ашуларари, халқ ти - лига тушган мўсикали драмалари, Лонди Зокиров, Толиб - жон Содиқов ва Б.Зейдманлар билан биргаликда яратган

¹⁴⁵ Фикрилизча, мазкур жарёани Тўхтасин Жалиловнинг “Сигнал”, Матюсуф Харратовнинг “Қолхоз марши”, Абдурахмон Умаровнинг “Қизил аскар” каби оммабоп чолғу асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

“Зайнаб ва Омон” операси туфайли мўсика ижодиё - тимиз тарихидан абадий ўрин эгаллаган, лекин ана шу дастлабки ўн йиллар ахамияти, қўл жихатдан хал этувчи ўрни ўзгачадир. Шу боис хозирги кунда қўшиқлардан - қўйларга, бир бастакор ёки композитордан – иккинчиси - га қўчиб юрган “омавий” оханту услулар изчил тақдик этилипти-ю, буларга жон ато этган, XX асрдати мўсикий тафаккуримизга қарвонбошлик қилганлар хизмати ўрганимай қолаётганлиги не ачинарли ҳол эканлигини бу ерда эслатиб ўтиш ўринлидир.

Юнус Ражабий хақида гап кетганда “Маком ало - маси”, “ўмри мақомдек боқий” каби иборалар қўл (ва ўринли) ишлатилади. Лекин назаримда, бу ма - салата бир томонлама ёндашидир. Ахир баракали санъаткор қалами остида нотата битилган 45 та чолғу асар, 153 та ашула йўлларини ўз ичига олган Бўхо - ро шашмақомидан ташқари, “Ўзбек халқ мўзикаси” тўптамининг I-IV жилдларида 20 дан ортик Фарғона қатта ашуларари, 200 га яқин чолғу асарлар, салкам 550 та қўшиқ ва ашуларлар¹⁴⁴ мавжуд-қу. Демак, биз бутун илк “Ражабийхонлик”да Юнус Ражабийнинг мўсикий хазинабонлик соҳасидати хизматларини мезонлар эканмиз, бу масалата кент қўламда ёндашишимиз за - рур, деб ўйлайман.

Худди шу йўсинда Ризки Ражабий фаоллиятига баҳо бермоқчи бўлсак, бу табаарпуқ зот – наннки танбурчи - лар, балки умуман созандалар даврасида Ўзбек анъа - навий ижрочилик санъатининг обрўли билмидони, ўнлаб мўмтоз қўйларимизнинг бетакрор тақкичиси бўлганлиқларини ўрганишимиз керак.

1994 йил

¹⁴⁴ Бундан ташқари, 30-йилларда нашр юзини қўрган бир нечта нота тўпламларида ҳам Юнус Ражабий ёзиб олган ўнлаб асарлар ўрин олганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

XX АСР ЎЗБЕК МУСИҚАСИ ВА ЮНУС РАЖАБИЙ

Жаҳон мусиқа маданиятида шундай демиурглар борки, булар яшаган давр узоқлашган сари мерос қолган асарлари, ижрочилик бобидаги талқинлари ва ҳатто ҳаёт тарзи шунчалик қадрлана борар экан. Иоганн Себастьян Бах ва Людвиг Бетховен, Жузеппе Верди ва Фридерик Шопен, Ференц лист ва Жорж Бизе, Сергей Рахманинов ва Дмитрий Шостаковичлар ана шулар тоифасидандир. Зеро, деярли ҳар бири наинки мазкур соҳаларда ном чиқарган, балки буткул бир миллат, улкан тарихга бой бир маданиятнинг фахрли **рамзига** айланиб кетган...

Дунйнинг қай бир ерини олмайлик – бу номларни танимаган, ҳеч бўлмаганда бирор асарини тингламаган инсонни топиш ҳозир, яъни янги аср ва янги минг йиллик палласида анқонинг уруғи каби бўлса керак. Бу аксиомадир. Бас, шундай экан, узоқ-яқин ўлкаларга насиб этган сафарларда бўла туриб, қани энди, биз, кимсан ўзбекларнинг ҳам асрларга тенг мусиқасининг ана шундай рамзларини дарғалари ҳақидаги ўйлар ва орзуларга ботар чоғларимга ахён-ахёнда қайтаман. Агёр хаёл эса юқоридаги оламшумул ижодкорлар кўп асрлик умумоврупоча кўп овозли мусиқа намояндаларидир, бизда бундай услуб – атиги 70-80 йил мобайнида ниҳол топиб, ривожлана бошлаган-ку, деган фикрга чорлайди. Бу ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Лекин мақомларимиз мажмуи – Шашмақом таркибидагина бизгача етиб келган Бузрукдаги Насруллои, Ислимхон ва Султон, Наво мақомидаги Хусайний, Дугоҳдаги Ҳожихўжа ва Ашкулло, Сегоҳдаги Мирза Ҳаким ва Бастанигор сингари табаррук номлар силсиласини ёки ашула ва катта ашулаларимиз сарлавҳасида сақланиб қолган Абдурахмонбеги, Феруз, Каримқулбеги, чолғу йўлларидаги Мирзадавлат, Алиқамбар каби исмларни кўз олдидан ўтказар эканман, доим табиий бир савол туғилади. – Нега булар ва

имоним комилки, буларга ўхшаш яна ўнлаб ва юзлаб ижодкорларимиз отларини ўзида мужассам эта олган саноғи йўқ асарлар асрлар оша бизга инъом этилади-ю, буларга умрбоқийлик ато қилган муаллифлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолинмаган? Бу нима, мазкур ижодкор аҳлига ўз замондошларининг бефарқлигимиз? Ёки алғов-далғовликлар билан тўлиб-тошган тарих ва тақдир қисматими?

Назаримда, ҳам у, ҳам бу ва булардан кейинги янада ачинарлироқ сабаблар. Ачинарлироқ дейишимнинг боиси, ҳозирги кунга қадар деярли 1500 йиллик тарихи, шаклланган анъаналари, муайян ижрочилик ва ижодчилик мактабларига эга бўлган ўзбек бастакорлик санъати сўнгги 150 йил, яъни Туркистонни Россия босиб олиши биланок, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, бир чеккага суриб чиқарилди. Ота-бобларимиздан омон-эсон етиб келган туб маҳаллий ижодиёт ўрнига, соф оврупоча кўп овозли мусиқа шакллари сингдирила бошланди...

Ана шундай ўта мураккаб жараёнда она заминда Ҳожи Абдулазиз Расулов, Мулла Тўйчи Ҳофиз Тошмуҳаммедов, Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов, Мирзақосим Ҳофиз, Мадумар Ҳофиз, Ҳамроқулқори ва Эркақори, Матёқуб ва Матюсуф Харратовлар каби серқирра фаолиятли санъаткорлар туғилиб, мусиқий ижод ва ижро, илм ва таълим соҳаларидаги бой анъаналаримиз йўқолиб кетмаслиги гарови бўлдики, Яратганга шукроналар бўлсин. Ўз навбатида, булардан бевосита ва билвосита сабоқ кўрган Юнус Ражабий ва Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов ва Фахриддин Содиков, Ғанижон Тошматов ва Комилжон Жабборовлардек теран бастакорлик соҳиблари, ижрочилик моҳирлари пайдо бўлиб, мавжуд ришталар маълум даражада бузилган бўлса-да, охир-оқибатда интиҳога юз тутмади, бунга ҳам минг шукрлар айтамыз!

Мухтарам ўқувчи, Ҳамза қани, муаллиф нега Ҳамзадек забардастни унутаёзди? дея каминага ички луқмасини рўкач қилаётган бўлиши мумкин. Ахир бир пайтлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг XX аср ўзбек мусиқаси, театр ва драматургиясига қўшган ҳиссаси ҳақида мусиқашунос ва театршуносларимиз махсус китоблар яратишган. Айрим ҳамзашуносларимиз ўз диссертация ва қатор рисолаларида Ҳамза янги ўзбек операси, симфоник ва хор мусиқасига қўл урган, деган фикрни ҳам ўртага ташлаган эди-ку? Ҳа, бариси тўғри, шундай муаллифлар, уларнинг китоб ва мақолалари-ю диссертациялари яқин ўтмишдаги мафкуравий тузум ҳосилларидир. Бизнингча, Ҳамзадек мураккаб шахс ва ижодкорнинг оқилона баҳоси келажақда. Унинг қўшиқчилик санъатимизга қўшган улушини ҳеч инкор этмаган ҳолда бир ҳақиқатни тан олишимиз зарур: Ҳамза билан ёнма-ён туриб, чинакамига **ўзбекона** оҳанг ва усуллар заминида ўнлаб куй, қўшиқлар яратган Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов каби бастакор ёки ижодий тафаккур сохиблари бўлган Абдурахмон Умаров, Матюсуф Харратовлар “Яша, Шўро!” муаллифининг соясида қолиб кетишган. Бу ҳам тўғри, бу ҳам ҳақиқат.

Қуйида биз, ҳозиргина санаб ўтилган санъаткорларимиздан аллома, нозиктаъб созанда, иссиқнафас хонанда ва бағрикенг мақомдон устоз ва аксарият асарларида айнан шу йўналишга таянган бастакор Юнус Ражабий фаолиятига диққат-эътиборни жалб этмоқчимиз.

Бундан роппа-роса 100 йил муқаддам, яъни XX аср бўсағасида таваллуд топган санъаткор болалик чоғлариданоқ созандалик ва хонишлар қилиш, янгича куйлар тўқишга меҳр қўйган экан. Шу боис у халқимиз орасида ана шу аср бошларида танилган ва тан олинган самарқандлик Ҳожи Абдулазиз, бухоролик Домла Ҳалим, водийлик Мирзақосим, тошкентлик Тўйчи Ҳофизлар ўғитини бевосита ўзлаштиришга киришади. Вақтини аямай, булар кетидан даврама-даврагина эмас, шаҳарма-

шаҳар кезиб, ўзига маъқул, овозига монанд асарларни “сиртдан” ёдлаб юради. Баъзи китобу мақолаларда ёзилишидан фарқли ўлароқ, Юнус Ражабий 1917 йилдан кейин эмас, балки ундан аллақачон аввал ўз ижро, ижод йўлини англаб олади ва бутун вужуди билан қабул этиши зарур бўлган “янги ҳаёт” талабларию асл мақсад измлари ажрата олгандек кўринади.

Бунинг **асосий** исботи тариқасида биз Юнус аканинг ана шу “сана” арафасида ва ундан кейинги дастлабки даврдаёқ елкаларига таги кўринмас улкан бир хуржунни юклаб, қишлоқма-қишлоқ аллаю-яллаларимиз, лапару-қўшиқларимиз, ашулаю-катта ашулаларимиз, достону мақомларимизни бир чеккадан тўплаш, “замонавий” нота ёзувига туширишга киришади. Савоби олтин бу ишнинг самараларини 1930 йиллардаёқ нашр юзини кўрган ўзбек халқ мусиқа меросидан – “Фабрика”, “Қайларга борай?”, “Жўралар”, “Гулёр” каби оммабоп қўшиқлар, “Тановар”, “Андижон самоси”, “Сайёра” сингари лирик ашулалар, замондош бастакорлар (Тўхтасин Жалиловнинг “Сигнал”идек) асарларини илк бор нотага олинганида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, Юнус Ражабий, бу соҳадаги давтлабки тажрибаларида назарий билими, амалий машқларини ўстириши зарур эканлигини сезади.

Улкан устозларидан деярли ёдлаб олган мураккаб куй ва ашулаларини сифатлироқ нотада ифода этиш йўллари излайди. Эндигина очилган Тошкентдаги Туркистон халқ консерваторияси, сўнгра Тошкент мусиқа техникуми ва бастакорлик курсларида таҳсил кўради.

Айнан XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари, хусусан, 1920 йиллар бошида Тошкентдаги собиқ “Қолизей” театрида саҳналаштирилган “Фарҳод ва Ширин” (1922), “Лайли ва Мажнун” (1926) каби спектаклларга ўзбек мусиқа мероси намуналарини танлашда ёш Юнус Ражабий, Ш.Шоумаров ва бошқа устозлари ёнида тета-

поя туриб, том маънодаги ижодий жараёни бошдан кечирадики, бу ҳам унинг учун асл бастакорлик дорил-фунунига айланади. Айнан ана шу йиллари Ражабий номини наинки санъат аҳли, балки бутун Ўзбекистонга танитган “Баҳор” марши, “Ёшлар марши”, “Комсомол марши”, “Ўртоқлар” сингари чолғу асарлар, “Ҳаммамиз” (Жиғай шеъри), “Ғалаба” (Уйғун шеъри), “Ўртоқлар” ва “Тулбоғлар” (Ҳабибий шеърлари) каби қўшиқлар, “Ёр ила” (Муқимий ғазали) ашуласи юзага келди.

Булардан биттагина “Тулбоғлар”ни олсак, ундан бир томондан асримизнинг дастлабки ўн йилликларида шакллана бошлаган пуфлама созлар оркестрларининг садолари, иккинчи тарафдан “Аскарый”га оҳангдош (авж қисми) ва усулдош жумлалар ўзаро *пайванд* этилгани ққол сезилади. Муҳими, мазкур қўшиқ заминиди кейинчалик ниҳоятда машҳур бўлиб, Ўзбекистон радиосининг қишлоқ-хўжалик ходимлари учун бериладиган кундалик туркумининг кўп йиллар мобайнида мусиқий *рамзига* айланган “Баҳорим” куйидек Юнус Ражабийнинг бадиий етук асарларидан бири яратилган.

Ижодкорнинг ўзбек мусиқали драмаси ривож, мазмунан кенг қулоч ёйилишидаги бевосита улуши Иккинчи жаҳон уруши йиллари, айниқса, баракали бўлди. Композиторлардан Б.Надеждин билан ҳамкорликда А.Умарий ва Ш.Туйғун пьесаси асосида “Қасос” (премьераси 1941 йилнинг 19 декабрида), Н.Миронов ҳамкорлигида “Кўчқор Турдиев” (Собир Абдулла ва Чустий пьесаси, премьераси 1942 йилнинг 5 декабрида) ва, айниқса, Г.Мушель билан биргаликда Ҳамид Олимжоннинг тарихий драмаси заминиди ёзилган “Муқанна” (премьераси 1943 йилда) каби мусиқали драмалари жанр шаклланиши жараёнидаги эътиборга молик асарлардир. Буларга аввалги (“Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”)ларга ўхшамас услубга таяниб, Юнус Ражабий илк бор муайян саҳнавий ҳолат, у ёки бу қахрамон кайфиятини акс эттирувчи ария, қўшиқ ва чолғу куйлар басталашига тўғри

келди. Хусусан, “Кўчқор Турдиев”даги “Не наво соз айла-гай” (Алишер Навоий ғазали) ёки “Муқанна”даги “Куй-гай” (Ҳамид Олимжон ғазали) сингари айнан *ражабийча* мустақил бастакорлик услубига хос боқий битиклар ана шулар сирасидан ўрин эгаллаган эди. Бундан ташқари, мазкур мусиқий-саҳнавий асарларда Юнус Ражабий баҳоли-қудрат бу борадаги *умуминсоний* тажрибалардан ҳам фойдаланишга интилади ва айрим лавҳаларда гуруҳли хор, икки-уч хил ансамбль саҳналарини киритади-ки, бунинг ўзи ижодкор тафаккури қай даражада кенг, ўша даврдаёқ жаҳон мусиқа амалиёти билан узвий боғлана бошлаганидан далолат беради.

Бу эзгу интилиш инъикосини биз кейинчалик 50 ва 60-йиллар маҳсули бўлмиш янги таҳрирдаги “Фарход ва Ширин” (Г.Мушель билан ҳамкорликда), “Навоий Астрободда” (Иноят Махсумов пьесаси, мусиқаси Сайфи Жалил билан яратилган) мусиқали драмалари ва, айниқса, ҳаммуаллифликда юзага келган “Зайнаб ва Омон” (1958 йил, Зулфия либреттоси асосидаги) операсида яққол кўрамыз. Кўп жихатдан сўнгги асар диққатга сазовордир...

Биринчидан, “Зайнаб ва Омон” XX аср ўзбек мусиқаси тарихида маҳаллий бастакор (кўп овозли мусиқа яратувчи композиторлар қатори) иштирокида яратилаётган иккинчи опера эди. Эслатиш ўринлики, мусиқа ижодиётининг энг мураккаб соҳаларидан ҳисобланиб келинаётган мазкур жанрдаги бастакорлик тажрибасини 1949 йили бошлаб берган дарға ижодкорларимиздан бири, ўзбек мусиқали драмасининг асосчиси Тўхтасин Жалиловдир. Маълумки, у Б.Бровцын билан биргаликда мазкур ишни амалга оширган ва анъанавий йўналишда ижод этувчи бастакорлар ҳам операдек масъулиятли жанрда композиторлар ёнида тета-поялик қилиб, бу мураккаб вазифани ҳал эта олишга қодирлигини исботлаб берган.

Демак, орадан ўн йил ўтиб-ўтмай Юнус Ража-

га қарамай, Юнус Ражабий, наннки операдати айрим сахналардагина маком оханглари ва типик усулларига мувожаат қилди, балки айнан ана шу аксилмакомлик хурусан, Усмон Юсуповнинг қўлиаб-қувватлаши туфай-ли ўзбек мусика меросининг асосий қатламлари, яқин ўтмиш ва замондош бастакарлар ижоди намуналари қатори, Бухоро Шашмақоми, Фарғона-Тошкент маком йўлларини даярли тўла-тўқис тўлиаб, нота ёзвиги тауши-ради. 1955-1959 йиллари кетма-кетига ўздавнашарпёти томонидан чоп этилган “Ўзбек халқ музикаси”нинг I-IV жилдларида қарийб 750 га яқин асар, V жилда эса ўша кезлари маълум бўлган ропта-роса 202 (46 чолту ва 156 ашула йўлларидан иборат) маком қўйлари ўрин олган. Мингини ўрган бу хазинага Юнус Ражабийнинг 20-30 йилларда нотага олган 93 та халқ қўйлари (29 та си “Ўзбек халқ қўшиқлари” тўпламининг I-китобидан наشر этил-ган), “Шашмақом”нинг 1966-1975 йилларда янги наш-ри ва, нихоят, аллома вафотидан сўнг нашрдан чиққан “Музыка меросимизга бир назар” (1978) китобидати ўлиаб асарлари қўшсақ – жами 1500 дан зиёдрок мерос намуналаридан иборат рўйхат юзага келади. Булар ора-сида серкатлам ва сершева ўзбек халқ кўи ва қўшиқлари, мутоз мусикамиз дурдоналари, баъзан ўта нодир, шак-лан ва мазмунан камёб асарлар қатори тожик, уйғур халқлари фольклоридан лавҳалар, XIX аср охири – XX аср биринчи ярмига доир бастакарлик ижодиёти наму-налари жамланганлигини инобатга олақ, Юнус Ражабий хақиқатдан *муслиқий бунглир хазинабонни* эканлигини хозир, янги аср, навқирон мингйиллик арафасида эъти-молиа эътироф этишимиз ҳам қарз ҳам фарзидир.

151 Тўмасибек Фодурбеков

бий операта қўл уриб, “Зайнаб ва Омон” асарини То-либжон Содиков вафотидан сўнг, Дони Зокиров ва Б.Зейдманлар қатори ниҳасига етказган. Ушбу асар хақида баъзи-баъзида “тўрт мусика муаллифи – тўрт томонга йўрғалар” қабилдиги галлар хануз қўлоққа қалиниб келмоқдати, мен қуйида бу ҳақда муфассалроқ тўхтаб ўтмоқчиман.

Назаримда, XX аср ўзбек шеърятининг *қўшш бўлмиш* Хамид Олимжон қалами остида халқчил тўқилган до-стоннинг ўзи “Зайнаб ва Омон” операсининг муслиқий драматургиси, бош қахрамонлар қиёфаси йўналиши, лейтмотивлар тизими ва бошқа йўсинларини аллақачон белгилаб қўйган. Зеро, умрининг охирида мазкур до-стондан илхомланган Толибжон Содиков асл ўзбекона муслиқий-луғавий диалектаримиз билгидони Дони Зо-киров, маком мулкимиз хазинабони Юнус Ражабий ва тажрибаги Борис Зейдманлар опера муслиқасини Зулфия либреттоси асосида яратилар экан, бирламчи и назмий манбадиги геран лирик, баъзан кўтаринки *доманлик* рўхиятини авайлаб қолштига бир ёқадан бош чиқариб ин-тилишган. Парда очилиши биланок янтрайдиган “Зайнаб мактуби”, Омоннинг “Ассалом...” арияси ва унга уланган “Зайнаб ва Омон дўэти” юкоридати фикрни яққол ис-ботлайди. Шу билан бирга, асарда кент қўламли ўзбек мусика мероси қатламларидан – элик достон (“Рас хикояси”), маком йўллари (опера муқаддимаси, айрим омавий сахналар), фольклор намуналари (қатор рақс, “Эршнинг хазил қўшиғи”, тўи маросими)дан самарати фойдаланганлигида, шубҳасиз, Юнус Ражабий хизмат-лари бекиёс, деб ўйлайман. Диккатга сазовор томони шундаки, опера яратилаётган давр – 50-йиллар бош-ларида макомларимиз ўз такдирда илк маротаба ўта мақуравийлашиб кетган “маданнинг бошқарувчилари” томондан таъйиққа учратан эди. Макомларни тақдик ва тарғиб этиш, бастакарлик ёки композиторлик ижоди-да улардан фойдаланиш даярли ман этилган эди. Шун-

ажралмас бир йўналишига айланаётганлигида ҳам бе-назир санъаткорнинг хизматлари **беқиёсдир**.

Зеро, Юнус Ражабий мақом ансамбллари тузиш, таркибини у ёки бу миқдорда белгилаш, яккахон, якканавоз ва умумий-жамоавий садоланишлар мувозанатини аниқлаш борасида маълумотларини бир томондан – ўтмиш рисолаларидан тўплаган бўлса, иккинчи томондан – бевосита замон зайлидан келиб чиқиб, мазкур соҳадаги анъаналарни 1920 йилларданоқ ўргана бошлаган. Шу мақсадда наинки Тошкент ва Фарғона водийси, Самарқанду Бухорони, балки қўшни Тожикистон воҳаларини кезиб, турли-туман ансамбллар тузилиши билан танишиб чиқади. Масалани ойдинлаштириш мақсадида Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек мусиқаси ва унинг тарихи” (1927) китоби саҳифаларини очсак, қўйидагиларни ўқиймиз: “Бизда “Шашмақом”дан биртаси чалинмоқчи бўлганда мажлисининг тубандаги йўсинда бориши лозим кўрилгандир: икки танбур, бир дутор ёхуд икки танбур билан бир қўбуз (қўбуз бўлмаганда учинчи танбур камонча билан чалинадур), икки ё уч ҳофиз ўтирадилар, чолғулар ишга киришадилар. Бир киши “чирманда” (доира-даф) билан усул сақлайдир”.¹⁴⁵

Демак, Фитрат, бир кўринишда – учта торли соз, доира ва 2-3 хонандани, яна ўзгача кўринишда – иккита торли, битта камонли, доира ва 2-3 хонандани назарда тутмоқда. Жами мақом ансамблида 6-8 ижрочигина қатнашгани таъкидланмоқда. Юнус Ражабий мақомдон раҳбар сифатида илк тажрибасида, яъни бундан роппа-роса 70 йил муқаддам, ўзбек радиоси қошида ташкил этилган мақом ансамблининг таркибини шакллантиришда Фитрат фикрини ҳам четда қолдирмаган кўринади. Айнан 1927 йили ташкил топган бу жамоа ўз тенгдоши бўлмиш мазкур китобдаги яқин ўтмишда одат тусини олган, кўпроқ яккахон ва якканавоз (ҳозирги истилоҳда – солист)лардан иборат таркибдан ниҳолланган. Жами 13 ижрочини

¹⁴⁵ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи.

жипслаштирган мақом ансамблига Юнус Ражабий раҳбар этиб тайинланар экан, унинг ёнида Шораҳим Шоумаров, Имомжон Икромов, Ризқи Ражабий каби ҳар бири дарға хонанда, бастакор ва созандалар жалб этилган эди. Шушу, бўлажак мақом жамоаларига замин яратиб берган радио қошидаги биринчи ансамбль анъаналари хануз давом этмоқдаки, асл ўзбекона “устоз-шоғирд” тизими бир пайтлари эгилган бўлса-да, синмай келмоқда...

Хусусан, Юнус Ражабийни унинг номидаги Бош мақом ансамбли раҳбарларидан Орифхожи Алимаҳсумов ва Фахриддин Содиков, Шавкат Мирзаев ва Темур Маҳмудов, Абдуҳошим Исмоилов ва Абдурахмон Холтожиев, Исроилжон Ваҳобовлар, композиторлардан Толибжон Содиков, Дони Зокиров, Дадаали Соатқулов, бастакорлардан Набижон Ҳасанов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, хонанда ва созандалардан Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Мўминов, Шокиржон Эргашев, Берта Довидова, Коммуна Исмоилова ва бошқалар Устозим, деб ардоқлайдилар.

Алломанинг қай даражада талабчанлик билан ва салобатона оила бошқарганлиги ҳақидаги ривоят-ту хангомалар халқ орасида тарқалган. Узоқ ва яқин хориж сафарларига насиб этган чоғларда, ўша ерли мусиқа аҳли ва шинавандалари доирасида Юнус отанинг 12 фарзандини оёққа турғизиб, булардан Халқ артисти Обид Юнусов, Халқ ҳофизини Ҳасанбой Ражабий ва моҳир созанда Тоҳир Ражабий, телевидение муҳаррири Аҳмаджон Юнусов, қўли гуллардан – доктор Маҳмуд Юнусов, биолог Малохат Юнусова, тикувчи Саноат Юнусовалар ҳақида сўз юритганимизда, доимо ҳайратбахш олқишлар гувоҳи бўламиз. Мана, ҳозирги кунга келиб бу пири бадавлат оила аъзолари сони 200 дан ортиб кетдики, бунинг ўзи жаҳоншумул китоблардан ўрин олиши мумкин. Биз эса, ўз касбий бурчимизга айнан аъзам ижодкоримиз мавқеида ёндашиб, Юнус

Ражабий мероси ва буткул бастакорлик мулкимизнинг наинки XX асрдаги ўрни, балки мингйилликлар солномасидаги ҳиссасини аниқлашга астойдил киришишимиз зарур.

Дастлабки, энг умумий хулосалар сифатида биз фикрларимизни қуйидагича яқунлашимиз мумкин:

1. Юнус Ражабий тахминан бир ярим мингйиллик анъана – буткул Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида одат тусига кирган монодиязамин **бастакорлик** санъатининг энг ёрқин намояндаларидандир.

2. XX асрда яшаб, ижод қилар экан, аллома ўз даври зайли билан фаолият кўрсатиб, наинки бастакорлик, хонандалик ва созандалик соҳаларини қамради, балки асрлар мобайнида оғзаки анъанадагина сақланиб келган ўзбек халқи мусиқа меросидаги деярли барча қатламларни ё тўлалигича, ёки асосий намуналарида тўплади ва нота ёзувларида битиклаб, келгуси асрлар учун тўхфа этди.

3. Юнус Ражабий туфайли қўшни давлатларда ҳам мусиқа меросига қизиқиш, уни тўплаш, ундан замонавий ижодиётда фойдаланиш ишлари йўлга қўйилди.

4. Ижодкор анъанавий бастакорлик доирасини тубдан кенгайтириб, XX асрда ўзбек мусиқасига кириб келган янги – мусиқали драма ва комедия, ҳатто опера каби жанрлар тараққиётига ибратли ҳисса қўшди.

Демак, мақоламиз бошидаги миллат ва муайян маданият рамзлари ҳақида фикр юритилган, биз – ўзбекларнинг ҳам санаб ўтилган ижодкорлар даражасидаги санъаткорларимиз бормикин, деган саволга академик Юнус Ражабий ана шулардан бири эканлигига имонимиз комил ва узоқ-узоқ элларда “Куйгай”, “Не наво, соз айлагай”, “Раъноланмасун”ларни тинглаб, бунинг бевосита гувоҳлик бўлишликни барча ватандошларга тилаб қоламан.

1997 йил

БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ

Қарийб 15 асрлик тарихи, муайян услубий тамоийиллари, шаклан ва мазмунан беқиёс анъаналарга эга, миллий мусиқий тафаккуримизнинг асосзаминини ташкил этувчи ўзбек бастакорлик ижодиёти шўро даврида бир чеккага суриб қўйилган эди. Истиқлол шарофати билан, узоқ ва яқин ўтмиш бастакорлари томонидан яратилган ҳайратомуз садолар яна халқимиз мусиқий тафаккурига қайтиб келмоқда. Хусусан, сўнгги ўн йилликда Ғанижон Тошматов, Ориф Қосимов, Муҳаммаджон Мирзаев, мухторжон Муртазоев каби тўнғич авлод бастакорларимиз қатори Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Неъматжон Қулабдуллаев, Салоҳиддин Тўхтасинов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Бахтиёр Алиев, Турсунбой ва Ҳалимжон Жўраевлардек иккинчи бўғин вакиллари ва айни мустақиллик даврида ижодининг сермахсуллиги билан танилаётган кенжа авлодга мансуб Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Дадаев, Рифатилла Қосимовларнинг бадиий етук асарлари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё, Европа ва ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам ўз мухлисларини топмоқда.

Тўнғич авлод вакилларида Фаттоҳхон Мамадалиев (1923-1999) катта ҳофиз, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори бўла туриб, 90-йиллар давомида асл ўзбек бастакорлик ижодиётининг анъаналаридан бири, мусиқа меросимизнинг оммавийлашиб кетган намуналари асосида кўп қисмли *туркумлар яратиш* анъанасини тиклади. Бастакор томонидан 8 қисмли “Мискин” (Муқимий, Саккокий, Фурқат, Мискин, Улфат ва Туроб Тўла шеърларига), 8 қисмли “Ушшоқ” (Увайсий, Фурқат, Навоий, Огаҳий, Гавҳарий ғазалларига), 4 қисмли “Насрулло” (Навоий, Ф.Мамадалиев, Улфат шеърларига) муаллифлик туркумлари тузилган бўлиб, бунда Шашмақом шўъбаларига хос ва, айниқса, Фарғона-Тошкент мақом

йўлларига хос туркумлашув тамойилларига таянган. Мазкур асарларда бирламчи асосий кўринишлар кетидан зарурий равишда қашқарча, соқийнома ва уфар тизимидаги микроцикллар киритилган.

Ф.Мамадалиевнинг “Муножот” ва “Савти Фаттоҳхон” деб номланган туркумлари эса нисбатан ихчамроқ шаклларда бўлиб, иккаласида ҳам фақат Алишер Навоий меросидангина фойдаланилган ва пировардида ижодкор яхлит, теран ва серқирра бадий умуллама яратишга муваффақ бўлади.

Ардоқли ҳофиз Орифхон Ҳотамов (1925-2002) ўнлаб куй, қўшиқ ва ашулалар муаллифи сифатида танилган. Булардан – “Аҳбоби билан” (С.Абдулла шеъри), “Фироқингизда” ва “Сенсан севарим” (Лутфий), “Қаро бўлубдур” ва “Қоши ёсинму дейин” (Навоий) сингари дурдона асарлар – аввалроқ яратилганига қарамай, айна мустақиллик даврида кенг доираларда қулоч ёзди. Ҳозирги кунга келиб, “Сенсан севарим” қўшиғи ўзининг асл нусхаси ва эстрада (“Нола” гуруҳи) талқинида янграб, бу соҳада ҳам ўзига хос янги бир йўналишга асос солди.

О.Ҳотамов сўнгги йилларда бир қатор туркумли асарлар яратмоқда. Хожа Аҳмад Яссавий битикларига басталанган – “Билдингизму”, “Умринг елдек ўтаро”, “Дунём менинг” ва “Саҳоват йўқ” деб номланган асарлар, хассос шоир Чустийнинг “Индамаслар олами” тўплами асосида жами 14 қисмли мажмуа ана шулар жумласидандир.

Истиқлол шарофати билан бастакор изчил диний мавзуларга мурожаат этмоқда. Аҳмад Яссавий билан бир қаторда, Сулаймон Боқирғоний (“Дармондин ортиқ”), Ҳувайдо (“Ҳайрон бўла қолдим”, “Даржи йўқ”), Ҳазиний (“Ул шўхи ситамгарлар”) шеърлари асосида яратилган ашулалар шулар жумласидандир. О.Ҳотамовнинг эркалар овози (“Айламиш”, “Яхши дилбарсиз”) ва, айниқса, аралаш овозлар (“Раҳм айладинг”, “Баҳона қилиб”) учун яратган дуэтлари анъанавий монодияни бойитди.

Юқоридаги асарлар ичида халқимизда Ҳаким ота, Қул Сулаймон номлари билан кенг ёйилган Боқирғоний (1186 й. ваф.) шеърига яратилган ашула О.Ҳотамовнинг ижодий услубини англашда қулай бир воситадир. Зеро, бунда бастакорнинг деярли барча асарларига хос интонацион эркинлик яққол намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шеър матнига маълум ўзгартишлар (қавсларда кўрсатганимиздек) киритилишига сабаб бўлган:

Сани дардинг банго (менгаё) дармондин ортуқ (ортиқ),

Санга қул бўлғоним (бўлғонима) султондин ортуқ. – (2 марта)

*Санинг ёдингни айсам (айтсам) чўл ичинда,
Бўлур ул чўл манга(ё) бўстондин ортуқ.*

*Санинг ёдинг агар кетса тилидан (дилимдана-о),
Вужудим қўриюр(а), вайрондин ортуқ. (2 марта)*

*Манинг (мани) хор бўлмишим (ўлмишим) ўз
ғафлатимдин (а-ей),*

Магар қилсанг (қилса) назар, эҳсондин ортуқ (ай).

Азиз, хор қилғувчи султон сануқсан(а-ей),

*Санинг лутфинг камуғ (ҳама-ей) алвондин (унвондин)
ортуқ. (2 марта)*

На хуш бу дунёда иймону Қуръон,

*Не бўлғай дунёда иймондин ортуқ? (иккала мисра
қисқарган)?*

Манинг бу дардими ҳеч кимса билмас(ай).

Агар билса Ҳаким Луқмондин ортуқ (ай),

Бу янглиғ осий эркан... қул Сулаймон (ай),

Иноят ум(м)анур(а) борондин ортуқ.

Сани дардинг манга... дармондин ортиғ(а),

Санга қул бўлганим(а) султондин ортуқ.¹⁴⁶

Яққол кўриниб турибдики, тажрибали бастакор шоирнинг фикрини теран ифода этиш, мусиқий-

¹⁴⁶ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби: Шеърлар ва достон. Т., “Ёзувчи”, 1991. 18-бет.

семантик воситалар билан таъсир доирасини бойитишга интилан.

Бастакорларимизнинг кейинги, яъни кенжа авлод вакиллари ижодининг нисбатан сермахсуллиги ҳамда жанрлар қамрови кенгроқ эканлиги билан диққатга сазовордир. Буларнинг аксарияти Тошкент давлат консерваториясида 1972 йили очилган “Шарқ мусиқаси” куллиётининг “Анъанавий ижрочилик” кафедрасида Фахриддин Содиков, Маҳмуд Муҳаммедов, Ориф Алимаҳсумов, Турғун Алиматов каби устозларда таҳсил кўришган. Шу боис энг истеъдодлилари мохир созанда (баъзан хонанда)чилик билан бир қаторда, бастакорлик ижодиётига ҳам дадил кириб келишди.

Ўлмас Расулов (1951 й. туғилган) – нозиктаъб созанда-ғижжакчи, бастакор ва сўнгги йилларда хонанда сифатида ҳам танилмоқда. Унинг асарларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Мумтоз шоирларнинг ғазал, рубоий ва бошқа шакллардаги шеърий матнларига яратилган анъанавий ашула йўлларидаги асарлар – Ҳофиз Шерозийнинг “Бишукуят боз”; Алишер Навоийнинг “Васлидин дармони йўқ”, “Яхши қол”, “Керак эрди” ва б.; Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Ғунчадек кўнглим”, “Кўргаймен” ва б.; Бобораҳим Машрабнинг “Дилбари хуш, адойиман”; Нозикбиби Ҳўқандийнинг “Эй кофири фаранж”; Дойи: “Ширу шакар”.

II. XIX-XX аср шеърияти намуналарига яратилган эркин шаклдаги ашула ва қўшиқлар – “Парвона” (Маҳзуна), “Таронаи шўх” ва “Ширу шакар” (М.Ғаффорова), “Куйла, булбул” (Зулфия), “Муҳаббатнинг саройи...”, “Юпатгай кимлар...” (Абдулхамид Чўлпон), “Мажнунтол”, “Малоҳат” (Тошпўлат Ҳамид), “Кел, гўзалим”, “Айтмадим”, “Бахтимиз таронаси” (С.Салимов), “Кулгимиздан янграсин олам” (Э.Воҳидов).

III. Лирик, омма(рақс)боп чолғу куйлар – “Та-

хайюл”, “Хаёл”, “Карашма”, “Ноз”, “Сени эслаб...”, “Кўнгил навоси”, “Висол”, “Дийдор”.

IV. “Ўзбектеелефильм” студиясида яратилган – “Лайли ва Мажнун”, “Бобур”, “Кеча ва кундуз”, “Изтироб”, “Имом ал-Бухорий” ва бошқа кўп серияли бадиий фильмларга махсус басталанган куйлар, қўшиқлар, ашулалар.

V. Турли ансамбллар учун яратилган туркум тарзидаги асарлар.

Мазкур авлодга мансуб бастакорлар орасида Абдухошим Исмоилов (1952 й. туғ.) юксак ижро маҳорати, ижодий сермахсуллиги ва серуслуги билан ажралиб туради. Турли йилларда у М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “Анъанавий ижрочилик” кафедрасида таълим берган, Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги “Мақом” ансамблининг бадиий раҳбари, шу билан бирга, мохир (Абдурахмон Холтожиев, Абдулаҳад Абдурашидов каби) созандалар иштирокидаги “Ўзбек виртуозлари” ансамбли ташкилотчисидир. Ижодий изланишларини асосан оммабоп қўшиқлар (“Бўлмас”, “Тоғлиқ қиз” каби)лардан бошлаб, кейинчалик қуйидаги йўналишларда шаклан хилма-хил ва жанр жиҳатидан кенг қамровли асарлар яратмоқда:

I. Ўзбек мумтоз шоирлари шеърларига яратилган шаклан йирик ашулалар – Ҳофиз Шерозийнинг “Дилингда ғамзадан”, “Ёрсан”, “Осмонда ҳам йўқ”, “Мунаввар қил”; Навоийнинг “Айрилиқ”, “Ёр эмас”, “Сарвиноз”, “Тараҳхум этмадинг”; Гадоийнинг “Унутма”; Бобур: “Сенсиз мушкулдир”; Фузулийнинг “Уйғонмасун”; Огаҳий: “Ёрима айтинг”; Фурқатнинг “Сайёра” ва б.

II. Соф чолғу монодик асарлар – “Наргиз” (уд сози учун), “Манзур” (манзур ёки дутор учун) ва б.

III. Соф чолғу полимонодик асарлар – аксари ғижжак ва созандалар ансамбли учун: “Базм куйи”, “Дил нола-си”, “Камон нидоси”, “Холим сўрма”, “Қалб нидоси”, “Учрашув”, “Гуллола”, “Хаёли қиз”, “Висол” ва б.

IV. Ўзбек чолгуларининг камер (най, қонун, ғижжак ва доирадан иборат) таркибига мўлжалланган ва ҳар бир соз имкониятларини тўла очиб берувчи асарлар – “Мустақиллик”, “Фаввора”, “Тўёна” ва б.

V. Табиатан қўшиқсимон, бироқ соз (ғижжак) ва ансамбль ижросида бадиий таъсирчанлиги ортиб боровчи асарлар – “Учрашув”, “Кўшиқ” ва б.

VI. Муайян хонандага мўлжалланиб, унинг ижро имкониятларини кашф этувчи асарлар. Айтайлик, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов талқинига мосланган “Ё оҳумидинг”, “Зилола”, “Инсонни инсон урмасин”, “Меҳнатим”, “Мажнунтол”, “Ошиқнома”, “Соғиниб”, “Сен ўзинг”, “Севаман”, “Тошкентим”, “Хотирот”, “Учрамасанг яхши бўларди”, “Чиройли”, “Қарайсан” кабилар айни шулардандир.

Ўлмас Расулов ва Абдуҳошим Исмоиловларнинг ижодий баркамоллиги, ўзигагина хос бастакорлик услуби, бадиий-манتيқий ечимларини пухта эгаллаб улгурганликларининг асосий сабаблари қатори узлуксиз ижрочилик фаолиятларини мақом мулкимиз талқини билан изчил боғлаётганликлари, ижодкор-салафлари асарларини кенг тарғиб этаётганликларини қайд этиш лозим. Зеро, бундай ибратомуз тамойиллар Истиқлол йилларидагина танилиб, муҳими – касбдошлар ва кенг тингловчилар доирасида тан олина бошлаётган бир қатор навқирон бастакорларимиз учун ҳам одат тусига кираётганлиги қувонарлидир.

2001 йил

ЎЗБЕК БАСТАКОРЛИГИДА МУАЛЛИФЛИК МАСАЛАСИ

Узоқ мозийдан бизга инъом этилган беадад кадриятимиз бастакорлик санъатидир. Минг таасуфки, энг яқин салафларимизу, ўзимиз ана шу ўн беш асрлик ана шу бойлик кадрига ета олмай келдик. Мусиқашуносларимизнинг қарийб 99 фоиз тадқиқотлари XX аср ўртасидаги 70 йил ичида Ўзбекистонда жуда изчил (баъзан зўравон мафкура туфайли) сингдирилган композиторлар ижодига ажратилди-ю, она заминимизда униб вояга етган, ўзининг не-не шакл ва услубларини ана шу бир ярим минг йил мобайнида қўлга киритган бастакорларимиз ижоди бир чеккага суриб қўйилди.

Табаррук и с л о м м а д а н и я т и в а т а ф а к к у р р и г а тенгдош бастакорлик санъатимиз тарқалган ва ривож топган воҳаларда – имоний ғоялар барқ уриб, урушлар ўрнини осудалик, адоват ўрнини адолат эгаллаб келган. Яқунланган XX аср давомида эса бу анъана мазкур ижод соҳибларининг ҳатто номланиши борасида бир фикрга келинмади ва ҳанузгача етти ёт бегона “мелодиячи-композитор”, “кюйши-композитор” сингари қўлбола “ясамалар” уларга нисбатан ишлатилмоқда.

Табиий савол туғилади. Инсон туйғуларини атрофлича ифодалаб, унга алладан-марсиягача ҳамнафас бўлиб келган бастакорлик ижодиётининг бадиий сеҳри, етуклик мўъжизаси нимада?

Янада муайянроқ савол: “Муножот”у “Мустазод”, “Насруллоий”у “Кўштор” каби у м о н м а з м у н куйларимиз қачон, кимлар томонидан ижод этилган? Бастакорлик санъати миллиарддан зиёд аҳоли яшаб келаётган улкан м и н т а қ а д а шаклланиб, ривожланиб келган. Лекин ҳанузгача, бу турфа ижод турининг тарихий, назарий, эстетик ва фалсафий муаммолари мустақил тадқиқ этилмай келинди. Ҳатто Форобийнинг “Китоб ул-мусиқа ал-кабир” (X аср)идан – Дарвишали Чангийнинг “Тухфат

ус-сурур” (XVI-XVII асрлар чегарасидаги) асари каби қатор ноёб манбаларда ёритилган бастакорлик масалалари ҳамон умумлаштирилганича йўқ.

Мазкур илмий мураккаб масалаларни атрофлича ҳал этиш, шу билан бирга, муайён амалий (ҳозирги замон бастакорлари учун фойдали) самарани қўлга киритишда наинки мусиқий рисоалар, балки билвосита манбалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Айтайлик, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул-авроқ” (1409-1414 йиллар)идаги мисраларга қулоқ тутайлик:

*“Рост” қил оҳанги “Наво”у “Ҳижоз”,
Туз ётуғони бирла шутурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз.*

Шунга ўхшаш ўнлаб манбаларда муайян (“Чоргоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” каби) юзлаб мумтоз куйларимиз таърифидан сўнг – улар қайси шоир ғазали билан ижро этилганлиги ва муҳими, ана шу шеър матнидан, албатта, иқтибос келтирилади. Номинан манбада келтирилган куй ўзбек мероси қатламларидан аниқланганидан сўнг, шеър тўлалигича изланади ва ҳар иккала (мусиқий ва назмий) матнлар бир-бирига мантқан мослаштирилиб, шаклан ва мазмунан таққосланади. Шу аснода, 10 йилдан зиёдроқ муқаддам биз, Алишер Навоий ғазалига Хожа Абдулло Марварид яратган “Мустазод”ни Бобурнинг ўз ғазалига басталаган “Савти Чоргоҳ”йўлларидаги асарини гипотетик тиклашга¹⁴⁷ ҳаракат қилдик.

Узоққа бормаюликда шу кунгача адабиётшуносларгина таъриф этаётган “Бобурнома” айна бастакорлигимиз анъаналари, шакл ва услублари манбаи сифатида ҳануз муфассал таҳлил қилинмаганлигини эслайлик. Албатта, Бобурдан илгариги муаллифлар XV – XVI

¹⁴⁷ Т.Ғофурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Ташкент: Фал, 1987.

аср бошланишидаги ижрочилик ва ижодий ютуқларига оид маълумотлар қолдиришган. Илло, ўзи болалик чоғлариданоқ, Соҳибқирон Амир Темур паннабираси эканлигини тўла ҳис этиб, буткул масъулият билан адабиётгагина эмас, санъат, илму-фан сари талпинган, ҳатто ардоқли бастакорларга эргашиб, айрим мусиқа асарлари яратишга муяссар бўлган – Бобур гувоҳликлари¹⁴⁸ олдида, унинг салафлари бироз ожиздек кўринади.

Мана, “Бобурнома”нинг илк (ҳижрий 899-йил) воқеотларидаги сатрларга эътибор беринг: “Элининг орасида ҳусн ҳейли бордур. Юсуф Ҳожаким мусиқада машҳурдир” – деб ёзади Бобур ва фахр билан қўшиб қўяди: “Андижонийдур”.

Юсуф Ҳожа Андижоний ҳақида Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Дарвишали Чангийлар ҳам маълумотлар қолдиришган. Лекин буларда аллома-бастакор бутун бир воҳанинг бадиий рамази эканлиги таъкидланмаган.

Бобур, ўзининг узоқ ва яқин ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, бадиий ижодию илмий меросида бастакорликка аслтуркий мавқедан ёндашади:

*Сўзунг, қилиғинг, навозишингму этай,
Овозу усулингнью созингниму дей.*

Қарангки, Бобур гўё серфаол бастакорни ўзига яқин тутиб, аслан ўзбекона, ҳам ярим ҳазил мурожаат этаётгандек, унинг ижодига баҳо бера туриб, қай бири, яъни куйими, ижросими, усулими ёинки сози мақтовга лойиқлигини ажрата билмаётганлигини тан олаётгандек туюлади.

Забардаст манбашунос ва мақомшунос олим И.Ражабов қайд этганидек, ўзбек мумтоз шеърини мусиқашуносларга мажозийгина эмас, айри намуналарда то манақандаги далилларни бериши мумкин.

¹⁴⁸ Т.Ғофурбеков. Бобур мусиқа хусусида “Гулистон”. журнали (1994, №1).

Бу фикрга таяниб, узоқ ва яқин ўтмиш шоирлари ижодида ана шундай талқинларни кўпдан-кўп мисолларда учратдик. Масалан, ўзаро устоз-шоғирдлик ришталари билан боғланган Лутфий – Навоий – Бобурлар меросидагина айнан бастакорлик санъатига бевосита ва билвосита бағишланган ана шундай мисралар кам эмас. Қизиғи шундаки, ҳар учала шоирда бири-бири (аввалгиси)нинг вариантыга ўхшаш байтлар тизими мавжуддир:

Лутфий:

*Лутфий, Ҳарида қолмади шеърингга муштари,
Азми “Ҳижоз” қилки мақоминг “Ироқ” эмиш.*

Навоий:

*Эй муғанний, тут “Ироқ” оҳангию кўргуз “Ҳижоз”,
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул.*

Диққатга сазовор томони шундаки, ҳар иккала шоир бир хил номдаги икки асар (“Ҳижоз” ва “Ироқ”) яратиш (Лутфий – “қилки”, Навоийда – “тут” ҳамда “кўргуз”) борасидаги фикрлар атрофида ўз шеърий образларини мужассамлайдилар. Боз устига, Лутфий Ҳирот шаҳридан, Навоий Хуросондан ранжиб, мазкур мусиқий асарлардан малҳам излаётгандек кўринади. Ва ниҳоят, Навоий – бевосита асар яратувчиси – муғанний (кенг маънода ижодкори)га мурожаат қилса, Лутфий ўзигагина ишора келтиради.

Худди шу йўсинда Навоий ва Бобур шеъриятига ёндашилса, фикримизни қуйидаги байтлар заминада таҳлил этишимиз мумкин:

Навоий:

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,

“Рост” “Наво” нағмага таҳсин дегил.

Бобур:

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,

Бир “Наво”и “Рост” қил мундоқ мақоминг борида.

Бу сатрларда ҳам бевосита мусиқий мазмунга эгадош (Рост, Наво, нағма, мақом, куй каби) сўз, ибора ва касбий атамалар тизилмасида, аввало, назмий, шу билан бирга, маълум мусиқий-ижодий маъно мавжудлиги аён дидир. Зеро, Алишер Навоий ҳам, Бобур Мирзо ҳам ўз ижодларида ўта эркин равишда шоирона баённи маълум мазмунга эга бўлган мусиқий тафаккур билан уйғунлаштиришда мохирликка эришганлар.

Умуман, Навоий, Бобурлар даври (яъни XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг биринчи ярми)даги шеърият намуналарида юқоридаги фикримиз исботларига мисоллар ниҳоятда мўлдир. Замондошларимизга янгидан намоён бўлаётган Ҳусайн Бойқаро “Девон”ида қуйидаги мисраларни учратдик:

*Эй Ҳусайний, эл саломат куйидин бўлғай жало,
Ғар Навоий янглиғ оҳанги “Ҳижоз”имни десам.*

Худди Лутфий ва Навоийларники каби, буткул ғазалнинг хулосавий шох байтини ташкил этган мазкур сатрларда Ҳусайн Бойқаро ҳам ўзининг энг яқин дўсти “Ҳижоз”ига қилган ишораси фақат мажозиймикин? Бу ўринда Навоий ва Ҳусайн Бойқаро алифбо сабоқлари қатори, Ҳожа Юсуф Бурхондан олган мусиқа сабоқларини эслатиб, ҳар иккала ижодкор муайян мақом йўллари, буларга хос номланишларидаги мажозий ва том маънони қай даражада англаганликларини эътироф этиш зарур, деб ўйлаймиз.

Яна Бобурга қайтайлик. Унинг таърифлари аввалгиларга нисбатан наинки аниқроқ, балки касбийроқ кўринади. Мисол: машҳур созанда Қул Муҳаммад Удийнинг Шибирғон (Афғонистон)данлиги, уд қатори ғижжак, кўбизда мохирлиги манбаларда қайта-қайта қайд этилган. Аммо Бобургина унинг ижоди қай даражада сермаҳсул (“ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав боғлағон эмас”), шу билан бирга, деярли бир йўналишда (“Пешравдан ўзга ишларда мунча эмас-тур”) бўлганлигини таъкидлаган кўринади.

Устод Шайхий Нойи ҳақидаги созанда (найчи, удчи ва гижжакчи)ликка доир маълумотлар “Бобурнома”да ниҳоятда н о з и қ, ўзга манбаларда учрамайдиган муҳим ижодий хусусият билан тўлдирилган: “Нағмотқа андоқ мустаҳзар экандурким, ҳар нағмаки эшитса, дер экандурким, фалонининг фалон пардаси мунга оҳанг(дош – Т.Ғ.)дур”. Демак, узоқ ўтмишда Оврўподаги услубилармондан икки-уч аср аввал ўзимизда маҳаллий ижод тафаккури маҳсулотларини ажратувчилар, бастакорликнинг зукко билимдонлари бўлганлиги, шубҳасиз, аксиома бўлиб чиқмоқда.

Ниҳоят, яна бир кузатув. Бобур салафларининг бадиий (баъзан илмий-бадиий) асарларида бастакорлик – “туз”, “тут”, “кўргуз”, “эт”, “қил” каби умумийроқ атамалар орқали ифодаланган бўлиб, “боғлаш” (яъни форсий “басталаш”нинг туркий кўриниши) воситасида жуда камдан-кам (масалан, Навоий “Қасидаи ҳилолия”сида) таърифланган бўлса, тарихий манба сифатида тенги йўқ “Бобурнома”да “боғлағон”, “боғлар”, “боғладим” сингари асл т у р к о н а иборалар аксарият ҳолларда ишлатилган. Хусусан, сўнггисини Бобур (926-йил воқеотлари таркибида) ўзининг мусиқий ижодига нисбатан қўллаганлиги диққатга моликдир: “...Мулло Ёрак Панжгоҳ (пардаси – Т.Ғ.)да, Муҳаммад даври (усули)да боғлағон нақшини ўткарди. Яхши нақш б о ғ л а б т у р. Неча маҳал эди, мундоқ нима (нағма? – Т.Ғ.)ларга машғуллик қилмайдур эди. Манга ҳам дағдаға бўлди, бир нима б о ғ л а й м е н. Бу таркиб била Чоргоҳ (пардасида) Савтни боғладим”. Пировардида муаллиф ҳайрон бўлиб: “Нечукким, маҳаллида мазкур бўлғусидир”, деб қўшиб қўяди.

Хулоса қилиб шуни қайд этишимиз ўринлики, агар Буюк Темур ва темурийлар салтанати даврида илм, адабиёт ва санъатда туркийлашиш жараёни кучга тўлиб, ўз чўққиси сари ҳаракатини бошлаган бўлса, Бобур ва Муҳаммад Шайбонийдек зиёлилардан чиққан, ўзлари

бевосита бадиий ижод билан машғул бўлган давлат раҳнамолари ва уларнинг сулолалари замонида бу жараённинг тўла-тўқис а в ж палласини кузатиш мумкин.

Маълумки, кузатилган XV-XVI асрнинг биринчи ярмидан кейинги давр, яъни XVI-XVII асрлар чегарасига оид бастакорлик санъати Дарвишали Чангий қаламига мансуб “Тухфат ус-сурур” номи билан етиб келган мусиқага оид рисоласида 340 дан зиёд шахслар муфассал ёритилган. Биз мазкур манбадан (Д.Рашидова таржимасидаги) маълумотларни сурункасига эмас, балки булар мўллигини инобат этиб, муайян т и з и м атрофида жамланган ҳолда таҳлил этишни жоиз кўрдик.

Авваламбор, мазкур мукамал манбадаги бастакорлик ижоди турлари, асосий шакллари, чолғу ёки ашула йўлларининг яратилиш ж а р а ё н и, уларнинг мавзуи ва мазмуни муаммоларини алоҳида қайд этиб ўтмоқчимиз. Маълумки, ўзбек, тожик ва ўзга исломзамин халқларнинг бадиий (хусусан, мусиқий) ижод оламидаги эътиқод ва эътимодлари – бир томондан мудом янгиланиб келган м у с т а қ и л услуб сари йўналтирилган бўлса, иккинчи тарафдан – азалдан таниш, оммавийлашган мерос намуналарига сайқал берувчи т а қ л и д и й услуб ҳам ўз анъаналарини шакллантириб келган. Шу боис, Дарвишали Чангий рисоласи саҳифаларида у ёки бу ижодкорга баҳо бериларкан, асосий мезонлардан бири сифатида мазкур икки услубнинг қайсинисига тааллуқли эканлиги ҳеч четда қолдирилмайди. Ҳатто ўз рисоласи баёнида ҳам ана шу услубларга урғу бераётгандек, муаллиф Аллоҳ Таоло, пайғамбарлар ва Имомқулихонга аталган назмий қасидалардан сўнг, ўзининг бевосита (Амир Фатхий Тошкандий, Хожаи Жаъфар Қонуний) ҳамда билвосита (то афсонавий Фисоғурсу Луқмони Ҳакимларгача) устозлари ҳақида ёзар экан, буларнинг қайси бири мустақил, қайсиниси тақлидона тафаккур соҳиблари бўлганлигини қайд этиб ўтади. Хусусан, Жаъфар Қонуний наинки моҳир ижрочи, балки замонининг машхур ижодкори,

музыка назарияси билимдони ва бошқа касбий фазилатлар билан ном чиқарганлар қаторига киритилган.

Яна бир дастлабки хулоса. Дарвишали Чангий бевосита устозлари орасидан Али Дўсти Найи, Мир Мастий ва Мавлоно Ҳасан Кавкабий, билвоситаларидан Ҳусайн Охун, Имомқули Удий, Зайтун Ҳижжакий, Хожа Абдулло Марварид, Зайнулобиддин Чангий, Абдулқодир Мароғий сингари ҳам илм, ҳам ижодда бетакрор тафаккур соҳибларининг номларини алоҳида ҳурмат ила тилга олинишини кўрамизки, бундан муаллиф нечун айнан шулар шогирди эканлигидан фахрланиши аён кўринади. Зеро, Дарвишали Чангийнинг ўзи ҳам ана шу икки (илмий ва ижодий) соҳаларда бетаклид асарлар яратиб, замондошлари ва кейинги авлодлар томонидан энг обрўли алломалар қаторига киритилган.

Ноёб рисоладаги аксар бобларда бастакорлик ҳақида мўъжаз ё бирмунча кенг доирадаги маълумотларни учратамиз. Буларни у м у м и й ҳамда х у с у с и й (муайян) даражадагиларга ажратиб, у ёки бу ижодий мақсаднинг инъикоси тарзида таҳлиллаш бизнинг ҳам илмий муддаомиздир.

Биринчи турдаги фикрларни Дарвишали Чангийнинг бир нечта рубоий, қасида ва насрий баёнлардан иборат муқаддима ва илк (I-III) бобларида учратамиз. Бунда, бир томондан мавжуд анъанага бўйсуниб, аввалдан жорий этилган баён услуби, салафлар маълумотларига таянилса, иккинчи томондан қатор тўлдиришлар, шахсий мулоҳазалар ўрин олган ва айнан сўнггиларини ўз ичига қамраган саҳифаларда муаллифнинг бастакорликка муносабати, бевосита ё билвосита луқма, илова нисбатлари келтирилган. Айтайлик, рисоладан-рисолага кўчиб юрувчи 12 мақом тизимининг юзага келиши ҳақидаги фикрлар орасига Дарвишали Чангий буларнинг 4 тасини “моҳирлик паноҳқори Хожа Абдулқодир”, яна 4 тасини Султон Увайс яратганликларига ишора қилиб ўтади. Ва яна

бир ўта муҳим қўшимча қўшади: “Ҳар икки мақом (бу ерда парда, товушлар тизилмаси – Т.Ғ.)дан битта шўъба чиқарилган”.¹⁴⁹ Демак, муаллиф бу ва бунга ўхшаш аксарият ҳолатларда соф илмий баённи ўз ижодий тажрибасига таяниб б а с т а к о р о н а мулоҳаза, амалий маслаҳатлари билан ойдинлаштиради.

Хусусан, 17 усул ва уламоларнинг булар атрофидаги баҳсларидан баён этувчи IV бобда бастакорлик жараёнига бевосита алоқадор муаммолар, фикримизча қуйидагилардир: усул ижодчилиги, уларнинг кўпая бориш силсила (прогрессия)си, табиатнинг яратувчилик омиллари – қушлар сайраши ва муайян усуллар юзага келиши.¹⁵⁰ Албатта, салафлари ҳамда ўзга ижод соҳаларига изчил таяна келган Дарвишали Чангий маълумотларининг бариси ҳам тўла-тўқис ҳақиқатдир, дейиш қийин, албатта. Илло “маърифатчилар доноси” Мирзо Улуғбек муайян усуллар яратганлиги, “истеъдод ва эзгулик хазинабони” Ҳусайн Бойқаро 17 та, “миллат ва дин саранжомчиси” Алишер Навоий 7 та усул муаллифи бўлганликлари, шубҳасиз, яқин келажакда илмий ойдинлашуви учун ўта зарур бебаҳо далиллардир.

“Тухфат ус-сурур”нинг А.А.Семёнов нашрга тайёрлаган матнида V-VI боблар номаълум бир мантик (балки – мантиқсизлик?) асосида бирлаштирилиб, “О музыкальных инструментах” деган номни олган ва фақатгина ўтмиш созлари манбаи сифатида таҳлилланиб келинган. Аслида, буларнинг биринчисидagi аксарият саҳифалари шарқона таълиф а с о с л а р и,

¹⁴⁹ Хафиз Дарвиш Али ал-Хакани ибн Мирзо Али Чанги ибн Абдул Али Конуни ибн Амир Хошим Конуни ибн Хожа Абдулла Марварид. Трактат о музыке. Пер. с пер.-таджикского языка Д.Рашидовой. Библиотека ННИ Искусствознания. Инв. №879. С.28.

¹⁵⁰ Қизиқ бир қиёс: 1993 йили оламдан кўз юмган ХХ асрнинг энг забардаст композиторларидан фарангистонлик О.Мессиян ҳам ўз вақтида ҳинд усуллари ва қушлар тили орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини наинки илмий, балки ижодий исботлаб берди.

мавжуд мусиқавий шакл ва (ҳозирги истилоҳ билан айтганда) жанрлар таърифига ажратилган. Боз устига, мазкур, алоҳида муаммо тарзида кўрилаётган Дарвишали Чангийнинг бири-бирига уйғун уланиб кетаётган илмий-бадий қайдлари мана шу бобнинг ўзида монодиязамин ижод таълимоти инъикосланганлигидан далолат беради.

Хусусан, кор, қавл, амал, пешрав, савт, нақш, рехта, сажъ каби шаклларнинг лўндагина тарихий ва назарий таърифи, насрий баён, назмий мисралар билан тўлдирилиши мазкур услуб исботидир.

V боб пировардида рисоланинг яна бир, шу кунга қадар диққат четида қолиб келган “сир”и мавжуд: Дарвишали Чангий ўз олдида бир томондан мусиқа илми баённи, иккинчи томондан, ўзига хос т а з к и р а тузишни мақсад қилиб қўйганини таъкидлайди.¹⁵¹ Демак, муаллиф – созанда, шоир, мусиқашунос ва бастакор бўла туриб, айнан ана шу ниятини кўзлаганлигини инобатга олсак, мазкур рисола тарихан илк мусиқий тазкиралардан бири эканлигини ҳам эътироф этишимиз зарур.

Асардаги VI-XII (яъни жами 7) бобларда бастакорлик санъатига бевосита устуворлик мавқеи берилиб, мазкур ижоднинг деярли барча сиру синоатлари, хусусан, мозийдан етиб келган афсона, ривоятлардан тортиб муайян манбалардан тўпланган, шеър ва куй муаллифлари, баъзан яратилган даври ва жараёни аниқ далиллар билан бойитилган асарларга оид маълумотлар мавжуд. Буларнинг аксарияти баёнида Дарвишали Чангийнинг ижрочи (созанда, хонанда)лик, бастакорлик ва олимлик маҳорати тўла-тўқис ўз самарасини беради. Маълумки, Машрикда ҳам, Мағрибда ҳам яратилган янги асарни унинг и л к ижрочисига бағишлаш анъанаси асрлар мобайнида шаклланиб келган. Рисола (VII боб)даги Устод Шодийнинг ижодий таърифида қуйидагиларни ўқиймиз: “...унинг 12

¹⁵¹ Мазкур манба, 64-бет.

та шогирди мавжуд эди... ва Ҳирот қалъасида – Ироқ пардаси (мақоми), Фаръ усулида 12 та нақш яратиб, буларни қай бир шогирди энг юксак даражада талқин этса ўшанга бағишланажаклигини эълон қилади”.¹⁵² Шу боис мухаммас усулидаги “Сунбулий” асари Юсуф Андижонийга, Турк-зарб усулидаги “Дили шиша” Мир Ҳиравийга, яна мухаммас усулидаги “Ханжар” Али Кармалга ва ҳ.к. бағишланган экан.

Оврўподан фарқли ўлароқ, шогирд устозга эмас, балки унинг ниҳоятда ибратли а к с и тарзидаги бағишлов намунаси Дарвишали Чангий эътиборини ўзига тортган, бунда у бастакорлик соҳасидаги асл ва шарқона ҳиммат, бўлажак касбдошига эътимод, ҳақиқий истеъдодига эътирофнинг том маънодаги мисолини кўра олган.

Муаллиф ўзи таъкидлаганидек, баъзан салафларидан маълумотларни олиб, буларга замон зайли, ўзининг ижодкорона ва, шубҳасиз, ўта эҳтиросли диди билан ёндашади. Абу Абдулло Рудакийнинг иродали иш тутиши, маҳоратли ижро ва ижодчилиги туфайли она юртга қайтиш заруратини англаган Бухоро амири Наср ибн Аҳмад Сомоний ҳақидаги афсона Дарвишали Чангий талқинида айнан ана шундай йўсинда бойитилган: “Бу воқеа замондош олимларни ҳайратлантирмоқда, деб таъкидлайди, у, зеро, шеър соддагина, нозик тафаккур ва мазмундорлик жиҳатидан оддийгина... Лекин устоднинг мусиқа илмида моҳирлиги, ва, балки, мазкур шеърни қавл ёки савт шаклида куйлаганлиги туфайлигина муваффақиятга эришгандир”.¹⁵⁵

Ажратилган мухтасар ҳажмдан чиқиб кетмаслик ниятида, биз илк бор ўртага қўйилаётган у м м о н д е к муаммонинг фақат бир томони – 15 асрлик тан олинажак феномен, яъни ўзбек бастакорлик ижодининг атиги муаллифлик масаласига т а р и х и й нуқтаи назар-

¹⁵² Ўша манба, 162-бет.

¹⁵⁵ Ўша манба, 78-бет.

дан ёндашишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Зеро, ана шу бир ярим минг йиллик улкан даврнинг айна кузатиб чиқилган XV-XVII аср биринчи ярмидаги равнақи илмсевар ва санъатсевар Соҳибқирон Темурбек ва унинг бирламчи сулоласи даврига тўғри келиб, тарихнинг ўзи инъом этган серомил жараёни кашф этди ва мусиқа санъати соҳасида демиург (бир шахснинг ўзида ижрочи, ижодкор ва таҳлилчи)лар юзага келишига ҳал этувчи сабаб бўлди. Фикримизча: шундайин бўлмаганида, асрлар мобайнида илмий, амалий ва ижодий йўсинларда бир қатъий мавқега кўтарилган “Дувоздаҳмақом” туркуми айнан шу 2-2,5 асрда янги туркум – “Шашмақом”га пайвандланиб кетармиди?

Ёки бўлмаса, аллома Алишер Навоий (“Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”ида) таъкидлаганидек, тақлидий ижоддан муқтақил бастакорлик устуворлиги бунчалик кўндаланг қўйилармиди?

Хуллас, сўнги 15-20 йил давомида ўзбек бастакорлик санъати борасидаги кузатувлар, XX асрнинг ҳеч бўлмаганида пировард йилларида мувозанат тикланиб, юзлаб композиторлар қатори ўнлаб бастакорлар ижодига диққат-эътибор берилётганлиги наинки тарихий ҳақиқат тикланаётганлигидан, балки мусиқашунослимиз олдидаги ўта долзарб муаммо ўз тадқиқотчиларини топаётганлигидан яхши далолат беради.

Бу борада “Мусиқа ижодиёти масалалари” тўпламининг дастлабки (1997) сониди Ю.Ражабий, К.Жабборов, С.Калонов, Ф.Содиқовдек беназир бастакорларимиз мероси илк бор таҳлилланганлиги, Тошкент Давлат консерваториясини камина синфи бўйича битирганлар Ф.Мамадалиев (Д.Орипова, 1994), И.Икромов (Ч.Эргашева, 1998), А.Исмоилов (У.Мамажонов, 2001) каби атоқли ижодкорларимиз асарлари тадқиқ этилаётганлиги эътиборга моликдир.

2002 йил

БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ ШАҲАР МУҲИТИДА: ЎТМИШ ВА ЗАМОН

Маълумки, ўзининг табаррук XV асрлик йилнома-сига қадам қўйган анъанавий, яъни монодиязамин бастакорлик санъатимиз – турли тарихий довларни босиб ўтиб, бадий етук ижодий фалсафий, эстетик ва этик эҳтиёжларга монанд теран асарлар кашф этиб келган. Мазкур турфа санъат соҳиб (баъзан соҳиба)ларининг аксарияти, ҳар ҳолда энг қобилиятли – демиурглари¹⁵⁴ ўзларининг созандалик, хонандалик ва бастакорлик фаолиятларини одатда йирик шаҳарларда намоён этишган. Зеро, қадимдан Бухоро, Самарқанд, Андижон, Хива, Қўқон, Марғилон каби шаҳарлар наинки сиёсий, иқтисодий, балки улкан маданият ўчоқлари ҳам бўлган. Шу боис айна ана шундай шаҳарларда ўзга касб-ҳунарлар қатори мусиқа маданияти профессионаллашуви изчил кузатилади. Бунинг самараси ўзароқ, дейлик Сомонийлар, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида буткул бир жараён юзага келади.

Булар:

1. Анъанавий (бутун Шарқ учун) “Устоз-шогирд” тамойилларига пухта таянган, касбий етук натижаларга муяссар бўлган мукамал мусиқий таълим тизими шаклланиши.

2. Мазкур таълим тизими таркибида – оммабоп (ноғора, сурнай, карнай, шунингдек, дутор) ва хусусийлашган (танбур, сато, ғижжак, чанг, най, рубоб) созандалик мактаблари юзага келиши.

3. Айна созандалик мактаби замири (айниқса, ғижжакчилик ва чангчилик самараси)да бастакорлик тамойилларини ижодий ривожлантириш.

¹⁵⁴ Демиург атамаси Платон томонидан (“Тимей”ида) “Коинотнинг ижодкори ва отаси” сифатида киритилиб, кейинчалик бир неча соҳаларда фаоллик кўрсатган маҳоратли шахсларга нисбатан қўлланилади.

4. Йирик (юқоридагилардан ташқари Ҳирот, Шахрисабз, Кармана, Фарғона, Тошкент ва б.) шаҳарларда *хонандалик* мактаблари юзага келиб, буларнинг айримлари (созанда-бастакорлардан бирмунча кам бўлса-да) замирида ҳам хофиз-бастакорлар пайдо бўлиши.

Демак, биз юқорида таъкидланган уч қанотли истеъдод – созандалик, хонандалик ва бастакорлик заковатларини уйғунлаштира олган дарға ижодкорларимиз етишиб чиқишида йирик шаҳарлардаги саройлар ва ўзга тафаккурни ҳаракатлантирувчи шаҳобчалар – асосий омил бўлган дейишга тўла асос бор.

Ана шундай, том маънодаги *демиург* бастакорлардан бири, Яқин ва Ўрта Шарқ бастакорлик ижодиётининг асосчиси Барбад Марвий (580-638) дастлабки касбий ютуқларини марвда, ижодий баркамоллигини эса Ироқ пойтахти Бағдод ва унинг яқинидаги “Қасри Ширин”да қўлга киритади, тарихий аҳамиятга молик “Хусравоний” (7 қисмли) ва йилнома (360) асарли *туркумларини* ҳам айни ана шу цивилизация марказларида яратади.

Худди шу каби Ўрта осиелик Абдурахмон Сурайж (743 ваф. этган), Абдурахмон Суғдий (823 ваф. этган), Абу Абдулло Рудакий (860-941), Абу Наср Форобий (873-950) каби дарғалар ҳам бастакорлик бобидаги номларини ва шонларини – ўз она шаҳарларидан сўнг, Эрон, Ироқ ва бошқа араб мамлакатларининг йирик худудларида чиқаришган.¹⁵⁵

2003 йил

¹⁵⁵ Бу ҳақда қаранг: Т.Ғофурбеков. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. I глава. Т., 1977.

ЎЗБЕК БАСТАКОРЛИК МАКТАБЛАРИ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР

Кириш

Бундан 15 йил муқаддам яқунланган ва инсоният тарихидан ўзига монанд ўрин эгаллаётган XX аср мобайнида Ўзбекистон, Марказий Осиё, айрим Кавказорти ва бир қатор хорижий Шарқ, умуман буткул Яқин ва Ўрта Шарқ худудларида *муаллифлик* жиҳатдан турли тарзда намоён бўлган мусиқий-ижодий жараён асосан *икки йўналиш*, яъни кўп асрлик асл шарқона *бастакорлик* ва айни мазкур юзйилликда кириб келган, баъзан зўравонларча сингдирилган *композиторлик* ижодиётларидир. Иттифоқо ҳар иккала ижодиёт ахлининг дарғалари жаҳон мусиқа тамаддуни хазинасига бекаму кўст, бир-биридан қолишмайдиган дурдона асарлар тақдим этишган. Бу икки ижод йўлининг тарихи ва тақдири, баркамол ва инқироз паллалари айнан ўтган юзйилликда катта синовларга дучор бўлди. Зеро, бир томондан, қарийб 15 асрга тааллуқли асл шарқона бастакорлик ижодиёти бир чеккага суриб қўйилиб, Европа андазаларига асосланган композиторлик тамойилларига урғу берилдики, бунинг салбий оқибатларини ҳозирги XX XXI асрлар кесимида ҳам яққол гувоҳи бўлмоқдамиз. *Хусусан, Ўзбекистон композиторлик мактаблари ҳақида гапирилади, ёзилади-ю... Ўзбек бастакорлик мактаби борасида оғиз очилмайди.*

Эслатиб ўтмоқчиман, Ўзбекистонда XX аср мусиқашунослигининг тамал тошини қўйганлардан, айниқса – Т.С.Визгонинг “Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой” (1960) дея номланган докторлик диссертацияси ҳамда шу номдаги монографиясида маҳаллий композиторлик мактаби ҳақида ниҳоятда изчил, мўл ва дўл, баъзан ўринсиз фикрлар билдирилган. Муаллиф хатто “О формировании национальной композиторской школы

в Узбекистане” (1964) сарлавҳали мақоласини ҳам бир неча бор нашр эттирган эди.

Боз устига, аксарият Шарқ мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда, авваламбор, муайян пала-партишликлар айнан икки аср кесимида қуйидагиларда кузатилмоқда:

1. Негадир ҳозирги даврга келиб, **“бастакор”** атамаси **“композитор”** термини билан аралаш-қуралаш ишлатилиши оқибатида Ўзбекистон давлат консерваториясида биринчиси иккинчисининг ўрнини эгаллаб олмоқда. Натижада, азалий, анъанавий Европа-замин **композиция** асосларини ўзлаштирувчи касб эгаси, яъни **композитор** дея аталиши ва ҳатто расмий ҳужжатларда тўғри таъкидланиши ўрнига **“бастакор”** (?) сифатида кўрсатилмоқда, жорийлашмоқда.

2. XX асрнинг охирларигача Ўзбекистон композиторлари уюшмаси деб аталган давлат ташкилоти расман – Ўзбекистон бастакорлари (?) уюшмаси деб аталмоқда.

3. Бундайин касбий эътиборсизликлар ҳақида бир қатор муסיқашунослару айрим таниқли бастакор ва композиторларимиз бот-бот бонг уришса-да,¹⁵⁶ аҳвол ўзгармай келмоқда.

4. Энг ачинарлиси, бир пайтлари муайян ижодий таъмоийллари шакллантириб, Ҳожи Абдулазиз Абдура-

¹⁵⁶ Қаранг: Т.Ғофурбеков: Творческие ресурсы национальной монодии... - Т.: Фан, 1987 (3-боб); Творцы монодийных произведений в Средней Азии // Традиции музыкальных культур... - М.: Сов. композитор, 1987; Барбадово искусство: суть и судьба // Борбад и художественные традиции... - Душанбе: Дониш, 1990; Ўзбек бастакорлигида муаллифлик масаласига доир // Муסיқа ижодиёти масалалари. - Т.: Янги аср авлоди, 2002; Полимонодия – феномен творчества узбекских бастакоров // Музыкальное искусство... Вып.2 – Астана. КазНАМ, 2006; Н.Янов-Яновская. Одна культура – две традиции // Музыкальная академия, 1999, №3. Шунингдек, марҳум бастакорларимиздан Ф.Мамадалиев, О.Ҳотамов, композиторлардан Ф.Янов-Яновскийларнинг интервьюлари қаралсин.

сулов (1851-1936)тамал тошини ўрнатган **Самарқанд** (Н.Ҳасанов, Д.Зокиров, Ш.Ақромов), Тўхтасин Жалилов (1894-1966) асос солган водий (М.Муртазоев, Ғ.Тошматов, К.Жабборов, Ф.Мамадалиев, Ғ.Рўзибоев, О.Ҳотамов, Ғ.Ҳожиқулов, А.Исмоилов), Юнус Ражабий (1897-1976) бошлиқ **Тошкент** (А.Икромов, Ф.Содиқов, С.Калонов, Н.Қулабдуллаев), шунингдек **Хоразм** (К.Отаниёзов, О.Худойшукуров, О.Отажонов), **Бухоро** (А.Бобохонов, О.Атоев) бастакорлик мактаблари аста-секин йўқолиб бормоқда. Булар ўрнини данакдан ўсиб чиққан дарахтнинг шўр мевалари янглиғ, ўзбошимча, замонавийлаштирилган тарзда ўзбилармон “бастакорча”лар кун сайин кўпайиб бормоқда. Оқибатда, оғзини аранг очишга қурби етган (айниқса, ҳозирги эстрадамиздаги) хонанда ҳам – “бастакор”, бирор создан товуш ҳосил қилишга улгурган созанда ҳам “бастакор”.

Бундай кўргилик ва пала-партишликлар даврида асл бастакорлик ижодиётига оид адабиётлар турли жанрлар ва шаклларда яратилаётгани, шубҳасиз, мамнунлик уйғотади.

Айнан икки аср кесимидаги нашрларга мурожаат этиб, буларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

I. Бастакорликнинг умумий муаммоларига доир диссертацион тадқиқотлар, булар асосидаги монографиялар:

1. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. – Тошкент: “San’at”, 2006 (докторлик диссертацияси).

2. Тўхтасин Ғофурбеков. Миллий монодиянинг ижодий заҳиралари ва уларнинг замонавий ўзбек муסיқасида сингдирилиши. – Тошкент: Фан, 1987 (докторлик диссертацияси).

3. Сойибжон Бегматов. Фарғона водийси ҳофизлик санъати анъаналари. – Т., 1995 (номзодлик диссертацияси).

4. Ботир Матёқубов. Хоразм дostonларининг мусиқий хусусиятлари. – Т., 1996 (номзодлик диссертацияси).

5. Отаназар Матёқубов. Мақомот. – Т.: “Мусиқа”, 2004 (номзодлик диссертацияси).

6. Оқилхон Иброҳимов. Фарғона-Тошкент мақомлари. – Т.: “MEDIA LAND”, 2006 (номзодлик диссертацияси).

II. Айрим бастакорлар ижодини таҳлил этувчи монография, мақола ва диплом ишлари:

1. Дилноза Орипова. Фаттоҳхон Мамадалиев. – Т., (Илмий раҳбар – Т.Б.Ғофурбеков), 1994.

2. Карима Олимбоева-Аҳмедова. Мирзажон Тиллаев, Мухторжон Муртазоев, Орифхон Ҳотамов // Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. – Т.: “Турондот”, 1996.

3. Тўхтасин Ғофурбеков. XX аср ўзбек мусиқаси ва Юнус Ражабий // Мусиқа ижодиёти масалалари. I тўплам. – Т.: Қатортол – Камолот, 1997.

4. Равшан Юнусов. Фахриддин Содиқовнинг ижодий мероси ҳозирги замон бастакорлик жараёни кесмида // Мазкур тўплам.

5. Холида Ғофурбекова. Бастакор Комилжон Жабборов // Мазкур тўплам.

6. Холида Ғофурбекова. Бастакор Саиджон Калонов // Мазкур тўплам.

7. Чинора Эргашева. Имомжон Икромов ижоди (диплом иши – илмий раҳбар Т.Б.Ғофурбеков). – Т., 1998.

8. Сойибжон Бегматов. Орифхон Ҳотамов. Т.: “Янги аср авлоди”, 2000.

9. Тўхтасин Ғофурбеков. Бастакорлик ижодиёти // Ўзбекистон санъати (1991-2001), Т.: “Шарқ” НМАК, 2001.

10. Улуғбек Мамажонов. “Абдуҳошим Исмоилов” (диплом иши – илмий раҳбар Т.Б.Ғофурбеков). 2001.

11. Сойибжон Бегматов. Камолитдин Раҳимов. – Т.: “Янги нашр”, 2002.

12. Тўхтасин Ғофурбеков. Ўзбек бастакорлигида муаллифлик масаласи // Мусиқа ижодиёти масалалари. 2-тўплам. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.

13. Тўхтасин Ғофурбеков. Бастакорлик ижодиёти шаҳар муҳитида // Ўзбекистон урбанистик маданияти. – Т.: СИТИ, 2003.

14. Равшан Юнусов. Фахриддин Содиқов. – Т.: 2005.

15. Сойибжон Бегматов, Азизжон Зокиров. Мухторжон Муртазоев. – Т.: 2006.

16. Тўхтасин Ғофурбеков. Полимонодия – феномен творчества узбекских бастакоров // Музыкальное искусство. Наука и образование. Вып.2. – Астана: КазНАМ, 2006.

17. Тўхтасин Ғофурбеков. Сайланма. – Т.: “MUSIQA” нашриёти.

III. Айрим бастакор ва касбга дахлдорларнинг нашрлари:

1. Фахриддин Умаров. Мени ёд эт // Ёзиб олувчилар Н.Боқий, Х.Ҳамидов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

2. Шерали Жўраев. Санъатим. Нашрга тайёрловчи С.Саййид. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.

3. Фаттоҳхон Мамадалиев. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. Нашрга тайёрловчи Р.Юнусов. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.

4. Султонали Маннопов. Сўнмас наволар. – “Фарғона”, 2004.

5. Ўлмас Расулов. Анъанавий хонандалик ўқитиш методикаси. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

6. Султонали Маннопов. Ўзбекистон булбули. – “Фарғона”, 2007.

7. Ўлмас Расулов. Кўзга айлансин кўнгил. – Т.: 2012.

Ушбу мухтасар илмий-услубий тадқиқотимизни бевосита ҳозирги кунда мавжуд адабиётлар саноғи ва буларнинг жанрий-шаклий таснифотидан бошлашимизга сабаб, ундан фойдаланувчи ҳар бир ўқитувчи, айниқса, ўқувчилар кўзи олдида мавзуга оид аён

ўрганилажак панорама, қамровли манзарани ҳосил этиш мақсадидир. Зеро, айнан мазкур санок – таснифотда қарийб бир ярим минг йилликка тенг бастакорлик ижодиётига XX-XXI аср кесимида – қай даражада ёндашилаётганлиги аниқ инъикосланади, бу ижод соҳасининг умумий муаммолари, муайян ижодкорларнинг асарлари, муаллифлик услуб ва тамойиллари қандай тарзда, қандай қамровда изоҳланаётганлиги ва таҳлилланаётганлиги ойдинлашади. Ваҳоланки, сўнги пайтларда Ўзбекистон радиоси (“Машъал” – “Санъатимиз дарғалари”. “Орият Доно” – “Барҳаёт сиймолар” ва бошқалар) ҳамда телевиденияси (“Ёшлар”, айниқса, “Тошкент” канали)да эшиттириш ва кўрсатувлар ғирт кўчирмачилик, яъни *плагиаг* асосида тайёрланмоқда.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, XX асрда энг юқори минбарлардан собиқ Иттифоқ мусиқа маданиятининг кўзга кўринган (СССР композиторлар уюшмасининг доимий раиси – Т.Н.Хренниковдек!) раҳбарлари томонидан хўрланган¹⁵⁷ ва касбий камситилган бастакорлар (демакки – оқинлар, ошуқлар) кузатилаётган даврда нисбатан оқланиб, булар ижоди тарғиб қилина бошланди, айримларининг асарлари нота нашрларига муяссар бўлди...

Бироқ бу мўъжизакор ижодиёт Ўзбекистонда ханузгача на ўрта бўғин, на олий мусиқа ўқув тизимидан ўрин олганча йўқ. Ваҳоланки, бир қатор атоқли композиторлар (М.Бурҳонов, Д.Зокиров, С.Жалил) ижоди табиатан бастакорлик тафаккури билан узвий боғлиқлиги исботланмоқда. Ўз ўрнида бастакорлардан Ф.Содиқов, К.Жабборов ҳозирги кунда А.Исмоилов ва бошқаларнинг асарларида композиторлик ижодиёти таъсирида *полимонодия* феномени шаклланиб, бунинг ижобий тамаойиллари Марказий Осиё ва Кавказорти муаллифлари ижодида ҳам кузатилмоқда.

¹⁵⁷ Қаранг: Музыкальная критика в Узбекистане. – Т.: Фан. 1984. III боб.

Асосий қисм

Яқунланиб, мавқеи, моҳияти ҳамон муҳокамақилинаётган ўтган юз йиллик охири – навқирон XXI аср ва умидли янги мингйилликка қадам қўйган дастлабки паллаларда инсоният салоҳият маҳсулотлари, хусусан, бадиий тафаккур инъикоси бўлмиш – мусиқа ижодиётига ҳам муносабат сезиларли даражада ўзгармоқда. Дейлик, миллиардлаб аҳоли яшаётган Шарқ мамлакатларининг маълум ҳудудларида, айниқса, собиқ Иттифоқнинг *монодиязамин* маданиятларида, қарийб 15 асрга тенг бастакорлик ва ниҳоясини топган юзйилликда астойдил, баъзан зўравонлик билан жорий этиб келинган композиторлик ижодиётларига нисбатан турлича, баъзан қарама-қарши қарашлар, кузатувлар, хулосаларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Сабаб, тарих қаърига кўчган аввалги аср мобайнида деярли бир ярим минг йил ардоқланиб келган бастакорлик касби, демакки унинг жамиятдаги ўрни, мусиқа ижодиётидаги статуси адолатсизларча камситилиб, атиги 70-80 йил ичида шакллана бошланган янгича ижод соҳиби – композиторлар ардоқланиб, буларга мансуб ҳар қандай, яъни ҳақиқатан, бадиий етук ва шу билан бирга, ўнлаб савияси паст асарларга урғу бериб келинди. Оқибатда, биз кузатаётган икки аср кесимида юқоридаги жараённинг акси аломатлари – бастакорларга эътибор кучайиб, композиторлик ижодиётига сусайиш ҳоллари ҳам намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, анъанавий бастакорлик ижодиётининг ўнлаб услубий тамойиллари, юзлаб шаклий тузилмалари, жанрий турларидан, назаримизда қуйидагилари сақланиб қолган ва бевосита муаллифлик амалиётида қўлланиб келинмоқда.

1. Мерос намунасига муаллифан ёндашиш:

1. Фольклор моделини жанр жиҳатдан ўзгартириш – Н.Ҳасановнинг “Том бошида тоғора” асосидаги “Қизлар ракси I” ва “Қизлар ракси II” (уфари), Ю.Ражабийнинг “Тановор” асосида “Юзни ойдек” ва б.

2. Чолғу куйларни ашулалаштириш – И.Икромовнинг “Муножот”, “Чўли Ироқ” ва “Ажам”лари ва б.

3. Мерос моделини шаклан ёнги жанран ўзгартириш.

4. Мерос намунасининг лади (парда) тизимида мустақил асар яратиш – О.Хотамовнинг “Қоши ёсинму” ашуласи¹⁵⁸ ва б.

II. Муайян воҳа ижодий тамойиллари (лад, оҳанглар мажмуи, шакли ва жанри)ни асарда умумлаштириш:

1. Фарғона-Тошкент тамойиллари – Ж.Султоновнинг “Найлайн” (С.Абдулла), “Тулизорим қани?” (Лутфий), “Таманно” (Муқимий), С.Жалилнинг “Эй ёри – хуш келибсиз” (Нихоний), “Келмаса келмасун нетай”, А.Исмоиловнинг “Ҳолим сўрма”, “Учрашув” каби, Н.Қулабдуллаевнинг “Ўйламанг” сингари куй ва қўшиқлари.

2. Бухоро-Самарқанд тамойиллари – Ў.Расуловнинг “Дил таснифи”, “Кўнгил навоси”, “Парвона”, “Ширу-шакар”, О.Атоевнинг “Бухорча ёр-ёр”, “Маза дорад лаби ёр”, “Зардўз қизлар рақси” ва б.

3. Хоразм тамойиллари – О.Худойшукуровнинг “Биринчи муҳаббатим”, “Мужгонларинг”, “Оламда бир”, О.Отажоновнинг “Умр ўтар...” (О.Матжон).

III. Муайян воҳа тамойилларида кўп қисмли туркумлар яратиш:

1. И.Икромовнинг “Фарход” сюитаси, Ф.Мамадалиевнинг “Муножот”, “Насруллоий”, “Мискин” ва “Ушшоқ” туркумлари, О.Хотамовнинг Яссавий, Боқирғоний, Навоий, Чустий ғазалларига туркумлари ва б.

БАТАКОР БАСТАКОР


Муסיқа тарихида “Улуғларнинг улуғлиги вақт ўтган сари ойдинлашади” деган доно нақл қайта-қайта такрорланади. Ҳақиқатдан, дейлик буюк Бах ёнги Бетховен ўз даври, ўз ватанида камтарона баҳоланишган бўлишса, сўнги икки аср мобайнида буларнинг ижодий мероси наинги Германия, балки бутун жаҳон миқёсида оламшумул аҳамиятга моликлиги изчил ишботланиб келинмоқда.

Бизнинг муסיқа санъатимизда ҳам ана шундай дарға ижодкорлар йўқ эмас. Улардан бири ва алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчиси – Тўхтасин Жалиловдир. Зеро, фаолиятининг ўта кенг қамровлилиги, созандаликда водий ғижжакчилик мактабини яратганлиги, бастакорликда бу ижод доирасини дангаллик билан бойитганлиги, яъни романс, опера каби мураккаб соҳаларда ибратли битиклар қолдирганлиги, жами 40 га яқин муסיқий-сахнавий асарлари орқали ўзбек муסיқали драмаси дея аталмиш халқчил, асл ўзбекона жанрга тамал тошини қўйиб кетганлиги – буларнинг ҳар бири оламшумулдир. Куйида, биз ана шу серқирра фаолият, уммондек ижодий меросдан фақат бастакорлик билан боғлиқ тамойиллар борасида фикр юритмоқчимиз.

Аввало, Тўхтасин Жалилов водий бастакорлик мактабининг XX асрдаги ижодбошиларида эканлигини теран англаб, деярли бир ярим мингйиллик мўъжизакор санъат анъаналарини тиклашга интилган. Иттифоқо, замон зайлларида келиб чиқиб, янгича, баъзан тубдан янги ижодий тамойилларни кашф этган.

Бастакорнинг илк асари – машҳур “Сигнал” (1920) куйини таҳлилласак, унинг ўзбек муסיқа меросидаги оҳанг ва ритмик омилларини қидирсак, изланишларимиз “Дугоҳ” мақомининг айрим ашула, айниқса, чолғу йўллари ва буларнинг Шашмақомдагина эмас, балки “Мушкулоти Дугоҳ” деб аталувчи сурнай вариантларига бориб тақалади.

¹⁵⁸ Қаранг: Ў.Расулов. Куй руҳни поклайди // ЎзАС. 2009. 23 январь.



Демак, ўн беш аср мобайнида бастакорлик санъатида муайян ижодий анъана тусини олган, халқ орасида маълум куйлар асосида, булардан семантик жиҳатдан туб мазмун-моҳиятни ўзгартирган янгича асарлар яратишдек тамойилни Т.Жалилов ниҳоятда пухта англаганлиги ва моҳирона фойдалана олиши яққол намоён бўлади. Боз устига, чолғу “Сигнал” турли ансамбллар, пуфлама созлар оркестрлари ижросида оммавийлашганлиги боис, ана шу 20-йиллардаёқ кенг тарқалган кўшиқ сифатида ҳам машҳур бўлиб кетган:


“Сигнал” куйи ва унинг омиллари
 “Таснифи Дугоҳ” (2-хона). Тожикистон




“Таснифи Дугоҳ” (2-хона). Ўзбекистон



“Мушкулоти Дугоҳ”. Ўзбекистон



“Сигнал” (1920 йиллар) куйи



Allegretto

Пах - та, пах - та фаб-рик за - вод жо - ни пах - та.

4 Шу да-в(ир)-нинг тўл-қун ур-ган ко-ни пах та Ча-ман, ча-ман о - чил ган - да

7 пах - та-лар Ку - чок тў - либ фаб-рик- лар - да пах - та-лар.

Пах - та, пах - та фаб-рик за - вод жо - ни пах - та. Шу да-в(ир)-нинг тўл-қун ур-ган

ко - ни пах - та Фаб - рик - лар - нинг пар - ра - си да пах - та гу - ли

Ой-дек тў-либ я - ра - шиб-дир у бир йў-ли, Куч-ли ма шинг зарб-дор иш-дан

чар - ча-май Сурь - а - ти - дан кў - шик тў тур тўх - та-мас

Пах - та, пах - та фаб - рик за - вод жо - ни пах - та

Шу да - в(ир) - нинг тўл - қун ур - ган ко - ни пах - та.

Яққол кўришиб турибдики, бастакор нисбатан торроқ доираларда, деярли касбий асар сифатида маълум бўлган куй парчаларидан оммабоп (ва ҳаммабоп!), тезда ёдлаб олинадиган куй ва унинг қўшиқ вариантыни яратишга муяссар бўлган.

Т.Жалиловнинг бу қобилияти, наинки ўнлаб

(“Довруқ”, “Азиз ватаним”, “Кокилинг”, “Ўйнасин”, “Ялла”, “Тўйлар муборак!” каби) қўшиқ, ашулаларидагина эмас, балки бир қатор мусиқали драмалари ва комедияларида ҳам кузатилади. ✓

Илк садоларидан ҳаммага таниш бўлган, ижодкорнинг шох асарларидан “Тохир ва Зухра”даги “Отмагай тонг” дуэтини олайлик. Бош қаҳрамонларнинг асл моҳияти, оҳангли қиёфаларини тўлақонли очиб берувчи бу мўъжизакор куй замирида машхур (айниқса, устоз Ф.Мамадалиев талқинларидаги) “Ол хабар” халқ ашуласи бўлиб, унга Т.Жалилов шундай нозик сайқал берганларки, ҳозирги кунда аксарият ижрочилар ҳам мазкур жараённи сезмайди.

Юқорида, беназир бастакоримиз романс жанрига мурожаат қилганлигини таъкидлаган эдик. Ҳақиқатдан, композиторлар, яъни консерваторияларда махсус “композиция” курсини битириб, кўп овозли асарлар яратувчилар учун ҳам бирмунча муаммоли бўлган ушбу жанрда бастакорлардан фақат Т.Жалиловгина ижод қилганлиги бизга маълум.

Романс “Бағишлов” деб аталиб, буюк рус шоири А.С.Пушкиннинг “Руслан ва Людмила” достонидан олинган Миртемир таржимасидаги матнга яратилган:

№14

Сиз-га кўнг-лим ма-ли-ка-ла-ри. Дил-ра-бо - лар, сиз у-чун

ёл-ғиз. Кеч-миш-лар-нинг нах-ли бу ба - ри.

Ол-тин вақ-тим а - яя-май хар-ғиз Эз-ма мо-зи о - хан-ги-га мос

Ёз-лим да-дил ко-ғоз ю-зи - га Шўх вақ-ма-тим о-линг сиз-га хос!

Уч-май ҳеч ким ол-қини сў-зи-га У-мид-лар-да

бў-лар-ман ҳуш хол Инш дар-ди-да ўр-тан-ган дил-бар.

гу-ноҳ - кор наз - мим - га, эҳ - ти - мол. гап - лаб - кў - яр

ки - ё бир на - зар.

Қарангки, Т.Жалилов камтарлик билан (Илёс Акбаров хотираларида таъкидланганидек) бу асарини қайта-қайта вариантларда гавдалантирган бўлса-да, ҳаётлик даврларида бирор хонандага ўргатиб, ижро эттиришдан бош тортган экан...

Энди муסיқа ижодиётининг энг мураккаб тури бўлмиш операга келсак, бастакоримиз 1949 йили таниқли композитор Б.Бровцин билан ҳамкорликда “Тоҳир ва Зухра” асарини яратди. Кейинчалик унинг асосида Ўзбекистондаги илк опера-балет юзага келди.

Т.Жалилов ва опера санъати ҳақидаги кузатувларимизга “Гулсара” (1949) операсини ҳам қўшиб қўйиш мумкин. Зеро, Р.Глиэр ва Т.Содиқовларгагина нисбат берилиб келинаётган бу асар, дастлаб муסיқали драма бўлиб (1936), унинг аксарият лавҳаларининг куйлари айнан Т.Жалилов ижросида ёзиб олинган.

Демак, беназир бастакоримизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли анъанавий бастакорлик ижодиётига ХХ асрдаги композиторлик тамойиллари ҳам кириб келган дейишимизга тўла асос мавжуд.

Ниҳоят, Т.Жалиловнинг ниҳоятда ибратли фазилатларидан каттагина санъаткорлар сулоласини қолдирганлигидадир. Қизлари – Ўзбекистон халқ артисти Эътибор ва Холида Жалиловалар – анъанавий ва академик хонандаликда, ўғиллари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холхўжа Тўхтасинов – бастакорликда (“Айлагач”, “Малаксан ё башар...” каби ашулалар, “Хумор” кўйи ва бошқа асарлар муаллифи), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Деҳқон Жалилов – дирижёрликда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов – моҳирона созандаликда Ўзбекистон муסיқа маданиятида улкан из қолдиришган.

2009 йил

Илмий-бадиий нашр

Тўхтасинбек Гофурбеков

**БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ:
ТАРИХИ, ТАҲЛИЛИ, ТАҚДИРИ**

Муҳаррир:

Раъно Муллаҳўжаева

Техник муҳаррир:

Акбаршоҳ Иноятов

Дизайнер:

Рустам Эрматов

Мусахҳиҳ:

Дилноза Рустамова

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АИ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 17 июлда берилди.

Босишга 2019 йил 14 ноябрда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. «PT Sans» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

6,2 шарт. б.т. 10 ҳисоб нашр. таб.

Адади 200 нусха. 140-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^а-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.



Тўхтасинбек Ғофурбеков
(1939 йилда туғилган)

Ўзбекистон энциклопедияси таҳририятида (бош илмий муҳаррир, "Муסיқа" секцияси бошлиғи) лавозимларида самарали меҳнат фаолиятини олиб борган. 1971 йилдан Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси аъзоси, Тошкент шаҳар кенгаши депутати (1990-1995) сифатида фаолият кўрсатган.

Муסיқшунос олим ўзбек (фольклор, оғзаки анъанадаги касбий муסיқа, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, махсус педагогика илмий таҳрир), Шарқ (монодия, полимонодия, Шарқ мавзулари – жаҳон композиторлик ижодиётида), Шарқий Европа (Д.Шостакович, А.Хачатурян ва бошқалар) ва Ғарбий Европа (Моцарт, Бетховен, Шимановский, Лютославский) муסיқанинг долзарб муаммоларини изчил тадқиқ этди. Олимнинг илмий ишлари Россия, Руминия, Болгария, Туркия, Германия, Япония, Иорданияда нашр юзини кўрган. Т.Ғофурбеков Европа, Россия, Марказий Осиё давлатларида маърузалар қилиб, Москва, Душанбе, Ашхобод, Бишкек, Минск, Уфа, Қозон, Олмаота олимлари диссертацияларига оппонентлик қилган.

Унинг кўп йиллик серқирра фаолияти натижасида муסיқашуносликнинг қатор йўналишлари юзага келди. Хусусан, "Амир Темур даври муסיқаси ва унинг образи Европа опера ижодиётида", "Шарқ-ўзбек мавзулари – Европа композиторлари ижодида" каби мавзулар Т.Ғофурбеков томонидан ilk маротаба тадқиқ этилди. Олим киритган "монообработка", "полимонодия", "первоинтонирование" каби атамалардан Марказий Осиё тадқиқотчилари кенг фойдаланишмоқда. У ўзининг илмий-тадқиқот мактабинини яратиб, нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ ва хориж мамлакатларида тан олинган.

Самарали меҳнатлари, илм ва жамоатчилик фаолияти олдидаги жонбозликлари ва юксак хизматлари учун Т.Ғофурбеков "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони (1989), "Мустақиллик" кўкрак-нишони (1992), "Эл-юрт хурмати" ордени (2014) билан тақдирланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасинбек Ғофурбеков 1939 йил 7 май куни Фарғонада таваллуд топган. У Ҳамза номидаги Тошкент давлат муסיқа билим юртининг "Муסיқа назарияси" бўлимида (Е.А.Финченко синфида) таҳсил олди. Тошкент давлат консерваториясининг "Муסיқа тарихи" кафедрасига ўқишга киргач, профессорлар Н.Ф.Орлов ва С.М.Векслерлардан таълим олди. Санкт-Петербургда профессор А.Н.Дмитриев, Москва консерваториясида профессор Т.Э.Цитович раҳбарлигида, Бутуниттифик Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида (Осиё ва Африка давлатлари санъати секторида) амалиёт ўтади. 1977 йил номзодлик, 1989 йил докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Т.Ғофурбеков Ўзбекистон давлат консерваториясида (пианиночи-журналов, ўқитувчи, кафедралар мудир, илмий ва ижодий ишлар бўйича проректор), Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида (лаборант, кичик, катта ва бош илмий ходим, 1992-1998 йиллари директор),



ISBN 978-9943-5763-8-4



9 789943 576384